


ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

МУБОРАК ГАНИЕВА



УЎҚ: 675.1 (072)

КБК 51.1 (5Ў)6

Г-90

- Г-90 М.Ганиева. Таълим жараёнида фалсафий тушунчаларин шакллантиришнинг мантиқий асослари. -Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 136 бет.

ISBN 978-9943-4261-9-1

Юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, ижтимоий-сийосий, хукукий ва маънавий ислоҳотлар инсон манфаатларига, айниқса, комил шахсни шакллантириш, унинг мантиқий фикрлараш салоҳиятни оширишга хизмат килмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, демократик тараққиёт мезонин, маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсири этувчи энг муҳим хаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарас боғлиқидир.

Ушбу монографияда Юртбошимиз И.А.Каримов аஸрлари ва маърузалари асосида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими музассаларин ўқувчиларида фалсафий тушунчаларин шакллантиришнинг мантиқий-назарий асослари, "Шахс ва жамият" дарсларидаги фанларро ялоқа, ўқувчи-ёшларда фалсафий атамаларни сингдириш технологияси ҳамда унга төъсир этувчи бир катор рационалистик маънавий мезонлар атрофлича мантиқийлик нуткан назаридаги тервиш тавсифланган.

Шунингдек, монографияда ўқувчи-ёшларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришни ривоҷлантиришининг рационал, илмий-методик, маънавий ҳусусияти, замонавии воситалари, таълим-тарбиянинг диалектикалык бирлиги, жамият хаётига татбиқ этиш усул, воситалари ҳамда шарқона қараша ва шарқона ҳаёт фалсафаси мужассамлаштирилган. Муаллиф, мустақилик йилларидаги таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлар кўлами ва моҳиятига кўра уланган таълим-тарбиявий ишларимиз, кеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, маънавий юксалашюрунда мустаҳкам замин яратилганинги ҳақида фалсафий қарашларини баён эта олган. Ушбу таълим-тарбия жараёнининг рационал тарихий воелик сифатида ривож топниши, мустақилик шаронтида тараққиёт асосларидан биринга айлантирилганинги назарий мулоҳаза ва амалий мисоллар асосида ёритилган.

Ушбу монография маънавий-маърифий, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борувчи ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизими ходимлари, таълим-тарбия билан шугуулланувчи барча турдаги ўқитувчилар учун мўлжалланган.

УЎҚ: 675.1 (072)

КБК 51.1 (5Ў)6

Масъул мухаррир:
фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Алиев

Тақризчилар:
фалсафа фанлари доктори, профессор А.Мухтаров;
тарих фанлари номзоди, доцент Г.С.Фузаилова.

Монография ТДИУ Кенгашининг 2013 йил 30 сентябрдаги 2-сон қарори билан нашр этилди.

ISBN 978-9943-4261-9-1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

КИРИШ

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар даврини бошидан кечирмоқда. Ўзбекистоннинг равнақи, гуллаб яшнаши учун, аввало, фидойи, интеллектуал жиҳатдан ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш долзарб масалалардан биридир. Ўтган йиллар давомида жамият ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва мъянавий юксалиш, янгиланиш сари юз тутди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳот натижалари халқ мъянавиятининг тикланиши, бой, миллий тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим равнақи билан узвий боғлиқдир.

Шу ўринда Республикаиз Президенти И.А.Каримовнинг куйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиздир: “Демократик, хукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кишилар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, кадрлар масаласи бўлиб, усиз жамиятни модернизациялаш асло мумкин эмас. Шу боисдан ҳам ўтиш даври биринчи босқичидан буён бу масала давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ асосий масала қилиб қўйилди”¹.

Хозирги пайтда мамлакатимизда бозор муносабатларининг чукурлашуви, демократик-хукуқий давлатнинг шакллана бориши билан ижтимоий ривожланишининг янги босқичига ўтилмоқда. Шу сабабли янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғликлиги, кишиларнинг ахлоқий, сиёсий, диний, эстетик, хукукий дунёқараашларининг таркиб топиши сингари масалалар инсониятни жамият тараққиётининг барча босқичларида қизиқтириб келган.

Шу мъяномда Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги таплари ёшларнинг дунёқараашини шакллантиришда дастур-ламал бўлиб қолади: “...ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асрар, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй берётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чукур англаши, ўз атрофида

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация килиш ва иқтисодиётимизни баркарор ривожлантариши Йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 16-т. – 368 б.

содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишига қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор². Айнан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида “Шахс ва жамият” фани ана шу муаммоларни ҳал этишга, ўқувчиларда мавжуд ижтимоий воқеликнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштирок этиш кўнинмаларини ҳосил қилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг иккичи сифат босқичини рўёбга чиқаришда, унда кўйилган вазифаларни муваффакиятли ҳал этишда педагог-ўқитувчиларнинг замонавий таълим технологиялари моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади³.

Шунга кўра:

- “Шахс ва жамият” ўқув фани ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанларнинг асосий моҳиятини ўзида мужассам-лаштирган бўлиб, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таълимий-тарбиявий муаммоларнинг тўғри ечимини топиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги;
- ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш масалалари етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги;
- мазкур муаммо педагогик жиҳатдан тадқиқ этилмаганлиги ва унинг илмий-услубий асослари яратилмаганлиги;
- унинг ўзига хос интегратив хусусияти, шунингдек, ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш усуллари ҳамда ахборот технологиялари тизимлари асосида етказишнинг мақбул воситалари илмий жиҳатдан аниқланмаганлиги;
- мазкур фанни ўқитишнинг педагогик-дидактик тамойиллари ишлаб чиқилмаганлиги;

² Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 17-т. – 280 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997. – 63 б.

- фандаги фалсафий тушунчаларнинг мазмунни, ҳажми ва ўзаро муносабатларини ўрганиш бўйича таълимнинг замонавий технологиялари ишлаб чиқилмаганлиги;
- ушбу ўкув фанига дахлдор фалсафий тушунчаларни ўрганишнинг меъёрий ва микдорий кўлами даражаси мавжуд эмаслиги;
- ўкув фанига доир тушунчаларни ўкувчилар онигига сингдириши жараёнида олинган билимларни амалда кўллаш, уларда мустакил фикрлаш кўнимкамаларини шакллантириш педагогик муаммо сифатида мавжудлиги;
- ўкув фанига оид илмий-тадқиқот ишлари ва ўкув-методик адабиётлар тақчиллиги ўқитувчиларнинг соҳа бўйича педагогик фаолиятида қийинччиликлар туғдираётганлиги ушбу монография мавзусининг долзарблигини белгилайди.

“Шахс ва жамият” ўкув фани сифатида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида 2002 – 2003 ўкув йилидан бошлаб амалиётга жорий килинган. У ҳақдаги дастлабки методик адабиётлар С.Мамашокиров, М.Лафасов, А.Хукумов ҳамда Н.Жўраев, Ш.Азизовлар қаламига мансуб бўлиб⁴, мазкур ўкув кўлланмаларда кўриб чиқилаётган муаммолар Давлат таълим стандартларига асосланган, шахс ва жамият билан боғлиқ асосий тушунча ва иборалар изоҳланган, масалаларнинг этноижтимоий, тарихий, сиёсий, маънавий хусусиятларига боғлиқ жиҳатлари таҳлил килинган. Аммо бу ёндашув ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни таркиб топтириш учун етарли эмас. Шунингдек, бугунги кунга қадар педагогика, тарих, хукук ва фалсафа фанлари соҳаларида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассса-салари ўкувчиларида мазкур тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-методик асосларини яратишга жиддий кўл урилмаган.

Холбуки, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "...фарзандларимизнинг нафакат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши"да⁵ мазкур тушунчаларнинг ўзлаштирилиши муҳим ўрин тутади. Шу

⁴ Jo'sayev N, Azizov Sh. Shaxs va jamiyat: akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – T.: Sharq, 2005. – 224 b., Mamashokirov S. va boshqalar. Shaxs va jamiyat (nazariy masalalar va amaliy mashg'ulotlar). – T.: «O'qituvchi», 2005. – 335 b.

⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракките ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

боис “Шахс ва жамият” фанини халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютукларига асосланган ўқитиш методларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳар қандай фанда тушунчаларнинг у ёки бу жиҳатлари ўрганилади. Файласуфлар “тушунча”ни борликда мавжуд нарса ва воқеа-ҳодисалар моҳиятининг инсон оигидаги инъикоси деб қарашса, мантиқ илмида “тушунча” орқали тафаккурнинг бирламчи шакли ифодаланади. Тилшунослик тушунчанинг мазмуни билан унинг номи орасидаги мосликни, психология эса илмий тушунчаларни ўзлаштириш қонуниятларини шахснинг ривожланиши даражасига боғлаб ўрганади. Педагогика тушунчани ўкув материалининг энг муҳим дидактик бирлиги деб ҳисоблайди⁶.

Мазкур масала юзасидан яратилган адабиётлар таҳдилига асосланиб, тушунчаларни шакллантириш кўп қиррали жараён эканлигини таъкидлаш лозим.

Шахснинг маънавий-маърифий ривожланишига багишиланган таълим назарияси (Ж.Дъюи, В.В.Рубцов, Л.В.Занков), илғор педагогик таҳкрибалар (Б.Беспалько, К.Фридман, Ж.Ф.Йўлдошев, Н.Сайидахмедов), таълимга тизимли ёндашув (Б.Ф.Ломов, В.В.Давидов, А.К.Маркова, Л.И.Айдарова), ўкувчиларни маънавий тарбиялаш ва ривожлантирувчи таълим назарияси (И.Г.Песталоци, И.Ф.Гербарт, К.Левин, М.Сайдов), маънавий таълим-тарбия концепцияси (Р.Мавлонова, С.Нишонова, О.Мусурмонова, С.Очилов, О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Р.Иногомов, К.Тошмуродов)га доир илмий қарашлар ва ёндашувларда ўкувчиларда педагогиканинг шу соҳасига оид тушунчаларни таркиб топтириш йўллари назарда тутилган.

Файласуф олимлардан К.Ж.Туленова ўз тадқиқотларида илмий кўра билишда тушунчаларнинг шаклига алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, ҳар қандай илмий фан, ушбу фаннинг тадқиқот предмети ҳисобланган бир-бирини тўлдириб турган ички қонуниятлари, тамойиллари ва ғояларидан иборат. Объектив дунё қонуниятларини англаш тушунчалар тизими орқали амалга

⁶ Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўкувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2002. – 122 б.

оширилади. Тушунчалар таркиби эса фанда ўрганиладиган қонуниятлар, тамойиллар ва гоялардан келиб чиқади⁷.

Н.А.Шермухаммедова тушунчаларни илмий тафаккурнинг ижтимоий-фалсафий асослари⁸, О.Ф.Файзуллаев илмий билишнинг методлари сифатида⁹ кўздан кечиришган бўлса, В.Х.Хайруллаева тафаккур шакллари ва уларнинг методологик аҳамиятини кўрсатиб бериш орқали тушунчаларнинг фалсафий талқини устида тўхталиган¹⁰.

Педагог олимлардан Ф.Головкина, А.Г.Колосков, Н.Ремеев, А.Саъдиев, Я.Гаффаров, Т.Тошпўлатов, С.Маҳкамов, Р.А.Муллайджанова, Қ.Р.Шоназаров, А.М.Абдуманнатов, Б.Б.Собиров, Ҳ.Ж.Худойкулов, Г.Р.Акрамова, Н.Ж.Исакулова, У.Н.Марасулова, М.Х.Усмонбоева, Т.К.Кудайберганова, Б.Х.Ходжаевларнинг илмий ишларида ўқувчиларда тушунчаларни шакллантириш масаласи умумий тарзда баён этилган.

А.Г.Колосковнинг фикрича, ўқитувчи ўқитиш жараёнида нафакат дарс мазмунига, балки мавзунинг асосий таянч тушунча ва ибораларига эътиборини қаратмоғи лозим. Улар рационал билишнинг асосий шаклларидан бири хисобланади¹¹.

Рус методисти Е.Ф.Головкина: “Ўқув-тарбиявий жараёни тақомиллаштиришнинг бир неча йўллари мавжуд. Тарих ўқитиш методикасида энг мақбул йўллардан бири тарихий тушунчаларни шакллантиришdir. Тушунчалар тарих фанининг асосини ташкил килади”, -деб хисоблайди. Бизнингча, бу фикрларни фалсафий тушунчаларни шакллантириш хусусида ҳам айтиш мумкин.

Қ.Шоназаровнинг илмий ишларида умумий ўрта таълим мактабларида тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда тушунчалар орқали тарихий тафаккурни шакллантиришнинг аҳволига эътибор қаратилган. Унинг фикрича, тарихни ўрганиш

⁷ Туленова К.Ж. Научное предвидение как философская проблема и ее методологическое значение для социальной практики в условиях независимого Узбекистана: Дис... док. философ. наук. – Т., 2001. – 298 с.

⁸ Шермухаммедова Н.А. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления и его методологическое значение: Дис... док. философ. наук. – Т., 2001. – 300 с.

⁹ Файзуллаев А.Ф. Мировой фонд методов научных исследований, его развитие и внедрение в Республике Узбекистан. // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1995, №10, с. 56-65.

¹⁰ Хайруллаева В.Х. Гибкость мышления и ее методологическое значение: Дис... канд. философ. наук. – Т.: 2000. – 191 с.

¹¹ Актуальные вопросы методики обучения истории в средней школе. / Под редакцией А.Г.Колоскова. – М.: «Просвещение», 1984. – 272 с.

тарихий тушунчаларни онгли ва фаол ўзлаштиришни тақозо этади. Шу нүктай назардан олсак, у ёки бу фанин ўрганиш унга оид терминлар-терминологияни ўзлаштиришга олиб келади, деб ҳисоблаш мумкин¹².

С.Махкамов ўз тадқиқотларида тарих таълимида тарихий тушунчаларни шакллантиришнинг узвийлигини таъминлаш муаммосига алоҳида тўхталиб ўтади. У ўкувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантириш кейинги ўкув фаолиятларида улардан фойдаланиш кўнкимасини ҳосил қилиб, предметнинг ривожлантирувчи функцияларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади, -деб ҳисоблади.

М.Усмонбоева, Т.Кудайбергановалар ўз илмий ишларида “хукуқий маданият”, “адолат”, “ҳақиқат”, “тengлик” каби тушунчаларнинг ривожланиш тарихига алоҳида тўхталиб ўтгандар. Ўкувчиларда хукуқий тушунчаларни шакллантириш муаммоси орқали хукуқий таълим самарадорлигини ошириш йўл-йўриклиарини тадқиқ қилганлар.

Г.Акрамова тадқиқотларида ёшларда толерантликка оид тушунчаларни шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги ҳамда бу борадаги тарихий тажрибалар ва унинг мавжуд ҳолати ҳакида фикр юритилган. Ҳ.Аликулова илмий ишларида ҳам ўкувчиларда таълим-тарбия назариясига оид тушунчаларни шакллантириш, уларнинг педагогик ва психологик асослари юзасидан эътиборга молик қузатишлар баён қилинган. Б.Б.Собиров ўз тадқиқотларида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ иқтисодий тушунчаларга алоҳида тўхталиб ўтади.

Таъкидаш жоизки, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчиларида фалсафий тушунчаларни шакллантириш муаммоси кўп қиррали, мураккаб ҳамда билиш фаолиятининг асоси бўлиб, ушбу жараённи педагогик жиҳатдан таҳлил этиш мазмуни, шакл ва методларини аниқлаш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиши эътибордан четда қолган.

Ушбу монография йўналиши “Шахс ва жамият” фанини ўқитиши борасидаги муаммолар ечимини қидириш жараёнидан келиб чиқиб танланди ҳамда ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни

¹² Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўкувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2002. – 122 б.

шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлашга аракат қилинди.

Монографияда қуйидаги масалаларнинг илмий ечими усусида сўз юритилади:

1. Таълим жараёнида ўкувчиларнинг фалсафий тушунчаларини шакллантиришга доир тадқиқотларни ўрганиш ва илмий ахдил қилиш;
2. "Шахс ва жамият" ўкув фанини ўқитиш жараёнида ўкувчиларнинг фалсафий тушунчаларни шакллантириш педагогик уаммо эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;
3. Ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўрганиш;
4. "Шахс ва жамият" фанини ўқитиш жараёнида ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш мазмунини ишлаб чиқиш, таслаб ва усулларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;
5. "Шахс ва жамият" ўкув фанидаги фалсафий тушунчаларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантирувчи самарали восита эканлигини асослаш;
6. "Шахс ва жамият" фанини ўқитишда ўкувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантириш учун қўллашладиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кузатишлиаримизнинг илмий фарази шундан иборатки, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида "Шахс ва жамият" орани таълими жараёнида фалсафий тушунчаларни ўкувчилар онгига шакллантиришнинг илмий-методик асосларидан фойдаланиш юқори самарадорликка эришилади, агарда:

- "Шахс ва жамият" ўкув фанини ўқитиш жараёнида миллий, методологик, тарихий ва маънавий асосларга таянилса;
- "Шахс ва жамият" ўкув фанида фалсафий тушунчалар инновацион ўқитиш усуллари орқали шакллантирилса;
- миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ўкувчилар онгига сингдирилса;
- "Шахс ва жамият" ўкув фани таълими жараёнида ўкувчиларнинг воқеа-ходисалар ҳақида мулоҳаза юритиш ва ўз мустақил нуқтага назарига эга бўлишга эришилса;
- ўкувчиларда инсоннинг фуқаролик ҳак-хукуqlари ва оркинликларини хурмат қилиш, ўзаро тотувлик, адолат, ватанга муҳаббат, бағрикенглик каби инсоний хислатларга оид билим ва сўнумалар ҳосил қилинса.

Монографияда қуйидаги масалалар назарда тутилады:

1. “Шахс ва жамият” ўкув фанини ўқитишида ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш мұхым педагогик мұаммосифатида асосланды.

2. Фалсафий тушунчалар оркали ўкувчилар онгіда жамиятшунослик билимларини шакллантириш билан ҳаётда зарур бўладиган кўникма ва малакалар тизимини ҳосил қилишга қаратилган педагогик тамойиллар ишлаб чиқилди.

3. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчиларида фалсафий тушунчаларни шакллантириш негизида таълим самара-дорлигига эришишнинг методик шарт-шароитлари, усул ва воситалари аниқланды.

4. Ўкувчиларда “Шахс ва жамият” ўкув фанига даҳлдор фалсафий тушунчаларни ўрганишнинг меъёрий ва микдорий кўлами аниқланды.

5. Ўкувчиларнинг фалсафий тушунчаларини шакллантириш юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда унинг дарс самарадорлигини оширишдаги роли илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими ўкувчиларида фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг методик асослари халқимизнинг тарихий-фалсафий меросининг баркамол инсон тарбиясида жамиятшунослик билимлари самарадорлиги дара-жасини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Таълим жараённан фаннинг асосий фалсафий тушунчалари воситасида ўзлаштириш умумий педагогиканинг ўзак масалаларидан биридир. Биз ушбу монографияда мазкур мұаммо юзасидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимиде “Шахс ва жамият” фанини ўқитиши билан боғлиқ кузатишларни умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

Монографиядаги илмий фаразларимиз ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимиде педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик ва ўкув кўлланмалар яратишида, маънавий-маърифий, ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришида амалий аҳамият касб этади.

І БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Таълим жараёнида фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг педагогик аҳамияти

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузаси Ўзбекистон тараккиётининг кейинги босқичида барча соҳаларда, жумладан, ўта муҳим стратегик жабҳа – ёшлар тарбиясида ҳам амал қилинishi зарур бўлган бош мақсадимизни белгилаб берди¹³. Бу – демократлаштириш, янгилаш, модернизация ва ислоҳ этиш тушунчаларида ўз ифодасини топди. Шу сабабли узлуксиз таълим тизимида тарбия жараёнини демократлаштириш, янгилаш, модернизация қилиш, ислоҳ этиш таълим-тарбия амалиётининг инновацион тамоилларига айланмоқда. Бу эса таълим-тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларини замонавийлаштириш, ёшларни миллий анъаналар асосида XXI асрнинг жўшқин талабларидан келиб чиқиб тарбиялаш демакдир.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг “Шахс ва жамият” дарслари мавзулари фалсафий билимлар билан уйғунлашиб кетган бўлиб, келтирилган маълумотлар ўзаро бир-бири билан боғланади, бир-бирини тўлдириб туради. Уларда дунёни, шу жумладан, инсон ва жамиятдаги муаммолар тўғрисида, инсон вужудга келишининг табиий ва ижтимоий омиллари, жамият ривожланишининг қонуниятлари ва тараққиёт босқичлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Мазкур фанларга доир фалсафий тушунчаларни ёритишда кўпгина илмий терминлардан фойдаланилади. Улар таълим жараёнида ўқувчилар дунёкараши ва тафаккурини кенгайтиришга имкон беради.

Муаммога доир илмий изланишларимизда, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқувчиларида мазкур тушунчаларни шакллантиришнинг асосий босқичлари ва даражаларини белгилаш ҳамда

¹³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 56 б.

унинг инсон тафаккури билан боғлиқ эканлигига атрофлича тўхтаб ўтилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Шахс ва жамият” ўкув фанини ўқитиш жараёнида фалсафий тушунчаларни, билиш, ҳиссий тасаввур ва тафаккурни шакллантириш муаммоси ўкувчиларнинг дунёкараши ва тафаккурида фанга тегишли тушунчаларни шакллантириш билан боғлиқдир.

Дунёда ҳар хил воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ тушунчалар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси биргаликда ўша воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, яъни асл мазмунини очиб берадиган билим ва тасаввурлар тизимиға айланади. Масалан, “ватан” сўзи билан боғлиқ тушунча “туғилиб ўсан жой”, “макон”, “она юрт”, “маҳалла”, “мактаб” маъноларини англатади. Буларнинг барчаси биргина “ватан” сўзи билан боғлиқ тушунчаларнинг бир қисми, холос. Демак, “ватан” сўзи замирида шунча тушунча ва билим бор. Бу сўз инсон ҳаётидаги энг буюк тушунчалардан ҳисобланади. Шу маънода “Шахс ва жамият” ўкув фанида ҳар бир мавзудаги тушунча ва ибораларнинг кўплиги, уларнинг маъно-мазмуни нечоғли мураккаб экани ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолади.

Демак, *тушунча* деб нарса-предмет ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини умумлаштириб, бирлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввурга айтилади.

Тушунча – қайд этилган фикр бўлиб, баъзи бир предметлардан олинган ҳамда умумий ва алоҳида хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда обьектларни умумлаштиради.

Ҳар қандай тушунча муайян мазмунга эга бўлиб, улар муҳим ёки номухим белгиларнинг ўзаро боғликлиги, якка ёки умумий хусусиятига кўра ажралиб туради. Баъзи бир тушунчаларнинг ўзаро уйғунлашиб кетиши натижасида тушунчалар гуруҳи ташкил топади.

Ҳар бир тушунча экстенсионал (ҳажм) ва интенсионал (мазмун) сингари иккита мантиқий тавсифга эга. Тушунчанинг ҳажми фикр қилинаётган предметлар йиғиндисидан иборат. Масалан, “фан” тушунчаси математика, физика, мантиқ ва бошқа бир қатор фанлар билан боғлиқ тушунчаларни қамраб олади. Тушунчанинг мазмунини фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари йигиндиси ташкил этади. Масалан, “фан” тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари, яъни унинг амалиёт билан алокада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳага оид тушунчалар, қонунлар,

принциплар шаклидаги объектив билимлар системасидан иборат бўлиши, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қиласи.

Тушунчалар ҳажмига кўра бир неча турларга бўлинади: якка, умумий, айирувчи ва тўпловчи. Якка тушунчанинг ҳажмида битта предмет фикр қилинади. Умумий тушунчалар предметлар гурухини акс эттиради. Айирувчи тушунча шундай умумий тушунчаки, у акс эттирувчи белгилар берилган синфнинг ҳар бир предметига хосдир. Тўпловчи тушунчада эса, фикр уларнинг тўпламига нисбатан билдирилади¹⁴.

Мазмуни бўйича тушунчалар, аввалам бор, абстракт, конкрет, нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларга бўлинади. Конкрет тушунчаларда предмет ўзининг белгилари билан биргаликда фикр қилинади¹⁵. Абстракт тушунчаларда эса предметнинг белгилари ундан фикран ажратиб олиниб, алоҳида акс эттирилади. Масалан, “инсон”, “табнат” тушунчалари – конкрет тушунчалар, “жасорат” (инсонга хос хусусиятни акс эттиради), “гўзаллик” (борлиқдаги предметларга хос хусусиятни ифода қиласи) тушунчалари абстракт тушунчалардир. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустақил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. “давлат”, “бадиий асар” ана шундай тушунчалардир. Нисбатдош тушунчалар эса зарурий равишда бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қиласидан предметларни акс эттиради. Масалан, “ўқитувчи” ва “ўқувчи”, “ижобий қаҳрамон” ва “салбий қаҳрамон”, “сабаб” ва “оқибат” тушунчалари нисбатдош тушунчалар категорига киради¹⁶.

Тушунчалар орқали ўқувчилар билимлар тизимини ўрганидилар. Таълим олиш жараённада ўқувчилар тушунчаларни реал ҳаёт билан боғлай олмаса, тушунчалар амалиёт билан боғланмаган формал тушунчаларга айланади.

Тушунча тафаккур шакли, фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, тузилишидир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳакидаги ахборотлар тушунилади.

¹⁴ Головкина Е.Ф. Вопросы преемственности при формировании понятий на уроках истории в IV-VII классах. – М.: «Просвещение», 1985. – 208 с.

¹⁵ Уша ерда.

¹⁶ Илев Ю.В. Логика: учебник. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: «Проспект», 2006. – 288 с., Иванов Е.А. Логика: учебник. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство «БЕК», 2001. – 368 с.

“Шахс ва жамият” ўкув фанида тушунчаларнинг ўзаро бир-ири билан боғлиқлиги умумий тушунчалар тизимини ташкил илади. Бу боғлиқлик тушунчаларнинг бир-бири билан ўзаро поқадорлиги ва бир-бирига бўйсунишини тақозо этади.

Ўкув фанини ўқитиш, тушунчаларни шакллантириш жараёнида ўпроқ уларнинг якка, умумий, айиравчи ва тўпловчи хусусиятларига тўхталиб ўтмок зарур. Дарс ўтиш жараёнида тушунчаларга доимо алоҳида эътибор қаратиш, аниқлик киритиш ҳамда укурлаштириш талаб этилади. Тушунчаларни шакллантириш жараёнида уларнинг баъзи бир хусусиятлари ва ўзаро бир-бири илан алоқадорлигига таянган ҳолда фақат биргина изоҳга ўхталиб қолмаслик керак. Уларнинг алоҳида хусусиятлари мазмунан бир-биридан фарқ қиласидиган ҳамда мазмунан бир-бири илан боғлиқ жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ўлади.

Форобий тушунчаларнинг тафаккур шакллари сифатидаги абиатини маҳсус тадқиқ этишга алоҳида эътибор берган. Буюк мутафаккир “Эйсаготе” (“Кириш сўзи”), “Катагурийас” (“Категориялар”), “Ҳарфлар китоби”, “Мантиққа кириш” каби сарларида тушунчаларни универсал моҳиятларни ифодаловчи лий жинслар деб ҳисоблайди ва шу тушунчаларнинг мавжуд ўлиш шаклларини ўрганади. Унинг фикрича, тушунчаларнинг илда ифодаланиши, илмий терминларни яратиш масалаларининг антиқий жиҳатдан таҳлил қилиниши маълум бир илмий қимматга тағдилётган. Фикрнинг денотати (яъни фикр қамраб олаётган, ифодалаётган предметлар синфи) ва концепти (яъни ана шу предметлар синфига с мухим белгилар), уларнинг тушунчалар ҳажми ва мазмунида этиши тўғрисидаги қарашлари ҳозирги мантиқ илмининг мухим идалари сифатида сақланиб қолган. Тушунчани ифода этувчи номинал таъриф асосида илмий терминга айланиши заласи ҳам мутафаккир назаридан четда қолмаган. Булар робий меросининг фақат тарихий аҳамиятгагина эга бўлмай, ки ҳозирги илмий билиш учун ҳам мухим эканлигидан далолат ади¹⁷.

Тафаккур шаклларидан бири бўлган тушунчалар ва уларнинг алоқадорлиги муаммоларини ўрганишга тафаккурни ривожгиришга қаратилган когнитив назария тарафдорлари ўз аларини кўшдилар. Улар билиш жараёнини тушунчалардан

фойдаланган ҳолда тафаккурни ривожлантириш билан боғлаган. Билиш мураккаб жараён бўлиб, объектив борлиқнинг инсон онгидаги акс этишининг олий шаклидир. У ҳақиқий билимларни ҳосил қилишга хизмат қиласди.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори рационал боскичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, мухим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурый алоқалар, яъни конуний боғланишлар акс эттирилади.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, “давлат” тушунчасида ўз майдони, аҳолиси, бошқарув органларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс этади. “Илмий назария” тушунчасида эса, фаннинг бирор соҳасига оид бўлган ва у ҳакда яхлит тасаввур берадиган, маълум бир метод ёрдамида курилган тушунчалар системаси ифода этилади. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу тушунчалар мантиқий шаклига кўра бир хилдир. Ҳар иккаласида ҳам предметнинг мухим белгилари орқали фикр қилинган. “Ўз майдонига эгалиги”, “аҳолисининг мавжудлиги”, “бошқарув органларига эгалиги”, “сиёсий ташкилотдан иборатлиги” давлатнинг мухим хусусиятлари ҳисобланади. Ҳудди, шунингдек, фаннинг тушунчалар системаси шаклида бўлиши илмий назариянинг мухим белгилари ҳисобланади. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган мухим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с... п билан белгиласак, тушунчанинг мантиқий структурасини A (a, b, c... n) шаклида рамзий тарзда ифодалаш мумкин. Чунки тушунча тафаккур шаклланишининг универсал шаклларидан биридир. Албатта, билиш жараёнининг ўзи тушунчалар орқали амалга ошади. Аристотелнинг фикрича: “Фан – бу тушунчалардаги тафаккурдир”. Тушунчаларнинг харакати муайян қонуният ва схемаларда ўз аксини топади. Бу қонуният ва схемалар илм-фан ва тафаккурнинг асосий қуролларирид.

Фан мантиқ қонунлари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, олдинги билимларга асосланибгина қолмай, янги билимларни қўлга киритиш ва уларнинг ҳақиқий мазмунини аниқлай олиш мумкин деб ҳисблайди.

Тафаккур ёки тушунчаларни шакллантирувчи фаоллик индивиддан келиб чиқади. Психологияда когнитив мактаб

ўрганиши, белгиларни тушунчалар билан ўзаро боғлаган ҳолда хотирасида сакламоги зарур. Янги тушунчаларни ўзлаштириш жараёнининг сўнгги босқичида ўкувчи тушунчаларни уларнинг белгиларига кўра тезрок ўзлаштиради.

Вазиятдан келиб чиқиб, ўқитувчи янги тушунчалар билан таништириш жараёнида тушунчаларнинг муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиши, уларга тушунчаларнинг мазмунни ёритилган тарқатма материалларни тарқатиши ёки ўкувчилар интерфаол усуllibардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида мустакил таҳлил ўтказишса мақсадга мувофиқ бўлади. Тушунчаларни ўзлаштиришда уларнинг алоҳида белгиларига кўра ажратили эмас, балки бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган умумий белгиларига алоҳида ургу бериш тақозо этилади. Ўкувчи ушбу тушунча мазмуни таркибига кирадиган қатор муҳим ёки номухим белгиларини ўзлаштиради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тушунчаларнинг тизими ва бутунлиги йўқолмайди. Биринчи ҳолатда синтез анализдан устун бўлса, иккинчи ҳолатда анализ синтездан устун бўлади.

Ана шу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, “Шахс ва жамият” ўкув фанини ўқитиш жараёнида ўкувчилар фалсафий тушунчаларни алоҳида белгиларига кўра билиши ва уларни амалиётда кўллай олиши керак. Ҳар бир ўкувчига индивидуал ёндашган ҳолда ўқитувчи тушунчаларнинг шаклланиши жараёни хусусиятларига алоҳида эътибор қаратмоғи зарур. Баъзи бир ўкувчиларда тушунчаларнинг шаклланиши кўпроқ содда тушунчалар орқали боради. Баъзан эса, ўкувчи таълим олиш жараёнида шахсий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда бир хил мазмунга эга бўлган тушунчаларни кўшиб юборади. Бу ҳолда тушунчаларнинг шаклланиш жараёни икки хил йўналишга эга бўлади. Биринчидан, улар кўпроқ ички вазиятдан келиб чиқса, иккинчидан кўпроқ доимий бўлади. Бундай ҳолатда кейинги жараённинг ривожланиши икки йўналишда бориши мумкин, яъни ё содда ёки мураккаб тушунчаларни ўзлаштириш.

Дифференциал психология ўкувчиларнинг нафақат ижтимоий тажрибасини, балки шахсий лаёкатларини, уларнинг қобилиятларидан фойдаланишини ҳамда иқтидорини аниқлашни тақозо этади. Ўкувчиларнинг қизиқишиларини инобатга олган ҳолда, уларга дифференциал ёндашиш ҳамда дифференциал тарзда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш керак. Бундай ёндашувда турли

психологик жараёнларни (дикқатни жалб қилиш, қабул қилиш, онг ва х.к.) турли даражада амалга оширилишини инобатта олмок зарур. Шунинг учун тушунчаларни шакллантиришда дикқатни жалб қилиш ҳамда аник тушунчаларнинг моҳиятини мантикий тушунтириш мухим ўрин эгаллади.

Ўқувчилар маълумотларни эслаб қолишлари учун уларнинг ҳажми бўлинади. Яъни таълим олиш жараённада ўқувчи бир дунё маълумотларга дуч келади, уларни объектив тарзда қабул қилинган маълумотлар леб ҳисоблаш мумкин. Лекин бу маълумотларни ҳамма ҳам бирдек қабул қилиш имкониятига эга эмас. Бу – субъектив тарзда қабул қилинадиган маълумотлар. Аммо ўқувчи унинг ҳажмидан ўз онгида саклаб қоладиган ва фойдалана олиши мумкин бўлганини ажратиб олади.

Таъкидлаш лозимки, тушунчаларни шакллантириш тизими кўп босқичли бўлиши керак. Тушунчаларнинг таркиби бойишида алоҳида тушунчалар иштирок этиши, уларга параллел тарзда бошқа тушунчалар ҳам қатнашиши лозим.

Юкоридагилар шуни кўрсатадики, тушунчаларни шакллантириш жараённада дифференциал ва когнитив психологларнинг принциплари бир-бирига мос келади.

Бу жараённинг кўп поғонали эканлигини эътиборга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, тушунчаларнинг инсон онгида шаклланиш босқичлари кетма-кетликда рўй беради. Бу борада, аввало, ўқувчиларнинг билими ва шахсий тажрибасига таяниш, сўнгра тушунчаларнинг тузилмаси ва хусусиятларини аниқлаш, фақат шундан кейингина тушунчаларга илмий таъриф бериб, улар ўргасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш зарур. Юкорида кўрсатилган тушунчаларни шакллантириш кетма-кетлигига риоя қилингандагина ўқувчилар тушунчаларни тўғри ўзлаштирадилар. Ҳар бир алоҳида олинган босқичда тушунчалар шаклланди деб ҳисобламаслик керак. Ҳамма босқичлардан кетма-кет ва мувафаккиятли ўтгандагина тушунчалар тўлақонли шаклланади. Бир предметнинг иккинчи предметга нисбатан фарқини аниқлаган ҳолда уларнинг мавжуд хусусиятлари ўзлаштирилганда ва ўзаро бир-бири билан боғланганда тушунчалар шаклланади. Шунга кўра тушунчаларнинг шаклланиш даражаси улардан эркин ва тўғри фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Психологлар билан бир қаторда педагог олимлар ҳам ўқувчиларда тушунчаларни шакллантириш устида тинмай ишлайдилар

ва ушбу муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Ўкув жараёнида тушунчаларни шакллантириш муаммоларига турли қарашлар мавжуд. Замонавий дидактикада нафакат аниқ йўналишларга ургу берилади, балки таълим бериш жараёнида тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва методлари масалаларида олимлар ўртасидаги ҳамфирлик ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

И.Я.Лернернинг ўкувчиларда тафаккурни шакллантириш концепциясида тушунчаларни шакллантиришга алоҳида ўрин ажратилган. Олимнинг фикрича, тафаккурни шакллантиришинг бир неча погонаси мавжуд. Биринчи погона идрок ва ҳиссий билиш ҳисобланади. Тушунчаларни шакллантириш жараёнини эътиборга олган ҳолда идрок турли ёшда ҳар хил бўлади. Шундай қилиб, ўқитувчи олдида ўкувчиларнинг психологик-ёш хусусиятларини инобатта олиш вазифаси туради. Идрок бошлангич билимларга таянган ҳолда илк тушунчаларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради. Аниқ вазиятларда ушбу билимлардан фойдаланиш тушунчаларни аниқлашга, яъни назариялаштириш, илк тушунчаларни абстрактлаштириш ва уларни амалиётда кўллашга ёрдам беради¹⁸.

В.Б.Давидов ўз концепциясида тушунчаларни шакллантиришда жараённинг боришини ўзгартиришни таклиф этади. Агар олдин тушунчаларни шакллантириш жараёнида хусусийликдан умумийликка ўтишга ургу берилган бўлса, энди тадқиқотчи умумийликдан конкретликка ўтишни таклиф этади. Бундай ҳолда аниқлилик хусусийлик билан қўшилиб кетмайди ва бири-бирининг ўрнини боса олмайди, балки ўзининг хусусиятларига кўра аҳамияти билан лиммо-лим бўлиб, предмет ёки ҳодисаларга тегишли бўлган умумлаштириш жараёнини янги босқичга олиб чиқади. Аммо бу концепция хотирани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ўкувчиларнинг психологик ёшининг ўзига хос хусусиятларини ва алоҳида жараёнини эътиборга олмайди.

М.Н.Скаткин тушунчаларга таянган ҳолда тафаккур шаклланади, деб ҳисблайди. Тушунча – тафаккур шаклларидан биридир, унда жисмларнинг умумий ва алоҳида хусусиятлари, бир предметнинг иккинчи предмет билан алоқаси ҳамда унинг келиб чиқиши ва ривожланиши акс эттирилади. Ўқитувчи тушунчаларни шакллантиришда ўкувчиларнинг олдиндан чукурлаштирилган ва умумлаштирилган билимларидан фойдаланади. Умумлаштириш

¹⁸ Лернер И.Я. Развитие мышления учащихся в процессе обучения истории. – М.: «Просвещение», 1982. – 191 с.

жараёнида тушунчалар тизими шаклланади, янги босқичда умумлаштирилиб конкретлаштирилади. Тушунчаларни шакллантириш жараёнинг муракаблиги шундаки, улар билан параллел тарзда абстракт тафаккур ҳам шаклланади. Унинг шаклланишида нафақат тушунчалар, балки фактлар, баҳолар, сабаб ва оқибатларнинг ўзаро боғлиқлиги, хулосалар мухим ўрин эгаллади.

Методист олимлар тушунчалар факат воқеаларни тушунтириш ва тизимлаштириш, бошқа тушунчалар ҳақида фикр юритиш ҳамда янги билимларни шакллантириш учун керак, деб ҳисоблайдилар. Тушунчаларнинг мазмуни конкретлаштирилиб ҳамда умумлаштирилгандан сўнг етакчи тушунчаларнинг секин-аста ўзлаштирилишига диккат жалб қилинади. Агарда яратилаётган образларнинг ўзига хос хусусиятлари ўқитувчи томонидан ажратилиб кўрсатилса ҳамда ўқувчилар томонидан тушунчаларнинг хусусиятлари сифатида фикр юритилса, тушунчаларни шакллантириш жараёни самарали бўлади.

Н.Г.Дайри тушунчаларни шакллантиришнинг мухим хусусияти ўқувчиларнинг хотирасига боғлиқ деб ҳисоблайди. Ўсмирларнинг хотираси катталарнига нисбатан кучли ва уларда эшитиш орқали, ҳаракатли, образли, моторли ва эмоционал хотира турлари шаклланган. Шунинг учун, у ёки бу тушунчаларни шакллантиришда, ўқитувчи хотиранинг барча турига таъсир кўрсатиши лозим, чунки ҳар бир ўқувчидаги хотиранинг ҳеч бўлмагандан битта тури шаклланган бўлиши мумкин.

Тушунчаларни шакллантиришда хотиранинг оғзаки мантикий тури мухим ўрин тутади. Шунинг учун тушунчаларнинг мазмуни мухокамаси “мантикий занжир” орқали амалга оширилишида ўқувчиларда мантикий эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш мухим ўрин эгаллади.

Тушунчаларни шакллантиришда уларнинг мухим ёки номухим белгиларини умумлаштириш энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Тушунчаларни шакллантириш методлари кўриб чиқилганда, ҳар бир тушунчанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Бугунги кунда тушунчаларни шакллантиришнинг бир неча мантикий усуслари мавжуд:

1. Дедуктив (умумийликдан хусусийликка).
2. Индуктив (хусусийликдан умумийликка).

Тушунчаларни шакллантириш боскичларида дедуктив ва индуктив усуллар устувор йўналиш ҳисобланади. Маълумотларни умумлаштиришнинг дедуктив ва индуктив усулларидан ташкири, кўргазмаларга таянган, оғзаки-мантикий турлари ҳам мавжуд.

Е.Н.Кабанова-Меллер тушунчаларнинг мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган хусусиятларини умумлаштиришини таклиф қилади. Бу умумлаштиришлар натижасида хуносаларнинг бир-бирига таянган ҳолда, ўзаро алоқадор икки гурухи ҳосил бўлади. Бу тушунчаларни бойитишга ҳамда ҳаёт билан боғлашга ёрдам беради.

Тушунчалар мантиқ қонунларига бўйсунгандагина, улар билан ишлаш яхлит тизим бўла олади. Улар ўртасида алоқани ўринатиш таълим олиш, билиш, аниклаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва таққослаш орқали амалга оширилади.

Инсон ҳаёти давомида пайдо бўлган тушунчаларни инкор килиб бўлмайди. Бу тушунчалар тизимлашмаганлиги ва ўзгачалиги билан ажралиб туради. Улар инсоннинг шахсий тажрибасида пайдо бўлгандир. Илмийлик хусусиятига эга бўлган тушунчалар кўпроқ тизимлашган бўлиб, инсоннинг турмуш тарзи давомида пайдо бўлган тушунчалардан алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради.

Тушунчаларда обьектнинг ўзига ҳос хусусиятлари мазмунига изоҳ бериш орқали очиб берилади. Изоҳлардан атама ва тушунчаларнинг мазмунини аниқаш мақсадида фойдаланилади. Шунга кўра изоҳларнинг икки тури мавжуд:

а) фарқи ҳамда ўзаро яқин туркуми асосида изоҳ бериш. Изоҳ беришда изоҳ берилётган предметнинг синфи, бошқа предметлардан ажралиб турадиган бир ёки бир неча хусусиятлари ўзтиборга олинади;

б) генетик изоҳ бериш – унда аниқ обьект тўлиқ қамраб олинган ҳолда изоҳ берилади.

Изоҳлардан фарқли ўлароқ, терминлар сўз ёки сўз бирикмалари, яъни турли билим соҳасидаги тушунчаларни акс эттиради. Терминлар доимо ишлатиладиган сўзлардан фақат бир хил маъноли эканлиги билан фарқланади. Шундай қилиб, ҳар бир тушунча термин ва изоҳлардан иборат. Термин тушунчага берилган “исм”, яъни тушунчага берилган номдир. Изоҳ эса шу тушунчанинг мазмунидир.

Ўқувчиларнинг “Шахс ва жамият” фани бўйича тушунчаларни шакллантиришни моҳиятига кўра куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Фанга оид тушунчаларни фалсафий тушунчаларга ажратиш.
2. Моҳиятига кўра: экстенсионал (ҳажм) ва интенсионал (мазмун) турларга ажратиш.
3. Белгиларига кўра муҳим ва номухим тушунчаларга ажратиш.
4. Тушунчалар ўртасидаги муносабатни ўрганиш нуқтаи назардан содда (осон) ва мураккаб (қийин) тушунчаларга ажратиш.
5. Ўзлаштириш даражасига кўра: ўзлаштирилган ва янги тушунчалар.

Ниҳоят тушунчаларни шакллантириш шарт-шароитлариға эътибор қартиш лозим. Бу жараён ўқитувчи томонидан дарсда ёритилаётган тушунчаларнинг мазмунини чукур ўзлаштиришдан иборат. Бу ўқитувчининг касбий тайёргарлиги масаласи бўлиб, таълим бериш жараёнида тушунчаларни шакллантириш муаммоси ҳамда ушбу муаммони яхлит ёки баъзи бир масалаларини билишни тақозо этади. Ҳаётий тажрибадан узоклашмасдан материаллар, маълумотлар ва тушунчаларни шакллантириш воситалариға тўғри ёндашиш уларни танлаш бугунги кундаги замонавий таълимнинг асосини ташкил киласди. Аниқ ўкув режасини тузишда, ўқитишининг мантиқи ва мақсадини аниқлаш, янги тушунчаларни киритиш заруриятини очиб бериш, доимо билимларни жамлаш ва умумлаштиришга эҳтиёж муҳим ўрин эгаллайди. Тушунчаларга киритиладиган тасодиф ва заруратлар орқали илмий билимларни ривожлантириш муаммоларини тушуниш мумкин. Маълумотлар оқими кўпайганлиги, уларни умумлаштириш ва янги тушунчаларни киритиш учун ўқитувчи дарсларда фаол билиш фаолиятини таъминлаши зарур. Бу борада тафаккурнинг образли, оғзакиназарий ва амалий компонентларини тўғри уйғунлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Дарс жараёнида кўргазмалилик, таҳлил, синтез, умумлаштириш каби усуулардан тўғри фойдаланиш тушунчаларни ўзлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Турли даражадаги тушунчалар билан ишлаш зарурий шароитдир. Шу ўринда, ўрганилаётган фан ва фанлараро доимий тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди.

1.2. “Шахс ва жамият” дарсларида фанлараро алоқа

Таракқиёт сари йўл тутган ҳеч бир мамлакат дунёда рўй берадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар

билишга имкон яратади. "Шахс ва жамият" фанининг мазмуни ва вазифалари инсон ва жамият тўгрисидаги фанларнинг ўзаро алокаси муаммосини ўрганишдан иборат. Уларнинг ҳаммаси билимлар интеграциясида ўз вазифасини ўташи, кишиларга, аввало, жамиятда ва ўзларида юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаб олишга, сўнgra эса жамиятни қайта куриш, мавжуд турли ижтимоий муносабатларни уйғуналаштириш, ўзлигини ўзгартириш учун ҳаракат қилишга ёрдам бериши лозим. Буларнинг ҳаммаси дунё ҳакидаги турли-туман тасаввурларни тартибга солишга, уларни илмий нуктаи назардан англаб олишга имкон берадиган асосни яратишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради¹⁹. Ижтимоий антропология эркинлик, танлаш, ижод, маъсулият, виждон, ҳаёт мазмуни каби асосий тушунчаларнинг моҳиятини очиб беради. Ҳар хил предметларни боғлаш мураккаб жараён бўлиб, ўқитувчидан катта билимни талаф қиласди.

Биринчидан, фанлараро характерга эга бўлган тушунчанинг тузилиши, маъносини аниклаш, иккинчидан, бу тушунчанинг белгиларини ва ўрганилаётган предметларда тутган ўринини билиш керак.

Таълим жараёнида фанлараро алоқа кўнишка ва малакаларни шакллантириш ҳисобига амалга оширилади ҳамда таълим босқичлари орасидаги зарурӣ боғланиш ва муносабатларни илмий-амалий жиҳатдан тўғри ўрната олиш талаб қилинади. Масалан, таълим босқичлари ўртасидаги (вертикал) узвийликда таълимнинг кейинги тури мазмуни аввалгиси билан мазмун жиҳатдан узвий боғланган ҳолда, уни кейинги таълим турида кенгайтирилган ва чукурлаштирилган тарзда давом эттириш таъминланади. Ўкув предметларидаги (горизонтал) узвийликни фанлараро боғланиш дейиш тўғри бўлади²⁰.

"Шахс ва жамият" фани, айниқса, тарих фани билан яқин алоқада. Ҳозирги замон жамиятшунослик фани бўлмиш "Шахс ва жамият"да инсон ва жамият ҳакидаги билимлар ўқувчилар кўз ўнгидаги бир ёклама, фақатгина баъзи бир фан соҳасида эмас, балки комплекс тарзда гавдаланиши керак. "Шахс ва жамият" фанини ўрганиш ва ўргатиш деганда, дарсларо ўкув кўлланмаларда мавжуд маълумотлар тўгрисидаги билим ва тушунчаларни шунчаки

¹⁹ Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий кўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. – 168 б.

²⁰ Махкамов С.Т. Тарих таълимидаги курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2005. – 139 б.

силсиласи таъсиридан холи бўлолмайди. Ўз тарихий тараққиётида янги босқичга қадам кўйған мамлакатимизда ҳозирги замоннинг мухим талабларига ўз вақтида жавоб берадиган таълимга эҳтиёж катта. Ижтимоий тараққиётнинг ўзи ҳам жамият ҳәтида, шу жумладан, кишилар тафаккурида чукур ўзгаришлар бўлишини назарда тутади. Зоро, уларнинг амал қилиши янги ижтимоий муносабатлар ва янгича ишлаб чиқариш усуулларига ўтиши мумкин.

Шу маънода, ҳозирги замонда таълим ўқувчиларга жамиятнинг ўзи ва инсон ҳакида билимлар олишига кўмаклашмоғи, уларда яшаш учун зарур бўлган кўнилмалар ҳосил қилишга, жамиятнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий заминларини ўрганишга ёрдам бермоғи лозим. Айнан “Шахс ва жамият” фани жамият ва инсон ҳакида ана шундай билим ва тушунчалар берувчи ҳамда кўнилмалар ҳосил қилувчи фан ҳисобланади. “Шахс ва жамият” ўқув фанини ўқитишининг асосий мақсади инсон шахсини шакллантириш, инсон ва жамият ҳакидаги билимлар билан куроллантиришдан иборат. Шу сабабли бу фан ўқитувчиларидан дарсни ташкил этишда катта маҳорат ва меҳнат талаб қилинади.

Тизимли билим, тушунча, дунёкараш ва ғояларни шакллантириш учун фанлараро алоқа боғлаш зарур бўлади. Фанлараро алоқа улар учун умумий бўлган фактлар, тушунча ва ғоялар, таълим меҳнатининг кўнилма ва малакаларини шакллантириш орқали ўрнатилиши керак. Шунинг учун ҳар бир фанинг фактик ва назарий материалларининг бошқа предметлардаги ўхшашлик томонларини ҳисобга олиш лозим.

Фанлараро боғланишларнинг умумий назарияси тарихни, ҳуқуқшуносликни, инсон ва жамият фанларини ўқитиши жараённида катта амалий аҳамиятга эга. Бу предметлар ўзаро ҳар томонлама якин бўлиб қолмасдан, улар бошқа фанлар билан ҳам боғланаб кетади. “Шахс ва жамият” фани инсоният ҳаёти ва тафаккури ривожининг турли босқичларидаги хусусиятларни ўрганади.

“Шахс ва жамият” ўқув фани бошқа ижтимоий ва фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда бўлса-да, унинг ўзига хос ўрганиш объекти мавжуд. Бу фан асосан ўқув материалини аралаш, интегратив усуулда ўрганади. Ушбу ўқув фанида жамиятни ўрганишда тизимли ёндашув катта аҳамиятга эга, чунки у ижтимоий тизимлар ўртасидаги алоқадорликларни, шунингдек, жамиятда юз бераётган ўзгариш ва жараёнларни таҳлил қилишини тақозо этади. Шу асосда унинг ривожланиш тенденцияларини

билишга имкон яратади. "Шахс ва жамият" фанининг мазмунни ва вазифалари инсон ва жамият тўғрисидаги фанларнинг ўзаро алокаси муаммосини ўрганишдан иборат. Уларнинг ҳаммаси билимлар интеграциясида ўз вазифасини ўташи, кишиларга, аввало, жамиятда ва ўзларида юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаб олишга, сўнгра эса жамиятни қайта қуриш, мавжуд турли ижтимоий муносабатларни уйғулаштириш, ўзлигини ўзгартириш учун харакат қилишга ёрдам бериши лозим. Буларнинг ҳаммаси дунё ҳақидаги турли-туман тасаввурларни тартибга солишга, уларни илмий нуқтаи назардан англаб олишга имкон берадиган асосни яратишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради¹⁹. Ижтимоий антропология эркинлик, танлаш, ижод, масъулият, виждон, ҳаёт мазмуни каби асосий тушунчаларнинг моҳиятини очиб беради. Ҳар хил предметларни боғлаш мураккаб жараён бўлиб, ўқитувчидан катта билимни талаб қиласди.

Биринчидан, фанлараро характерга эга бўлган тушунчанинг тузилиши, маъносини аниқлаш, иккинчидан, бу тушунчанинг белгиларини ва ўрганилаётган предметларда тутган ўрнини билиш керак.

Таълим жараёнида фанлараро алоқа кўнікма ва малакаларни шакллантириш ҳисобига амалга оширилади ҳамда таълим босқичлари орасидаги зарурий боғланиш ва муносабатларни илмий-амалий жиҳатдан тўғри ўрната олиш талаб қилинади. Масалан, таълим босқичлари ўртасидаги (вертикал) узвийликда таълимнинг кейинги тури мазмуни аввалгиси билан мазмун жиҳатдан узвий боғланган ҳолда, уни кейинги таълим турида кенгайтирилган ва чукурлаштирилган тарзда давом эттириш таъминланади. Ўқув предметларидаги (горизонтал) узвийликни фанлараро боғланиш дейиш тўғри бўлади²⁰.

"Шахс ва жамият" фани, айниқса, тарих фани билан яқин алокада. Ҳозирги замон жамиятшунослик фани бўлмиш "Шахс ва жамият"да инсон ва жамият ҳақидаги билимлар ўқувчилар кўз ўнгиди бир ёқлама, факатгина баъзи бир фан соҳасида эмас, балки комплекс тарзда гавдаланиши керак. "Шахс ва жамият" фанини ўрганиш ва ўргатиш деганда, дарсларро ўқув кўлланмаларда мавжуд маълумотлар тўғрисидаги билим ва тушунчаларни шунчаки

¹⁹ Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий кўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. – 168 б.

²⁰ Махкамов С.Т. Тарих таълимидаги курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2005. – 139 б.

шу ходиса ривожига кўрсатган таъсирини эътиборга олиш мухим аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини билиш учун унинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини билиш зарур. Шунингдек, инсон ўзлигини билиши учун ўзининг келиб чиқиши ва аждодлар тарихини билиши зарур.

“Шахс ва жамият” гуманитар фан сифатида фалсафа фани билан якин алоқадор. Фалсафанинг бошлангич асосларини ўзлаштириш орқали ўкувчилар дунё ва инсоний муносабатларни тўғри англашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга, жамият тараққиёти, инсоният ҳаёти билан узвий boglik умуминсоний қадриятлар даражасидаги муаммолар мағзини чақишга ўрганадилар. Фалсафа фанидаги асосий масалалардан бири инсоният ҳаётининг маънозмазмунин масаласидир. Айнан шу масала билан жамиятшунослик фани ҳам шугулланади. Фалсафа фани оламда инсоннинг ўрни, жамият тараққиёти ҳақида мулоҳаза юритади, жамият тараққиётининг умумий қоидаларини тадқиқ қиласди. Бу масалаларни тадқиқ қилиш “Шахс ва жамият”га ҳам хосдир.

“Шахс ва жамият” “Маънавият асослари” фани билан ҳам узвий boglik бўлиб, жамият тараққиёти ва инсон онгининг ривожланишида маънавиятнинг роли, унинг шаклланиши, такомиллашуви, фуқароларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш омилларини ўргатади. “Шахс ва жамият” фани мавзуларида халқимиз онгига сингиб кетган инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, имон, эътиқод, золимларга нафрат, мазлумларга меҳру шафқат, одамийлик, самимийлик, муҳаббат ва мурувват каби юксак фазилатлар, илғор маънавий ғоялар илгари сурлади.

Инсон ўзини муайян халқ ва муайян жамиятнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина баркамолликка, маънавиятга эришади. Шундай экан, маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият қалбда камол топиши учун инсон виқжонан, ақл билан меҳнат қилиш керак. Бу хазина инсон ҳаётига барқарорлик багишлайди, унинг қарашлари қатъий ва мустақил бўлса, шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожеалар вақтида эса омон сақлаб қолади ва моддий кийинчилик кунларида иродасини мустаҳкамлайди.

Ушбу ўкув фани социология фани билан ҳам якин алоқадордир. Ижтимоий ходисалар, ижтимоий ва инсоний муносабатларни тўлақонли тушуниш социология фани берадиган билимларга boglik. Негаки, социологиянинг жамият ижтимоий-

механик тарзда ўкувчиларга етказиш эмас, балки анъанавий ва замонавий педагогик усулларнинг энг кулий ва самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда тарихий жараён тўғрисидаги тушунча ва билимлардан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш билан бирга, тарих тўғрисида мустақил фикр юритишга ўргатиш ҳам тушунилади²¹.

Кўриниб турибдики, жамият объекти сифатида бир қанча ижтимоий фанлар мажмуи томонидан ўрганилади. Лекин уларнинг ўрганиш мавзуси турлича. Тарих фанининг предмети ўтмишнинг аниқ ва тақорорланмас воқеа ва ҳодисаларидир. Бу фан инсоният ўтмишидаги воқеаларни ҳар бирининг индивидуаллигига ва кўпқирралилигига ўрганади. Бошқа ижтимоий фанлар мавжуд воқееликни асосан умумлаштирилган ҳолда ўрганади. Социологиянинг предмети ижтимоий ривожланишнинг умумий конуниятлари бўлса, политология жамият хаёти сиёсий соҳасининг ривожланиш қонуниятлари ва замонавий тенденцияларини ўрганади. Тарих фанлари, одатда, жамият ривожланишининг вертикал кесимини кўрсатса, бошқа ижтимоий фанлар, асосан, горизонтал кесимини кўрсатади. Тарих фани учун бош масала жамиятни ўрганишга нисбатан тарихий ёндашув, бошқа ижтимоий фанлар учун мантиқий ёки структуравий ёндашув бўлади. “Ватан, миллат тақдиди ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун, аввало, тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак”, - деган эди Ислом Каримов. Кўринадики, тарих фанини ўрганиш ҳам таълимий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга.

Тарих таълими жамиятшунослик таълимининг, жамиятшунослик таълими эса тарих таълимининг ўрнини боса олмаслигини таъкидлаш лозим. Улардан ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Улар ўргасида яқин алоқа мавжуд. Ўтмишни талқин килишда кўплаб жамиятшунослик фанларининг тушунча ва категориялари кенг қўлланилади. Аксинча ижтимоий фанлар тушунчалари ва умумлашган хуносаларининг шаклланиши тарихий тажрибага асосланган ҳолда амалга оширилади²².

Ижтимоий тараккиётнинг, кишилар ва жамоалар ўзаро муносабатларининг конкрет масалаларини ўрганишда уларнинг ҳар бир тарихий даврдаги хусусиятларини, ўтмиш воқеаларининг ана

²¹ "Шахс ва жамият" фанини ўқитишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2009. – 184 б.

²² Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий қўлланима. – Т.: ТДПУ, 2006. – 168 б.

шу ҳодиса ривожига кўрсатган тъсирини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини билиш учун унинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини билиш зарур. Шунингдек, инсон ўзлигини билиши учун ўзининг келиб чиқиши ва аждодлар тарихини билиши зарур.

“Шахс ва жамият” гуманитар фан сифатида фалсафа фани билан яқин алокадор. Фалсафанинг бошлангич асосларини ўзлаштириш орқали ўқувчилар дунё ва инсоний муносабатларни тўғри аংглашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга, жамият тараққиёти, инсоният ҳаёти билан узвий боғлиқ умуминсоний қадриятлар даражасидаги муаммолар магзини чақишига ўрганадилар. Фалсафа фанидаги асосий масалалардан бири инсоният ҳаётининг маънозамзумни масаласидир. Айнан шу масала билан жамиятшунослик фани ҳам шуғулланади. Фалсафа фани оламда инсоннинг ўрни, жамият тараққиёти ҳакида мулоҳаза юритади, жамият тараққиётининг умумий қондаларини тадқиқ қиласди. Бу масалаларни тадқиқ қилиш “Шахс ва жамият”га ҳам хосдир.

“Шахс ва жамият” “Маънавият асослари” фани билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, жамият тараққиёти ва инсон онгининг ривожланишида маънавиятнинг роли, унинг шаклланиши, такомиллашуви, фуқароларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш омилларини ўргатади. “Шахс ва жамият” фани мавзуларида ҳалқимиз онгига сингиб кетган инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, имон, эътиқод, золимларга нафрат, мазлумларга меҳру шафқат, одамийлик, самимийлик, муҳаббат ва мурувват каби юксак фазилатлар, илғор маънавий гоялар илгари сурлади.

Инсон ўзини муайян ҳалқ ва муайян жамиятнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина баркамолликка, маънавиятга эришади. Шундай экан, маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият қалбда камол топиши учун инсон вижданан, акл билан меҳнат қилиш керак. Бу ҳазина инсон ҳаётига барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари қатый ва мустақил бўлса, шунчаки бойлик ортириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожеалар вақтида эса омон сақлаб қолади ва моддий кийинчилик кунларида иродасини мустаҳкамлайди.

Ушбу ўкув фани социология фани билан ҳам яқин алокадордир. Ижтимоий ҳодисалар, ижтимоий ва инсоний муносабатларни тўлақонли тушуниш социология фани берадиган билимларга боғлиқ. Негаки, социологиянинг жамият ижтимоий-

сиёсий ҳаёти, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи ҳақидаги маълумотлардан бошқа кўплаб фанлар катори “Шахс ва жамият” фанида ҳам фойдаланилади. Социологик билимлар ижтимоий ўзгаришларнинг обьектив ва субъектив томонларини системали тушунишнинг, ижтимоий тафаккурнинг ўзаги бўлиб, ижтимоий жараёнларга ҳар томонлама ёндашишни шакллантиришга ёрдам беради. “Шахс ва жамият” фанида ўрганилган категорияларнинг тарихий-фалсафий таҳлилидан сўнг, унинг социологик таҳлили ёритиб берилади.

Бизнинг давримизда шахсларро муносабатларнинг муракаблашуви ҳамда катта ва кичик гурухларда кишиларнинг ҳамкорлигини ташкил қилиш билан социология фанининг аҳамияти ошмоқда. Бир томондан, мамлакат хукукий тизимининг ривожланиши, асосий қонунда кенг кўламда инсон хукук ва эркинликлари мажмuinинг мустаҳкамланиши, иккинчи томондан, ижтимоий бекарорлик шароитида хукук-тартиботни саклаб туришнинг муҳим эканлигидан хукукий билимларнинг, ҳар бир ёшли хукукий қадриятларга ва хукукий соҳада ижобий, жамиятга фойдали фаолият юритишга жалб этишнинг аҳамияти ошиб боради. Ўзбекистоннинг демократик хукукий давлатга айланиши фукаролардаги хукукий нигилизмни енгиб ўтмасдан, улар кўпчилигининг хукукий онгини юкори даражага кўтармасдан амалга ошиши мумкин эмас. Хукукий билимларни эгаллаш ёшларга ижтимоий муносабатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради, чунки хукук меъёрлари бу муносабатларнинг катта кисмини тартибга солиб туради, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳодисалар пайтида тўғри ҳаракат қилиш учун шароит яратади.

“Шахс ва жамият” фанининг хукуқшунослик фани билан алоқаси ҳам узоқ тарихга эга. Негаки бу фанларнинг тадқиқот обьектлари айнан бир хил ҳодисалар бўлиб, улар фақат ёндашув усули нуқтаи назаридан фарқ қиласди. Хукукий билимларни эгаллаш ёшларга ижтимоий муносабатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради, чунки хукук меъёрлари бу муносабатларнинг катта кисмини тартибга солиб туради, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳодисалар пайтида тўғри ҳаракат қилиш учун шароит яратади. Жамият ҳаётида ҳокимиётнинг ўрни, тузилиши, амалга оширилиши, давлат органлари ва кишилар фаолиятига таъсири каби сиёсий ва хукукий масалалар сиёсатшунослик ва хукуқшунослик фанларининг мазмунини ташкил этади.

“Шахс ва жамият” фанининг сиёсатшунослик фани билан алоқаси айниқса, ўзига хос ва мураккабдир. Чунки бу фан “сиёсатшунослик” фанининг сиёсат, жамиятнинг сиёсий тузилиши, ҳокимият-нинг тақсимланиши ва амалий фаолияти, сиёсий режимларнинг турлари ва хусусиятлари, жамиятни сиёсий бошқариш усуллари ҳакидаги маълумотларига асосланади, уларга таяниб умумий назарий хулосалар чиқаради.

“Иқтисодиёт асослари” ва “Шахс ва жамият” фанларининг тадқиқот обьекти, билим ва тушунчаларини уларнинг бир-бирисиз тўла тушуниш кийин. Чунки жамият ҳаётининг турли соҳалари ва инсон фаолияти иқтисодий қонунлар таъсири остида юз беради. Иқтисодиёт соҳаларидаги ўзгаришлар жамиятнинг сиёсий, ҳукукий, маънавий ўзгаришлари таъсирида кечади ва аксинча, сиёсий, маънавий, ҳукукий ўзгаришлар иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларга олиб келади. Улар доимо бир-бирини тўлдириб туради.

Гарчанд ўкув фани сифатида “Миллий истиқлол гояси” олий ва ўрта максус таълим тизимида яқинда жорий этилган бўлса-да, унинг илдизлари қадимий маънавий тарихимизга бориб тақалади. Миллий мағкура тизимида ҳам инсон ва жамият масалалари ўз ўрнига эга. Шу сабабли “Шахс ва жамият” фанини миллий гоя, мағкура тушунчаларисиз ва ҳар бир мавзунинг фалсафий тадқиқини уларнинг таҳлилий инъикосисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

“Шахс ва жамият” фани жамият аъзолари ва ҳар бир фуқарога миллий истиқлол гоясини сингдириш воситаси сифатида ҳам диккатга сазовор. Чунки миллий истиқлол гояси эзгуликка муҳаббат, миллий қадрияtlарга хурмат-эътибор, ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик, зиёлилик тамойилларини сиёсий онг иштироқида талқин этадиган тушунчалар тизими тарзида тақдим қиласа, жамият уларни илмий аংглаш воситасида рўёбга чиқадиган тамойиллар сифатида олиб қарайди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон жамиятшунослик фани бўлган “Шахс ва жамият”да инсон ва жамият ҳакидаги билимлар фақатгина алоҳида олинган баъзи бир фан соҳаси эмас, балки фанлар комплекси тарзида намоён бўлиши ҳамда ушбу фанни қамраб олган билимлар имкони борича инсон ва жамият ҳакида бошқа турли фанлардан олингандан билимларга асосланishi мақсаддга мувофиқ бўлади.

"Шахс ва жамият" фани бошқа гуманитар фанлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласы. У жамият қандай пайдо бўлади, қандай шаклланади, жамиятнинг ўзи нима, у қандай тузилган, унинг таркибий қисмлари бир-бирлари билан ўзаро қандай боғланган, турли жамиятларнинг ўзига хослиги-ю, умумийлиги нималардан иборат, инсоннинг ўзи қандай мавжудот, кишиларнинг ахлоқий, сиёсий, диний, эстетик, хукукий дунёкарашлари қандай таркиб топади, уларнинг инсон фаолиятидаги ўрни қанақа, кишилар ўртасидаги ҳар хил муносабатларнинг вужудга келишига сабаб нима, кишилик жамиятининг ўтмиши қандай бўлган, хозирги ҳолати қанақа ва келажаги қандай бўлди, деган саволларга жавоб излайди. Айнан шу фан инсон ва жамият ҳақидаги энг умумий ва дастлабки билимларни ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бирга туркум фанлар ўзаро боғлиқ бўлишига қарамасдан, бири иккинчисининг ўрнини боса олмайди. Шу сабабдан уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш зарурати мавжуд.

"Шахс ва жамият" фанида юқоридагиларни интегратив ўрганиш эҳтиёжи ўқувчиларни Бу фанларнинг бошланғич асослари билан таништириш заруриятидан келиб чиқади. Ушбу масаланинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими даражасидаги мақбул ечими ўқувчиларга санаб ўтилган фанларни алоҳида ўқитишни эмас, балки "Шахс ва жамият" фанида уларнинг асосларини беришни тақозо қиласи. Меъёрий хужожатларда талаб этилган бу вазифа (ўқувчиларда дунёнинг илмий харитасига мос келувчи билим даражасини хосил қилиш) ушбу фанда жамият ва инсонни ўрганувчи турли фанларнинг интеграциясига эришиш оркали амалга оширилади.

"Шахс ва жамият" фанини ўқитиш, категорияларни ёритиш жараённада қатор қийинчиликларга дуч келамиз. Бунинг асосий сабаби ушбу ўкув фани интеграцион фан бўлганлигидадир. Бу эса ҳар бир мавзуда турли қатор тушунчаларнинг уйғуллашиб кетганлигидан далолат беради. Масалан, ушбу фанда бир неча категорияларни ажратиш мумкин:

- а) "Шахс ва жамият" фанининг предмети ва обьектини аникловчи ва аниқлашга ёрдам берувчи категориялар;
- б) жамият тузилиши ва ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиб берувчи категориялар;
- в) сиёсий институтлар ва жамоат ташкилотларини тадқик килувчи категориялар;

- г) шахс ва жамият муносабатларига доир категориялар;
- д) халқаро хукуқ нормалари ва инсонпарварлик тамойилларига доир категориялар.

Бугунги кунда бизнинг мамлакатимиз жамиятни янгилаш, бозор иқтисодиётини такомиллаштириш, хукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, миллий маънавий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар учун фаровон турмуш шароитларини яратиш йўлидан бормоқда. Бу, бир томондан, шарафли бўлса, иккинчи томондан, узоққа чўзиладиган, мураккаб жараён бўлиб, бир қанча муаммо ва қийинчилекларни сенгуб ўтиш билан боғлиқ йўлдир. Албатта, янги тузумни қуриш ҳеч качон ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Миллионлаб кишилар уни ўз меҳнати, ўзаро муносабатлари билан юзага келтиради, ривожлантиради.

Шу маънода, "Шахс ва жамият" фани ана шу муаммоларни тушунтириш ва ўкувчиларда уларни қуршаб турган ижтимоий воқеликнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштирок этиш кўникмаларини ҳосил килишга йўналтирилган.

Методик адабиётларда фанлараро боғланишларни амалга оширишининг асосий усуслари кўйидагича кўрсатилади: ўқитувчи томонидан аввал ўрганилган фактлар, тушунча ва ғояларни эслатиш; олдинги билимларга таянишни талаб этувчи савол ва топширикларни кўйиш; умумлаштирувчи жадваллар тузиш, бошқа предметларга тегишли бўлган манбалар асосида ўкувчилар томонидан ахборотлар ва баёнотларнинг тайёрланиши; бошқа предметлар бўйича дафтарлардаги ёзувлардан "Шахс ва жамият" дарсида фойдаланиши.

Шунингдек, фанлар ва предметлараро боғланишларнинг ўкувчиларнинг ўzlари томонидан ўқитувчи кўйган саволлар асосида ўрнатилиши маълум даражада самарали чиқади. У эсда саклашнинг ривожланишини таъминлаш билан билимларни умумлаштириш, мантикий фикрлашга томон йўл очади.

Бундай боғланишда дидактик метод айниқса, аҳамиятлидир. Бундай методда дарслик матнлари ва хужжатлар, бошқа предметлар бўйича кўргазмали қўлланмалар, ўкув кинофильмларидан фрагментлар, матнли ва рақамли жадваллар, бадиий, тарихий ва тасвирий санъат асарларининг репродукциялари, дафтар ёзувлари ва ҳоказолардан фойдаланиш амалга оширилади. Буларни қўллашда ўқитувчининг кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этади.

“Шахс ва жамият” фанининг предмети, унинг тадқикот обьекти шахс ва жамият ҳамда унинг таркибий кисмлари хисобланади. Бошқача айтганда, ушбу фан шахс ва жамият муаммоларини ўрганади ва ўргатади.

Жамиятшунослик фанлари бўйича илмий изланишлар олиб боришда бир қатор методологик тамойилларга таянилади. Диалектик метод жамиятшуносликнинг мухим методи бўлиб, инсоннинг вужудга келиши ва моҳияти, жамият ва шахс муносабатлари, ҳатти-ҳаракатлари масалалари диалектикасини ўрганишга имкон беради. Маълумки, шахс ва жамият ҳақидаги билимларсиз жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлган, ўзида сиёсий, хукукий, иқтисодий, ахлоқий ва бошқа шу каби маданиятларни мужассам этган фуқарони таркиб топтириш мумкин эмас. Таълим олиш шахснинг етарли даражада ижтимоийлашувининг, маданият ва инсоний қадриятлар оламига киришининг, энг мухими, қайтарилмас ва ягона бўлмиш "ўзлигини" кашф этишининг шартидир.

“Шахс ва жамият” фани ўз обьектини ўрганишда илмий билишнинг системали ёндашув методига таяниди. Системали ёндашув бўлакларни бутун орқали, бутунни унинг бўлаклари орқали таҳлил этиш, ўрганишни тақозо этади. Жамиятшунослик ҳақидаги билимлар фалсафий тушунчаларнинг бир бутун тизими сифатида намоён бўлади.

“Шахс ва жамият” фанини ўқитишга доир илмий изланишларда тарихийлик ва мантиқийлик методига ҳам асосланади. Тарихийлик методи жамиятга даврий нуқтаи назардан ўзгариб, янгиланиб, ривожланиб, бойиб борувчи жараён сифатида қарайди.

Маълумки, ёшлиарни оташин ватанпарвар, юртпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда тарих катта ва бекиёс имкониятларга эга. Шу маънода, ўз юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйгулари қалкимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. ашарият тарихи шуни кўрсатадики, кишилар ва жамият ҳаётида ivilizatsiya ва маданият ривожи ҳеч қачон ўз-ўзидан ва тасодифан юз бермайди. Инсон ўзини ҳалкнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб ящагандагина жамиятда ўз олдига кўйган максадга, яъни юксак маънавиятга эришади. Бу эса инсонга барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл кўймайди, аксинча турли вазиятлардан чиқиб кетишга ёрдам беради ва иродасини

мустаҳкамлайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, “Шахс ва жамият” ўкув фанининг моҳиятини ташкил этувчи гоялар юксак маънавият соҳиблари бўлган жаҳонга машҳур мутафаккирлар: Имом ал-Бухорий, Форобий, ал-Хоразмий, Беруний, ат-Термизий, ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўпгина буюк сиймоларнинг шахсий фазилатлари, инсон ва жамият ҳақидаги қарашларида чукур акс этган бўлиб, Марказий Осиёда ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ҳамда жаҳон фалсафий тафаккурига хос бўлган умумий қонуниятларни ифодалайди.

Ҳар бир ҳодиса тарихийлик хусусиятига эга. Тарихийлик мурakkab бўлиб, тасодифларга ўралган ҳолда амалга ошган қонуниятлар жараённайдир. Шу боис, “Шахс ва жамият” ўкув фанида тарихий жараёнларнинг ҳам оптимистик, ҳам пессимистик манзараларига ургу берилган.

Оптимистик қарашлар келажакда инсон тафаккурининг камол топиши, тинчлик, моддий фаровонлик, ижтимоий адолат ва ривожланган ахборот технологиялари асосида маданиятнинг юксалиши билан боғлик. Бироқ бошқа ҳисоб-китоблар табиий мухитнинг бузилиши, цивилизациялар ўртасидаги зиддиятлар, жамият ҳаётининг тўлиқ компьютерлаштирилиши шахснинг маънавий қашшоқланишига олиб келиши ҳақида хабар беради. Шу тариқа илмий тадқикотда билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик усуслари катта ўрин эгаллайди.

Тарихийлик деганда предмет ва нарса, ҳодисанинг ўз тараққиёти тушунилади. Мантиқийлик эса тарихий билишнинг инъикосидир. Диалектик таълимотга кўра, у ёки бу ҳодиса, мантиқий билиш жараёни ташки дунё тараққиёти тарихий йўналишининг онгимиздаги инъикосидир. Мантиқийлик тарихийликнинг умумлаштирилган инъикосидирки, мантиқийлик воеликни унинг қонуниятли тараққиётида акс эттиради, унинг зарурлигини тушунтириб беради. Тарихийлик билан мантиқийликни биргаликда олиб боргандагина предмет ва ҳодисалар моҳиятини тўғри тушуниш мумкин.

Ҳаётнинг моҳиятини билиш учун унинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини билиш зарур. Тарихийлик ва мантиқийлик диалектик бирликда аниқ тарихий билимлар асосида, ҳар бир воелик тарихининг асосий йўналишлари ва ривожланиш қонуниятларини аниклаш мумкинлигини таъкидлайди.

“Шахс ва жамият” фанида ворисийлик мухим методологик таймойил хисобланади. Ворисийлик тараққиётнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишининг асосини ташкил этади ва у ҳар қандай ўзгаришнинг зарур шарти хисобланади. Ворисийлик негизида ҳаётийлик ётади.

Ворислик – тарихий тараққиёт жараёнида янгилик ва эскилий ўртасида юзага келадиган зарурый, қонуний алоқа ва боғланиш усулидир. Ворисийлик нарса ва ҳодисаларнинг ривожланишидаги боғлиқлик сақлаб қолинишини англатади. Зеро, у туфайли кишилар ўзидан олдинги авлодлар яратган анъаналар, урф-одатлар, моддий ва маънавий бойликларга таяниб яшайдилар, ўтмишда эришилган ижобий ютуклардан фойдаланилган ҳолда тараққиёт давом этади. “Шахс ва жамият” ўкув фанидаги барча мавзуларни ворисийлик негизида ўқитиш тавсия этилади. Ворисийлик бир томондан, ўтмишда тўпланган барча ижобий, мухим жиҳатлар навбатдаги жамият вакилларининг фойдаланишлари, ўзлаштиришларида намоён бўлса, иккинчи томондан, у аввалги даврда эришилган натижаларнинг кейинги давр талаблари нуқтаи назаридан танкидий баҳоланиши ва ижодий қайта ишланиб, уларга сифат жиҳатдан янги ҳисса бўлиб қўшилишида ифодаланади.

Тушунчалар билан ишлашнинг ўзига хос энг асосий хусусияти шундаки, ҳар бир мавзуда тушунчаларнинг мантикийлиги, аниқлиги, кетма-кетлиги ва қайтарилмаслиги мухим ўрин эгаллади. “Шахс ва жамият” фанида ўрганиладиган воқеликнинг тасаввуримизда ўз аксини топиш жараёнида тушунчалар доимо такомиллаштирилади, тўлдириб борилади, мавжуд тушунчалар мазмунан бойитилади ва ниҳоят янги тушунчалар ҳосил бўлади. Тушунчалар билан ишлашнинг иккинчи ўзига хос хусусияти “Шахс ва жамият” ҳакидаги билимларнинг кенг қамровлигидadir. Чунки бу фани ўқитиш жараёнида биз, энг аввало, инсон ва жамият ҳакидаги турли қарашлар, инсоннинг вужудга келиши ва моҳияти ҳакидаги турли концепцияларга дуч келамиз. Бу жараёнда биз турли қарашлар, фикрлар ва гипотезаларга учраймиз. Уларнинг моҳиятини ўқувчиларга тўғри етказиш ўқитувчидан доимо катта маҳорат ва билим талаб килади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда тушунчалар билан ишлаш жараёнида куйидаги муаммоларга дуч келамиз:

а) “Шахс ва жамият” фани интеграцион фан бўлганлиги сабабли, турли тушунчаларнинг уйғунлашганлиги;

б) тушунчалар билан ишлаш жараёнида баъзи бир атама ва тушунчаларга изоҳ бериш жараёнида ноаниқликларнинг мавжудлиги;

в) миллий урф-одат ва қадриятлардан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир тушунчага аниқлик киритиш зарурлиги;

г) вакт ўтиши билан ҳар бир тушунча ва атама ўз моҳиятини йўкотиши.

Ҳар қандай фан сингари “Шахс ва жамият” фани ҳам умумий тушунчалари, ўзига хос хусусиятлари ва ҳодисаларнинг боғлиқлиги, яъни категориялари билан муҳим аҳамиятга эгадир.

“Шахс ва жамият” фани интеграцион фан бўлганлиги сабабли тушунчаларнинг моҳиятини тушунтириш жараёнида кўп кийинчиликларга дуч келинади. Муҳими шундаки, ҳар бир даврни ўрганишда бир-бирига тўғри келмайдиган тушунча ва терминлар мавжуд. Масалан, инсон ва жамиятнинг вужудга келиши жамиятнинг тузилиши ва ривожланиши, ҳалқаро муносабатлар ва инсонпарварлик тамойиллари, дунёнинг оламшумул муаммолари билан боғлиқ тушунчалар, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳаракатлари ҳақидаги тушунчалар шулар жумласидандир.

Тушунчалар билан ишлашнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, мантиқийлик, аниқлик, кетма-кетлик, қарама-қарши бўлмаган билимлар, ҳар қандай фан учун муҳим бўлган илмийликни келтириб чиқаради. “Шахс ва жамият” фанида тушунчалар билан ишлаш доимо реал дунёни ўрганиш жараёнида пайдо бўлган тасаввурларимизни такомиллаштириб боради, мавжуд тушунчалар янги мазмун билан бойиб боради, янги тушунчалар пайдо бўлади.

Хуллас, “Шахс ва жамият” фани бошқа фанлар сингари илмийлик, холислик, ҳаққонийлик талабларига жавоб берувчи билишининг аниқ методларига таянган ҳолда тадқиқот юритади, таълим тизимида алоҳида ўрин тутади ва бошқа бирор-бир фан бажара олмайдиган вазифаларни ўз воситалари ёрдамида амалга оширади.

1.3. Таълим жараёнида фалсафий тушунчаларни шакллантириш технологияси

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг энг масъулиятли боскичи – ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг кескин бурилиш даврини бошдан кечирмокда. Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси XXI аср ибтидосида ортда қолган йилларни сарҳисоб килиш ва келажак ҳаётнинг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муаммосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Бундай ҳолларда жамият ижтимоий ривожининг илмий асосланган истиқбол режасини тузиб, унинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳал құлувчи аҳамиятга эга. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка эришиш куйидаги икки шартга боғлиқдир:

1. Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилаш.
2. Пировард мақсадга эришиш чора-тадбирларини излаб топиш²³.

Илмий тилда буни фаолиятнинг методологик асосини аниклаш ва мақсадга етишиш, усул ва методларини тўғри белгилаш дейилади.

Республика Президенти Ислом Каримов таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни куйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”.

“Шахс ва жамият” ўкув фанини ўқитиш жараёнида асосий мақсад янги тузумни куриш ҳеч қачон ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаслигини, уни ўз меҳнати билан миллионлаб кишилар, уларнинг ўзаро муносабатлари юзага келтириб, ривожлантириши, билим олиш ва уни амалий ҳаётда қўллаш натижасида вужудга селган тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти билан ўкувчиларни гаништириш, маънавий баркамол инсон сиймоси моҳиятини очиб, унга эришиш сирларидан ёшларни воқиф қылмоқдир. Маълумки, “Шахс ва жамият” фанини ўрганиш предмети, энг аввало, инсон ва

²³ Дунёвийлик фалсафаси. Маколалар тўплами. – Т.: «Чўлпон», 2007. – 160 б.

жамият ўртасидаги муносабатларни, инсоннинг оламни англаш ва билиш ҳолатини, борлиқни идрок этиш орқали фаол шахсга айланиш жараёнларини, инсон руҳий оламининг ривожланиш боскичларини ўрганади. “Шахс ва жамият” ўкув фанига инсон олдида турган муаммолар, ер юзидағи цивилизацияларнинг бундан кейинги тақдирни, маданий-тарихий жараённинг йўналганилиги, глобал муаммоларни ҳал этишининг оқилона йўллари ва усуслари асос қилиб олингандир. Айнан ушбу фаннинг обьекти ва предметини аниқлашда тушунчалар аппарати билан ишлаш ижобий натижা берди.

Тушунчалар билан ишлаш аппаратида унинг куйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим: фанларо алокалар сабабли турли тушунчаларнинг умумлашганилиги; “Шахс ва жамият” ўкув фанининг предмети ва обьектини аниқлаш жараёнида ноаниқликларнинг мавжудлиги; ягона жамиятшунослик назариясининг мавжуд эмаслиги; давр ўтиши билан тушунча ва категориялар мазмунининг эволюцион ўзгариши.

Бугунги кунда жамиятда рўй берәтган таълим тизими билан боғлик ўзгаришлар, илгор педагогик инновацион тажрибалар, психологик ва педагогик тадқиқотларнинг натижалари ўқитувчиларнинг ўз устида изчил ишлашини, олинган маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштиришни талаб этади. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли таълим технологиясини яратишдир.

Таълим технологияси педагогик жараёнларнинг барча компонентларини ўзида мужассамлаштирган, илмий жиҳатдан асосланган, аниқ натижага қаратилган тизимдир. Айниқса, “Шахс ва жамият” ўкув фанида тушунчалар билан ишлаш жараёнида таълим технологияси муҳим ўрин эгаллади.

Масъулиятли ва мураккаб бу вазифа Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Мазкур дастурнинг таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилди.

Президент Ислом Каримов томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўкув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “Ўкув-тарбиявий жараёни илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш” унинг иккинчи

ва учинчи боскичларида бажариладиган жицдий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг иккинчи боскичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдан иборат эди. Ушбу мураккаб муаммолар ечимини топиб, уларни амалда кенг кўллаш таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифаларни кўйди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўкув жараёнини яхшилаш, ўкув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий қилиш, техник воситалардан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни йўлга кўйишдан иборат эди.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. У ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти, имконияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узок давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавхум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эга. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йигиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар имконияти билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълим берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гурухдаги ўкувчиларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Ўкувчиларнинг ҳар бири ана шу таълим жараённада ўз имконияти даражасида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқиди, тайёрланади, мушоҳада қиласи, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқиганларини умумлаштиради.

Ўқитувчи ўкувчиларга жамиятшунослик билимларини берар экан, ўкув жараёнининг асосий тамойил ва меъёrlарига алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Бу фаолиятда куйидаги тамойиллар мухим ўрин эгаллайди: а) ажратиб олиш қобилиягини тарбиялаш; б) янги ғояларни илгари суришга ўргатиш; в) шахсий категориал тушунчалар билан ишлашга ўргатиш; г) мураккаб тизимли

объектлар билан ишлаш ҳамда уларни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш.

“Шахс ва жамият” фанини ўқитишни ташкил қилишда ўкувчиларнинг билимини назорат қилиш, мустақил таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада анъанавий усуллар (мустақил иш, реферат, сұхбат ва х.к.) билан биргаликда ноаъананавий усуллар кўпроқ истижа беради.

“Шахс ва жамият” фанини ўқитиш жараёнида ўкувчилар кўпроқ фалсафий тушунчаларга дуч келишади. Хўш, бу тушунчаларнинг асосий моҳияти нимадан иборат ва улар қандай технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўкувчилар онгига сингдирилади?

Масалан, “инсонпарварлик” ва “халқаро инсонпарварлик хукуки” тушунчаларини олайлик.

Шахс мустаҳкам иймон-эътиқод, гоя ва инсоний фазилатга эга бўлган, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир. Шахс жамияттинг аъзоси сифатида жамиятдан ташқарида яшай олмайди. Ҳамиша жамият қонун-қоидаларига бўйсунади. Шу тариқа баҳт-саодатга эришади. Шахснинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, вафодорлик, бир-бирига суюниш, кўшичилик, болажонлик, ота-онанинг болага, боланинг ота-онага ҳурмати, садоқати каби қадриятлари инсонпарварлик гоялари билан суғорилган бўлади. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-кимматида, меҳр-шафқатида, диёнатида, ўзаро кўмаклашувида, ҳамдардлигига, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувонч ва баҳтдан севинишида, ютуқлардан фаҳрланишида кўринади. Инсонпарварлик инсоният учун аҳамиятли бўлган буюк неъмат ҳисобланади. Шундай экан, дарс жараёнида ўкувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, айниқса, уларда инсонпарварлик тушунчаларини шакллантириш “Шахс ва жамият” фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инсонпарварлик масалалари буюк алломалар ва улуғ мутафаккирлар ижодида ҳам кенг ёритилган. Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида инсон эркинлигини, унинг қадр-кимматини, инсонпарварлик гояларини олға сурдилар.

Форобийнинг фикрича, баҳт-саодат, осойишта ҳаёт кишилар ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида, инсоннинг кўп ижобий фазилатлари ва хислатлари асосида юзага келади. Форобий инсонларнинг инок ва дўст яшами мамлакатда ҳалқлар учун каттаға фойда келтиришини кўрсатишга интилган ва тинчликни қатъий равишда кувватлаб бутун фаолиятини кишиларга хизмат килишга қаратган²⁴.

Абу Райхон Беруний эса мурувватлиликни асл инсоний хислатлар қаторига киритади. Мурувватли киши, унинг фикрича, юксак маданиятли, доно, билимли, ахлоқий етук, илгор дунёкарашга эга инсондир. Ана шундай кишилар бошқаларга яхши муносабатда бўладилар, ортиқча зеб-зийнатларга интилмайдилар, дехқончиликми, хунармандчиликми, савдогарликми, нима бўлмасин, ўз меҳнати эвазига кун кечирадилар. Улар доимо сабртоқатли, мулойим, қатъий ва содда кишилардир, деб хисоблайди. Беруний шу фикрлар орқали одамларнинг инсоний хислатларини улуғлайди²⁵.

Алишер Навоий ҳаётида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. У ҳалқ учун, эл-улус учун, бева-бечора, етим-есирлар учун мадрасалар, шифо масканлари курдирган. Дошқозонларда ҳар хил таомларни текинга тарқатган. Дардманларга бепул табобат кўриги ўюштириб, тиббий ёрдам беришни йўлга кўйган. Бундай инсонпарварлик намуналари ўзбек ҳалқи миллий рухиятидан далолат беради²⁶.

Инсонпарварлик инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароит яратади. Шу сабабли инсонпарварликка эҳтиёж айнан унинг йўқолиши сабабли кўпроқ намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб инсонпарварлик мавзусининг назарий ва амалий муаммоларини ёритишида инсоний муносабатларга онд кўникмаларни ҳосил қилмок зарур.

Илмий изланишларимиз жараёнида тўртта гурух ўкувчиларига “Қадрият нима? Кўпчилик кишилар томонидан қадрланадиган қадриятларни санаб ўтинг?” сингари саволлар билан мурожаат қилингандан, ўкувчилар кишилар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Ватан, она-юрг, урф-одатлар, тарихий мерос, анъаналар, оила,

²⁴ Булоқ сиймолар, алломалар. 1-к. – Т.: «Мерос», 1995. – 104 б.

²⁵ Ўша ерда.

²⁶ Арипов М.К. Гуманизм Алишера Навои. – Т.: «Узбекистан», 1991. – 233 с.

тинчлик, меҳр-муҳаббат каби тушунчаларга алоҳида эътибор бериши. Афсуски, бирорта ўкувчи инсонийликка муҳим бир қадрият сифатида қарамагани маълум бўлди. Шу сабабли ўз тадқикотларимизда ўқитувчи ўкувчиларда инсонпарварлик тушунчаларини шакллантириш учун дарс бериш жараёнида самарали усул ва методлардан фойдаланиши лозим деб топдик.

“Шахс ва жамият” ўкув фани иккинчи бўлимидан ўрин олган “Анъаналар ва ўзаро ёрдамнинг жамият ҳаётидаги ўрни” мавзусида ҳар қандай ҳаётий вазиятларда киши ўз хатти-ҳаракатларини жамиятда мавжуд месъёр ва қадриятлар, бошқа кишиларнинг манбаатлари билан мослаштиromoғи лозим дейилади. Шу сабабли кишилар ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ўзаро шаклланадиган алоқалар ижтимоий муносабатларга олиб келади. Ижтимоий муносабатлар эса анъаналар, одат ва удумлар, қадриятлар ва месъёрларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади.

Халқимизнинг анъана ва одатлари бой ва ранг-барангдир. Бунга Наврӯз байрами мисол бўла олади. Байрам кунлари одамлар фаолроқ меҳр-шафқат кўрсатишга интиладилар, эзгу амалларни бажарадилар ва жамиятдаги муҳтоҷ кишиларга ёрдам кўлини чўзадилар. Наврӯз байрамлари арафасида ўзбек халқи орасида жуда кенг тарқалган ҳашар – кўп асрлик анъанавий ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Дарсни ташкил килиш жараёнида ўқитувчи инсоний муносабатларнинг муҳим тамойилларидан бўлмиш ўзаро ёрдам ва бирдамликни ўзбек анъаналари ибтидосида қарор топган ҳашар тимсолида ўкувчиларга яқинлар ва нотанишларга ёрдам зарурлигини, ўзаро ёрдам ва бирдамликнинг аҳамиятини, бошқалар ва ўз қадр-қимматини англаш учун ҳар бир киши инсонпарварлик ёрдами кўрсатиши лозимлигини тушуниради. Ўқитувчи ўкувчиларни тўртта кичик гурухга бўлиб, уларга куйидагича топшириқ беради:

1-гурух. Одатда кимни ҳашарга чакирадилар? Ҳашарга таклифсиз келинса нима бўлади? Куйида келтирилган сўзларнинг қайси бири сизнинг фикрингизча, “ҳашар” сўзига мос келмайди: ўзаро ёрдам, хизмат, бирдамлик, бурч, фойда, хурмат, қарз, манбаат.

2-гурух. Сизнингча, кўнгилли ёрдам нимани билдиради? Ўз ҳаётингизда ёрдам кўрсатишдан бош тортган ҳолатингизни ёдга олинг ва ҳашардан бош тортишнинг мумкин бўлган барча сабабларини таҳлил қилиб чиқинг.

3-гурух. Ҳашарда нима мухим: самимий иштирок этиш, номига иштирок этиш ва ишнинг битиши.

4-гурух. Ҳаётингиздан ҳашарсиз иш битиши мушкул бўлган тадбирлар ёки ҳолатларни айтиб беринг. Бу тадбирларни ҳашарсиз қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида сўзлаб беринг.

Ушбу саволлар орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳашар жамиятимиздаги бирдамлик ва ўзаро ёрдамнинг бир шакли эканлигини тушуниб олишларига имкон яратади.

“Шахс ва жамият”даги фалсафий тушунчаларни ўрганиш орқали ўқувчиларнинг билимларини чукурлаштириш, уларнинг маънавиятини, сиёсий ва хукуқий онгини шакллантириш, инсонпарварлик муносабатларини ривожлантириш, салбий ҳолатларга муросасиз бўлиш, атроф-мухитга, одамларга хурмат билан қараш, ҳаётйи фаолиятини ошириш, воқеа ва ҳодисаларга холисона фикр билдириш билан бирга, инсонпарварлик вазифаларини ҳал этиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, ўқувчиларда инсонпарварлик тушунчаларини шакллантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: миллый ва умуминсоний қадриятлар билан чукур таништириш; миллый урф-одат ва анъаналардан фойдаланиш; ўқувчиларни кескинлик ва шафқатсизлик шароитларида инсоннинг турли хатти-ҳаракатлари: инсонпарварлик ва раҳм-шафқат, шунингдек, инсон қадр-қимматига хурматсизлик ҳақида мустакил фикр юритишга ундаш, ўз фикрларини ҳимоя қилишга ўргатиш; воқеа-ҳодисалар ҳақида мулоҳаза юритиш ва ўз мустакил нуқтаи назарига эга бўлишига эришиш; инсоннинг фуқаролик ҳақ-хукуклари ва эркинликлари, тотувлик, адолат, Ватанга мухаббат каби инсоний хислатларга оид билим ва кўнимкамаларини ҳосил қилиш; инсонпарварлик гояларининг ҳар бир инсон учун мухим ҳамда жамият ҳаётида долзарб масала эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш.

Инсон ва инсон манбаатлари барча нарсадан улуғлиги инсонпарварликнинг энг мухим тамойилларидан биридир. Чунки инсонпарварлик гоялари жамият тараққиётицинг бosh омилларидан бири ҳисобланади. Инсонпарварлик гояларини ўқувчилар онгига сингдириш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қиласди.

Муаммо юзасидан “Ҳалқаро инсонпарварлик хукуки”нинг асосий тушунчалари билан танишиш жараёнида ушбу тушунчаларнинг маъносини тушуниб ёки мантиқан эсда саклаб

колиш жараёни мухим ўрин эгаллашига амин бўлдик. Маънони тушуниб эсда колдириш, тез ва пухта билиш кишининг ақлий жихатдан ўсишининг энг мухим шартидир.

“Халқаро инсонпарварлик хуқуқи”нинг асосий тушунчалари билан ишлаш қуйидагича босқичларда амалга оширилса, ўз самарасини беради:

1. “Халқаро инсонпарварлик хуқуқи”нинг асосий тушунчалари билан танишиш.

2. Олинган янги билимларни мустаҳкамлаш.

3. Олинган янги билимларнинг қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш.

Шу жараёнда “Халқаро инсонпарварлик хуқуқи”га оид тушунчалар билан мукаммал танишиб чиқилади; ушбу тушунчаларнинг мазмуни очиб берилади; этимологияси аникланади; диалектик мазмунига эътибор қаратилади; ўзаро бирбирига қай даражада боғликлigi, бугунги кунда жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти изоҳланади; ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Олинган янги билимларни мустаҳкамлаш жараёнида мантиқий масалаларни ечиш; “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда матнлар билан ишлаш; тестлар; эслаб қолиш тренингларини ўтказиш; турли педагогик технология элементларидан фойдаланиш ўз самарасини беради.

Олинган янги билимларнинг қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ёки назорат ишлари атамалар диктанти; тестлар; масалалар ечиш; тушунчаларни тўғри кўллаш борасида топшириклар бериш; жорий, оралиқ ва якуний назорат ишлари орқали амалга оширилиши мумкин.

“Халқаро инсонпарварлик хуқуқи”нинг асосий тушунчалари билан ишлаш жараёнида, аввало, ушбу муаммо бўйича илмий адабиётлар, мақолалар, илмий-оммабоп журналларни ўрганиш мухим ўрин эгаллайди. Бу борада шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “Шахс ва жамият” ўқув фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларда ушбу тушунчаларни шакллантириш муаммоларини билиш, хиссий тасаввур ва тафаккурни шакллантириш муаммоси ҳамда ўқувчиларнинг дунёкараши ва тафаккурида тушунчаларни шакллантириш билан боғлиkdir.

Илмий адабиётларни ўрганиши жараёнида ўқувчиларнинг тасаввури ва тафаккури ривожланади. Тафаккур атрофдаги оламни

билиш куролидир ва у инсон оқилона амалий фаолияти вужудга келишининг мухим шартидир. Тафаккур жараёнида фикр пайдо бўлади ва у инсоннинг онгида мухим тушунчаларни шакллантиради. Зоро, бугунги кунда эркин фикрлайдиган, кепт тафаккури авлодни тарбиялаш давр талабидир.

Шуни қайд этиш керакки, фанда “инсонпарварлик хукуки” тушунчасининг умумий эътироф этилган таърифи йўқ. Олимларнинг бу борадаги фикрлари турли-туман ва бир-бирига ўхшамаган бўлиб, баъзи бир фикрларни тўғри деб ҳисоблаш мумкин, баъзан эса улар баҳс-мунозаралидир. Айнан ана шу мунозаралар замонавий стандартга мос келадиган ҳақикат мезонини топишга ёрдам беради.

Кейинги пайтларда қатор олимлар “Халқаро инсонпарварлик хукуки”га оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда «халқаро инсонпарварлик хукуки» тушунчасига таъриф бериш орқали унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратмокдалар. Улар ўз тадқиқотларида “Уруш хукуки” (Ф.Бербер, А.Федросс ва бошқалар), “Халқаро ҳарбий хукук” (Е.Барт ва бошқалар), “Уруш конуни” (Л.Оппенгейм, И. Старк ва бошқалар), “Ҳарбий можаролар” (С.Е.Нахлик ва бошқалар), “Ҳарбий можаролар хукуки” (Д.Б.Левин, Л.И.Савинский, И.Н.Арцибасов, С.А.Егоров ва бошқалар), “Ҳарбий можаролар даврида халқаро инсонпарварлик хукуки” (БМТ) ва “Халқаро инсонпарварлик хукуки” (ХҚҲЖ.Пикте, О.И.Тиунов, Д.Шинделер, Ф.Бюньон ва бошқалар) каби тушунчаларни таърифлашга турлича ёндашишдики, бу ҳам “Халқаро инсонпарварлик хукуки” кўп қамровли тушунча эканлигини кўрсатади. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Лекин бизни кўпроқ ушбу тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришнинг усул ва воситалари ўйлантиради²⁷.

Фалсафий тушунчаларни саволлар орқали ҳам шакллантириш мумкин. Масалан, “Жамиятнинг ижтимоий тузилиши” мавзуси бўйича куйидаги тушунчаларни аниқлаш мумкин:

1. Куйидаги тушунчаларга изоҳ беринг: ижтимоий гурухлар, этник бирликлар, миллат, миллий муносабатлар, миллий ғурур, оила ва никоҳ, оиласининг вазифалари.

2. “Гетерогеник” тушунчаси нимани ифодалайди?

²⁷ Хакимов Р. Международное гуманитарное право. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 216 с.

3. “Социал страфикация” түшүнчеси нимани англатади?

Үкитувчи томонидан берилгандардың үкүвчиларни жонлантирувчи, фаолликка чакиравчы саволлар билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Тажрибали үкитувчи саволларининг ўзи билан мавзунинг долзарбилиги ва муаммоли жиҳатларини ёритишга йўналтира олади. Саволларни анъанавий, яъни мавзу бўйича кундалик саволларга ҳамда бугунги кун воқеа ва ҳодисаларига боғлиқ бўлган саволларга ажратиш мумкин. Дарсда түшунчалар билан ишлаш жараёнида үкүвчиларнинг билимларни қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш мақсадида үкитувчи томонидан олдиндан тайёрланган “Синквейн” усули муҳим ўрин эгаллайди (2.3-илюва).

Үкүв жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар куйидагилар: юкори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзидан кизиқарли ташкил қилиш, инновацион технологиялардан ва мультимедиа кўлланмаларидан фойдаланиш, үкүвчилар билан индивидуал ишлаш, улар олдига ўйлантирадиган муаммоларни кўйиш, талабчанлик, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди (1-илюва).

Айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда “Шахс ва жамият” фани бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувларни келтирамиз:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчилари тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштираётганда, албатта, маълум бир таълим олувчи шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашилишни назарда тутади.

Тизимли ёндашув. Унда таълим технологияси жарённинг мантиқийлиги, барча бўғинларининг ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги каби тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув шахснинг жараёни сифатларини шакллантиришга, таълим олувчини фаоллаштириш, үкүв жарёнида унинг барча имкониятлари, қобилияти ва ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув ўкув жараёни иштирокчиларининг тихнологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруритини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучайди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши ўзаро тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда ҳамкорлиқда ишлашни жорий этиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим – таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини фаоллаштириш усусларидан бири. Бунда илмий билимнинг объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуслари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантириш, мустақил ижодий фаолият таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишининг замонавий воситалари ва усусларини кўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида кўллашни англатади.

Ўқитишнинг усуслари ва техникаси маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усуслари, амалий ишлаш усули кабиларни ўз ичига олади.

Ўқитишни ташкил этиши шакллари диалог, полилог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган жамоавий ва гурухлаштиришдан ташкил топади.

Ўқитиш воситалари – ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда компьютер ва ахборот технологияларидан ташкил топади.

Коммуникация усуслари тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлардан иборат.

Тескари алоқа усуслари ва воситалари кузатиш, блиц-сўров, оралиқ, жорий ва якуний назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитиш диагностикасини ўз ичига олади.

Бошқарши усуслари ва воситалари ўкув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги дарсларни режалаштириш, кўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги харакати, аудитория

машгулотлари, аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назоратини ўз ичига олади.

Мониторинг ва баҳололи ўкув машгулотида ҳам, бутун фан давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб боришидир. Фан охирида тест топшириклари ёрдамида тингловчилар билими баҳоланади²⁸.

Илмий изланишларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, фалсафий тушунчаларни шакллантириш технологияси ўкувчиларда яратувчилик, мулоқот қила олиш қобилиятини; таълим олиш маданийтини; таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида самарадорлик ва сифатни ошириш каби жараёнларни ривожлантиришда, оптималь вариантларни танлашда истиқболли натижаларни қўлга киритишни кафолатлади.

“Шахс ва жамият” фанида ўқитиш технологияси – педагогик фаолият бўлиб, унинг асосида таълим олувчиларнинг самарали ўкув фаолияти ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятларини лойихалаштириш ётади.

1.4. Таълим жараённада фалсафий тушунчаларни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг учинчи сифат боскичида таълим самарадорлигига эришиш вазифаси турибди. Шу ўринда Республикаиз Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиздир: “Ҳаммамизга теран бир хақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чукур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган курдатли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёт учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди”. Бу педагог-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Қолаверса, ўқитувчиларнинг

²⁸ Ходиев Б., Голиш Б. Мустақил ўкув фаолиятини ташкил этиш услуга ва воситалари. – Т.: ТДИУ, 2010. – 87 б.

педагогик касб фаолиятига янги мазмун беришни даврнинг ўзи тақозо этади. Чунки бугунги ёшлар жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий билимга, тафаккур ва дунёқарашга эга бўлмоги зарур. И.Г.Песталоцци ўз вактида “Менинг ўқувчиларим янгиликларни мендан ўрганмайди, балки ўзлари ушбу янгиликларни кашф этадилар. Менинг асосий вазифам – янгиликларнинг очилишига ҳамда ўқувчиларнинг шахсий фикрларини қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беришдир”, – деб ёзган эди. Георг Зиммель эса: “Илмли одам – биладиган, билмайдиган нарсани тез топадиган киши”, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўқитувчи ўқувчи фаолиятига йўлланма бериши, тартибсиз ахборотлашган жамиятда йўқолиб қолмасликка ёрдам бериши, ўз билимларини ҳосил қилишга имкон яратиши лозим.

Умуман олганда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Шахс ва жамият” фанини ўқитишининг асосий вазифаси – ўқувчиларга жамиятшунослик фанидан пухта билим бериш, шу билимларни амалиётда қўллаш кўнникмалари ва маҳоратини ҳосил қилиш, дунёқарашини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли “Шахс ва жамият” фани ўқитувчилари педагогик фаолиятининг мазмуни, моҳияти ва у билан боғлиқ бўлган натижага бугунги кунда педагогик фаолият ва амалиётда долзарб масала бўлиб қолади.

Одатда, ҳар қандай муаммони илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш педагогик маҳоратнинг умумий талқинига тўғри келади. Ўқитувчининг маҳорати санъат сингари бекиёсdir. Унинг ижодиётини композитор ёки рассом ижодига тенглаштириш мумкин.

Педагог олим Н.В.Кузьмин педагогик фаолият муаммоларини тадқиқ қилиш жараёнида ўқитувчи фаолиятини куйидагича таснифлайди:

1. Гносеологик компонент (грекча гнозис–билиш). Бу компонентга ўқитувчининг билимлари доираси киради. Ўқитувчи нафақат ўзининг фани, балки педагогик коммуникация борасидаги билимлар, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоғи лозим.

2. Лойиҳавий компонент. Бу компонент таълим ва тарбия жараёнининг истиқболдаги вазифалари ва уларни амалга ошириш йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқади.

3. Конструктив компонент. Бу жараёнда ўқитувчи таълим ва тарбиянинг мақсадига қаратилган педагогик фаолиятни ишлаб чиқади (таълим технологиялари, дарс, машгулот).

4. Коммуникатив компонент – ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро бир-бири билан алоқасидир. Бу компонент дидактик мақсадлар билан ўзаро боғлиқдир.

5. Ташкилотчилик компоненти. Ўқитувчи бу жараёнда ўзи ва ўқувчиларнинг фаолиятига кўпроқ эътибор беради.

Ушбу компонентлар айнан “Шахс ва жамият” ўқув фанини ўқитиш жараёнда ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ўқитувчининг фаолияти, нутқи, педагогик малакаси ва маҳорати тушунчаларни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади.

Юкорида кайд этилган компонентлар нафақат бир-бири билан боғлиқ, балки бир-бири билан кесишиб ҳам ўтади. Ўқитувчи дарсни ташкил қилишдан олдин ўқувчилар қайси дарсдан келаётганикларини аниқлаши, ҳар бир ўқувчининг характеристи, шахсий қизиқишлари ва муаммолари билан танишиб чиқишилари зарур.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда “Шахс ва жамият” фани ўқитувчилари кўйидаги компонентларга эътибор бериши зарур:

1. Касбий педагогик ва психологик билимлар.
2. Касбий педагогик малака.
3. Ўқитувчининг психологик нуқтаи назари.
4. Ўқитувчининг шахсий хусусиятлари.

Педагог олим А.К.Марков ўзининг концепциясида педагогик малакани шакллантириш жараёнини ўнта гурухга ажратади.

Биринчи гурух бир неча педагогик малакаларни ўзида мужассамлаштиради. Бунда ўқитувчи кўйидагиларни билиши керак: ҳар қандай вазиятда муаммони кўра билиши ва педагогик вазифа сифатида шакллантира олиши; педагогик вазифани шакллантириш жараёнда ўқувчининг фаолиятига алоҳида эътибор бериши, уни ўзи аниқ ажратади олиши ва ўрганиши; педагогик вазифаларни аниқлаши ва вужудга келган вазиятнинг ечимини топиш учун оптималь қарорлар қабул қилиши.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг иккинчи гурухи кўйидагиларни ўз ичига олади: ўкув материали мазмунни билан ишлаш; маълумотларни педагогик талқин қилиш; ўқитиш жараёнда билим ва малакаларни шакллантириш, фанлараро

боглиқликни амалга ошириш; дарсни ташкил қилиш жараённанда сифат самарадорлигига эришиш учун ўқувчиларнинг психологик холатини аниклаш; ўқувчиларнинг дунёкарашидан келиб чиқкан холда ўқув ва тарбиявий жараённи режалаштириш ва ташкил қилиш; таълим ва тарбия жараённини уйғуллаштириш.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг учинчи гурухи психологик ва педагогик билимларни амалиётда күллай олишини тақозо қиласы. Ўқитувчи бу жараёнда: вужудга келгандыктын бартарап этиши; педагогик фаолиятни режалаштира олиши лозим.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг түртінчи гурухи: турли коммуникатив вазифаларни күйе билиш, яғни мулокот жараённанда психологик хавфсизликни вужудга келтиришни ўз ичига олады.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг бешинчи гурухи мулокот қилишнинг юкори босқичига эришиш билан боғлиқ. Уларга қуидагилар кирады: мулокот жараённанда ўзгаларнинг нұқтаи назарини хурмат қилиш, ўқувчиларнинг қызықишилари ва шахсияттегі эътиборини қараташ; ўқувчиларнинг хүләт-авторидан келиб чиқкан холда ички дунёкарашини аниклаш; ўқувчилар ўрнига ўзини қўйиш; мулокот жараённанда буюк мутафаккирлар ва алломалар асарларидан намуналар келтириш; ташкилотчилик ва баҳолай олиш қобилиятыга эга бўлиш; ўқитиши жараённанда демократик тамойилларга эътибор қараташ.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг олтинчи гурухи ўқитувчи ўзининг касбий маҳоратидан келиб чиқкан холда педагогик ёндашувга эга бўлиши, яғни ўз касбининг аҳамияттеги англаб этиши, педагогик қобилиятыни шакллантира бориши, ўз ҳиссиётини бошқара олиши, ўз имкониятларидан эркин фойдалана олишни тақозо этади.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг еттинчи гурухи ўқитувчининг ўз устида изчил ишлаши, маълумотлардан кенг фойдаланишини назарда тутади.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг саккизинчи гурухи ўқув йили давомида ўқувчилар олган билимларни таҳлил қила олиши, ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолай олишига кўмак бериш, билим ва малакаларни шакллантиришга эътибор қараташ, мустақил қарорлар чиқаришга имкон яратишни назарда тутади.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг тўққизинчи гурухи ўкувчиларнинг фаолиятини баҳолай олиши билан белгиланади.

Педагогик малакаларни шакллантиришнинг ўнинчи гурухи ўқитувчининг ўз фаолиятини баҳолай олиши билан изоҳланади.

Жамиятшунослик фанлари негизидаги миллый гурур, ватанпарварлик гояларини талабалар онгига сингдиришда ўқитувчининг шахси аҳамиятлидир. Акс ҳолда бизнинг бу борадаги фаолиятимиз, жараёндаги хатти-харакатларимизнинг самарасини кутиш ноўрин. Чунки ўкувчи, аввало, моҳир кузатувчи ва синчков таҳдилчи хисобланади, унинг ўткир нигоҳидан деярли ҳеч нарса четда колмайди. Шунинг билан бирга, улар барча соҳада бўлгани каби таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг бевосита иштирокчилари ҳамdir.

Ижтимоий ислоҳотларда доимо ўз самарасини бериб келаётган омиллардан воз кечиши назарда тутилмайди, аксинча, ўз даврини ўтаб бўлиб, яроқсиз механизмга айланганларини такомиллаштириш назарда тутилади. “Бир соатлик яхши дарс – йирик бир асар”га киёсланганилиги оддий аксиомадир. Педагогикада “ўқитувчи бўлиб туғилмок керак” деган ибора ижтимоий фан ўқитувчилари учун алоҳида аҳамият касб этгани сингари, ўкувчилар онгига ватанпарварлик, миллый гурур, умуминсоний гояларни сингдириш ҳам бугуннинг долзарб масалаларидандир. Бу борада ўқитувчининг нутки ва ёзуви, унинг икки юзи дейдилар. Бу масалада қадимги юонон файласуфи Георгий (483-375) шундай деб ёзди: “Доридармон жисмга қандай таъсир ўтказса, сўз руҳимизга шундай таъсир этади. Дориларнинг баъзиси танадаги турли хилқатларни ҳайдаса, бошқалари гоҳо ўлимга сабаб бўлади. Худди шунга ўхаш баъзи нотиклар тингловчиларни қайғуга ботирса, бошқалари уларга хузур-ҳаловат, кўтаринкилик баҳш этадилар”. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг талабага бераётган билим ва маълумотларининг қамрови ва савиясидан ташқари ёқимли бўлиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ўкувчи тинглаётганлари, аввало, содда ва тушунарли, илмийликдан холи бўлишини, бундай сўзларни нутқимизда ишлатганимизда, албатта, изоҳ бериб ўтилишини хоҳлайди. Фундаментализм, плюрализм, ақидапараст каби сўзлар оммавий аҳборот воситалари орқали қанчалик тез-тез кулоққа чалиниб турмасин, нутқимизда ишлатаётган бу сўзларнинг ҳар бири ўз

ўринида изохланиб ўтилишини талаб қилади. Чунончи, илмий атама ва терминларсиз мавзу моҳияти тўлақонли ёритилмайди.

Агар ўкувчига мазмун ва моҳият хақида изоҳ бериб борилса, бу самарали, акс ҳолда ўкувчини ўзимиз чалғитган бўламиз. Нотик ўз мақсадига қанчалик оддийроқ усул ва сўзлар билан эришса, у шунчалик маҳоратлидир.

Бугунги ўкувчининг дунёкараши, фикри, мақсади, кадриятларга бўлган муносабатлари, ахборотлар бўхрони даврида шаклланадётганлигини, янгилик деб хисобланган ҳар бир нарсанни иккиланмасдан қабул қилишга чанқоқ эканликларини ҳам назардан четлаштираслигимиз лозим.

Муаммога доир кузатишларимиз шуни кўрсатдики, педагогик малакаларни шакллантиришнинг ушбу омиллари айнан “Шахс ва жамият” ўқитувчиларининг педагогик фаолиятида кўл келади. Ўқитувчининг педагогик фаолияти индивидуал эмас, балки ҳамкорликда амалга оширилади. Бу жараён ўқитувчи ва ўкувчининг ўзаро фаолияти билан узвий боғлик. Бунда ўзаро мулоқот мухим ўрин эгаллайди. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ижодий характерга эга. Ўқитувчи дарс бериш жараёнида, аввало, ўзининг касбий маҳоратидан фойдаланган ҳолда моддий ва маънавий қадриятларга мурожаат этади, ҳар бир дарсда ўзига хос янгилик кашф этади. Бу жараёнда ўқитувчи педагогик, ижтимоий-психологик компонентларга таянади. Унинг фаолияти касбий-педагогик тафаккур, фикр ва тасаввурига боғликдир.

Маълумки, бэззи бир ўқитувчилар таълим технологияларини яратишида катор қийинчиликларга дуч келади, инновацион технологиялардан унумли фойдалана олмайди. Бунинг асосий сабаби ўқитувчи педагогик мақсад билан кутиладиган натижани тўғри кўя олмаслиги, яъни педагогик малака ва маҳоратининг етишмаслигидadir.

Таълим бериш жараёнида ўқитувчи биринчидан, ўз фаолиятининг функционал маҳсулига (дарс, машгулот, метод ва усул), иккинчидан, психологик маҳсули (ўкувчининг онгидаги психологик ўзгаришлар)га эришади. Лўнда қилиб айтганда, педагогик фаолиятнинг асосий натижаси ўкувчининг дунёкараши, тафаккури ва қобилиятига атрофлича таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг ижодий фаолияти унинг педагогик фаолиятини илмий тарзда таҳлил қилишни тақозо этади. Ўқитувчи касбий,

педагогик ва психологик билимларга, касбий-педагогик малака ва қўнимкага эга бўлмоги зарур.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга фақат тушунчалар аппарати билан ишлашни ўргатиш билан чегараланиб қолмасдан, балки “Шахс ва жамият” ўқув фанига ва тушунчалар билан ишлашга қизиқиши орттиришдан иборат. Чунки таълим бериш узлуксиз жараёндир. Бу жараён орқали жамиятшунослик фани ёрдамида ўқувчиларга жамиятшунослик билимларини бериш, дунёкараш ва тафаккурини кенгайтириш, уларни жамиятда ўз фукаролик нуқтаи назарига эга бўлишга йўналтириш керак. Ўқувчилар у ёки бу тушунчалар аппарати билан ишлашда мазкур тушунчаларга нисбатан ўз нуқтаи назари, мустақил фикрига эга бўлмоги лозим.

Ўқитувчи дарс жараённида эса қуидагиларга эътибор бермоги тақозо килинади:

1. Ўқув материалининг мазмуни устида ишлаш.
 2. Маълумотлардан унумли фойдаланиш.
 3. Ўқувчиларнинг малака ва қўниммаларини шакллантиришда фанлараро алоқага эътибор бериш.
 4. Мустақил педагогик фаолият режасини тузиш.
 5. Коммуникатив вазифаларни тўғри қўйиш.
- “Шахс ва жамият” фанидан дарс беришни такомиллаштириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик маҳорати ва машгулот жараённида ижодий завқ уйғота билишига боғлиқдир. Ўқув жараённи шундай ташкил этиш керакки, бунда ўқувчининг мустақил фикрлаш маданияти, шахсий индивидуал қобилияти ривожлансин. Педагогик ижод ва новаторлик фаолияти ҳар қандай даврда янгилик киритишнинг таркибий қисми бўлган ва шундай бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шу тариқа “Шахс ва жамият” ўқув фанида фалсафий тушунчаларни ўзлаштириш орқали ўқитувчи ўқувчиларда юкори даражада тафаккур шаклланишига ёрдам беради.

Биринчи боб бўйича хуносалар

1. “Шахс ва жамият” ўқув фани ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларига жамият ва инсон ҳақидаги билимларни бериш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг дунёкараши ва тафаккурини ривожлантиришга, жамият тараққиёти

қонуниятларини ўрганишларига ҳам катта ҳисса кўшади. Шу орқали ўқувчиларнинг жамиятда содир бўлаётган воеа ва ҳодисаларни тўғри англаб етиш, улар юзасидан мустакил ҳулосалар чиқаришга ўргатибгина қолмасдан, балки жамият тараққиёти қонуниятлари ҳақида ҳам яхлит тасаввурга эга бўлишларига эришилади.

2. "Шахс ва жамият" ўкув фанини ўрганишда ўқувчилар онгидаги олинган тушунчаларни янги нуқтаи назардан ўзлаштириш, умумлаштириш ва уйғунлаштириш каби қийин вазифалар туради. Бу тушунчаларни ўзлаштириш жараёни ўқувчиларнинг бошқа ўкув фанларини ўрганишда шаклланган тушунчалар ривожининг кетма-кетлигини бузмаслиги керак. Шу тариқа олдинги билимларга таянган ҳолда тушунчаларни алмаштирумасдан, уларнинг мазмунини ривожлантириш, чукурлаштириш, кенгайтириш тақозо қилинади. Бу нафақат фанлараро боғлиқликни, балки мавзулараро боғлиқликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин эгаллади.

3. Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари онгидаги фалсафий тушунчаларни шакллантириш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир.

4. "Шахс ва жамият" фанини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг ахборот тўплаш, у билан ишлаш ва, асосийси, ҳаётда учрайдиган муаммолар, уларни вужудга келтирувчи омилларни ҳал қилиш усуллари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўқувчилар билан мухокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

5. Ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний қадриятлар, миллий-маданий анъаналар руҳида тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш ўқувчиларнинг машғулотларда турли ижтимоий масалалар, Ўзбекистоннинг мустакил тараққиёти, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли, инсоннинг ички дунёси ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида мустакил ҳулоса чиқариш, ўз фикрларини асосли ҳимоя қилиш, баҳслashiш кўникмаларини ҳосил қилишни тақозо этади.

II. БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- МЕТОДИК АСОСЛАРИ

2.1. Фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг замонавий воситалари

Ўқитувчи лойиҳалаштирувчи, яъни ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, ўқувчиларнинг маслаҳатчиси ва ёрдамчиси бўлмоғи ларкор. Бугун педагогик бошқариш усуллари ва воситалари ўзгариб кетди. Ўқитувчи муаммоларни аниқлашга, гояларни регенерация қилишга, қарорлар қабул қилишга қодир бўлибгина қолмасдан, уларнинг амалга ошишига масъул менежерга айланмоқда. “Шахс ва жамият” ўқув фанини ўқитиш жараёнида ҳам ўқитувчи ўз устида ишлиши ва кўпгина манбалардан фойдаланиши зарур. Тадқикот натижалари шуни кўрсатдики, дарс ўтиш жараёнида курук маърузалардан фойдаланиш ҳеч кандай самара бермайди.

Мазкур фанни ўрганишдан кўзланган максадлардан бири ўқувчиларга инсон ва жамият ҳақидаги маҳсус билимларнинг етказиб берилиши, уларда ижобий тажрибаларни ўзлаштириш кўникмаларининг хосил қилиниши ва кейинги ҳаётларида зарур бўладиган билимлар, хатти-ҳаракат нормалари интилишлар, одатлар хосил қилиш орқали амалга оширилади.

Ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш учун жамият тараққиёти ҳақида муайян тасаввур хосил қилиш зарур.

Жамият тараққиёти ҳақидаги тасаввур ўқувчиларда тушунчалар орқали шаклланади.

Тушунчаларни моҳият нуқтаи назаридан мазмунига қараб куйидагича таснифлаш мумкин:

- *тарихий тушунчалар*: инсон вужудга келишининг этногенезиси ва моҳияти, тарихий давр, тарихий шахслар;
- *ҳукуқий тушунчалар*: жамиятнинг тузилиши, давлат, бошқарув ва ривожланиш тамойиллари, халқаро муносабатлар;
- *фалсафий тушунчалар*: макон ва замон, жамият ва шахс муносабатлари, инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар, инсонпарварлик, толерантлик тамойиллари.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг “Шахс ва жамият” ўқув фани учун тузилган дастурда тушунчалар мазмунни белгилаб берилган. Бу тушунчалар фаннинг илмий мазмунини, гоявий-назарий асосларини аниқлаш, фалсафий материалларни

тахлил қилиш ва умумлаштириш бўйича иш усулларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Тушунчаларни шакллантиришда ўкувчиларнинг фикрлари фаолиятини рағбатлантириш ва унга раҳбарлик қилиш муҳим роль ўйнайди. Тарих ўқитишида тушунчаларни шакллантиришининг усул ва воситалари хилма-хил бўлиб, тушунчаларнинг мазмуни мураккаблигига боғлик.

Тарихий тушунчаларни ҳосил қилиш деганда ўкувчиларнинг тарихий фактларнинг энг муҳим белгиларини иккинчи даражали белгиларидан ажратса билиши, уларни гурухларга бўла олиши, тарихий воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни чукур англаб, тушуниб олиши кўзда тутилади. Ана шу тахлиlda шаклланган, мукаммал тарихий тушунчалар илмий билимлар тизимининг вужудга келишида бамисоли занжир вазифасини ўтайди.

Тарихий тушунчалар ҳосил қилишда ўкувчиларнинг воқеа ва ҳодисаларни фарқлай олиш қобилиятларини ўз ичига олган фикрлаш фаолиятини кучайтириш, таълимнинг муаммоли таълим, эвристик сухбат усулларидан фойдаланиш, ўкувчиларнинг кўргазмали қуроллар, таълимнинг техник воситалари, тарихий хужжатлар билан ишлашларини уюштириш, уларга жамиятшунослик билимларини чукур ўрганиш билан боғлик бўлган турли амалий характердаги ишларни топшириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўкув фанида келтирилган тарихий воқеалар ва унинг хронологияси тушунчалар асосида тахлил қилинmas экан, воқеликнинг изчил баён қилинишига путур етади, тарихий ҳодисаларнинг ички зарурий боғланишини кўрсатиб беришнинг имкони қолмайди. Тарихий тушунчани тарихий воқеа билан боғлаш оқибатида ўкувчилар унинг назарий моҳиятини очиш имкониятига эга бўладилар. Тушунча тасаввурни уйготади, бу эса воқеа-ҳодисаларга ўкувчиларнинг ички муносабатини ўрганиш имконини беради ва уларни қайд қилишга замин ҳозирлайди. Мазкур вазиятларда тасаввур қилиш объект ва тушунчанинг умумий муносабатлари, алоқаларини тушуниш имконини беради²⁹. Чунки ўкувчилар тарихий материални ўзлаштириш учун амалий

²⁹ Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўкувчиларида тарихий тафakkurni шакллантиришга тайёрлаш : Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2002. – 122 б.

фикрлайдилар. Зеро, тарихий тушунчалар – тарихий тафаккур манбаидир.

Фалсафий тушунчалар бир турдаги воқеа-ходисалар, тарихий жараёнлар ҳамда сабаб-оқибат боғланишлари мазмунини таққослаб ўрганиш, жамият тараққиётининг айрим ва бальзи бир умумий қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Фалсафий тушунчалар орқали фалсафий билимларни чукурлаштириш асосида талаба ёшларда эркин фикр ва мустакил дунёқараши шакллантириш, хозирги мураккаб ижтимоий воқеалар оқимида ўз билими ва тафаккурига таяниб воқеа-ходисаларни соғлом мушоҳада қилиш, оқ-корани фарқлаш ҳамда оқилона баҳолай олиш кобилиягини шакллантиришдан иборатдир.

Ўкувчиларда тушунчалар асосида фалсафий билимларни шакллантириш ва бу билимларни янада чукурлаштириш дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисалар моҳиятига янада чукурроқ кириб бориш имкониятини берадики, бу нарса атроф-воқеаликка енгилелти ва юзаки қаражаш хиссидан бегоналаштириб, дахлдорлик ва масъулият хиссини уйғотади.

Жамият тараққиётини, келажакка томон йўналишини тасаввур қиласдан туриб, ҳалқаро ва мамлакат доирасида кечайтган оламшумул ўзгаришларнинг мазмунини теран англаб олиш қийин. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, киши мураккаб ижтимоий ҳаётда ўзининг имкониятларини сезмаса, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа олмайди. Айнан фалсафий тушунчаларни эгаллаш дунёвий, демократик, эркин фуқаролар жамиятини куришга бел боялаган мамлакатимиз фуқароси дунёқарашининг шаклланишидаги энг асосий йўл эканлигини билишимиз лозим. Фалсафий тушунчаларни эгаллаш орқали табиий, ижтимоий воқеиликдаги зарурый, кетма-кетлик асосида юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан илғаб олишга имкон тугилади. Инсонда фалсафий тушунчалар орқали илмий-фалсафий дунёқарашиб шаклланади.

Хукукий тушунчалар хукукий дунёқарашиб шакллантиради. Улар орқали жамият ҳаётида ҳокимиятнинг ўрни, тузилиши, давлат органлари ва кишилар фаолиятига таъсири каби хукукий масалалар ҳақида билимларга эга бўлинади. Хукукий тушунчалар орқали жамиятнинг хукукий заминлари ҳақида тасаввур түғдирилади.

Тушунчалар күлами жиҳатидан якка тушунчалар, умумий тушунчалар ва тўплама тушунчалар каби уч турга бўлинади³⁰. Якка тушунчалар, якка нарса ва ҳодисалар ҳақидаги фикрини акс эттирувчи тушунчалардир. Бундай тушунчаларга Форобий, Абу Али ибн Сино ва Амир Темурлар фаолияти билан боғлик тушунчалар киради. Айрим тарихий тушунчалар обьектнинг ер юзида ёлғиз, бетакрор эканлигини англатиб келади. Якка тушунчалар обьектнинг моҳияти, мазмуни, тарихий ўри, аҳамияти, эгаллаган мавқеи юзасидан маълум маънодаги ахборотлар мажмуасини мужассамлаштиради. Шунингдек, унинг ижтимоий-тарихий тараққиётдаги роли, ўрни турли омилларга асосланган ҳолда талқин қилинади. Якка тушунчаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг ортида ҳамиша аниқ шахс, аниқ обьект ва предмет турган бўлади.

Умумий тушунчаларда эса бир жинсга тааллуқли бўлган кўп нарса ва ҳодисалар моҳияти гавдаланади. “Шахс ва жамият” фанида бундай тушунчалар талайгина. Масалан, инсон, индивид, шахс, фуқаро, эҳтиёж, зардустийлик, монийлик, маздакийлик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тўплама тушунчалар бир жинсда бўлган обьектлар тўплами ҳакида яхлит фикрларни мужассамлаштиради. Масалан, бунга умумбашарий муаммолар, башоратлар ва ҳ.к. киради.

“Шахс ва жамият” фанида фалсафий тушунчаларни шакллантириш ҳам ўқитувчининг ижодий фаолияти билан боғлик бўлиб, самарали усул ва воситалардан фойдаланилган ҳолда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилмоғи лозим. Бу борада ўқитувчи ҳар бир тушунчани ҳаёт билан боғлаган ҳолда мисоллар ва оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар орқали ёритса, ўз мақсадига эришади. Ушбу ўқув фани жамиятшунослик ҳақидаги билимларни ўзида мужассамлаштирад экан, аввало, ҳар бир маълумот ўлкашунослик хужжатларига таянган ҳамда миллий-маънавий меросдан фойдаланганд ҳолда акс эттирилмоғи лозим. Шундагина дарс қизиқарли ва самарали бўлади.

Маълумотларнинг янгилиги, долзарблиги, аниклиги, профессионал таҳлил қилинганлиги ва аниқ манбалардан олинганлиги

³⁰ Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўкувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш : Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2002. – 122 б.

билан ажратиб туриши ўқитувчига мавзуларни ёритиш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштиришга ёрдам беради, бирламчи ахборотларни етказувчи сифатида хизмат қиласы.

Маълумки, “Шахс ва жамият” фанини ўқитищда таълим самарадорлигини ошириш таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш билан боғлик. Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш эса, аввало, уларда фойдаланилган усул ва воситаларга таянади. Усул таълимда бирор бир нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўлидир. Бугунги кунда бундай усуллар педагогик технологиялар асосида амалга оширилса, иккинчи томондан, воситалар тажрибали ва юкори малакали ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати туфайли амалга оширилади.

Тушунчалар билан ишлашнинг усули ҳақида гапирганда, уларнинг нимани тақозо этишини аниқлаш, яъни термин ва таърифни бир-биридан ажратиб олиш керак. Тушунчалар аниқ тизимни ташкил этган категориялардан ташкил топади.

Баъзан оддий тушунчаларни ўқувчилар қийинчилик билан ўзлаштиришади, кийин тушунчаларни эса осон қабул қилишади. Нима учун бир гурухдаги ўқувчилар тушунчаларни осон ўзлаштиради, бошқа гурухдаги ўқувчилар эса бу борада кўп тушунтиришларга карамасдан қийинчиликларга дуч келади? Ўқитувчи ўқув материалини ўқувчилар онгига самарали сингдириш учун тушунчалар билан қандай ишлаши кера?

Ушбу саволларга жавоб бериш учун тушунчалар билан ишлашнинг асосий усул ва воситаларини ажратиб олиш лозим. Тушунчалар билан ишлаш ҳар бир предметнинг асосий қисми ҳисобланади, уларни тушунмасдан ва моҳиятига кирмасдан ўқув жараёнида самарадорликка эришиш мумкин эмас.

Кўп холларда эски тушунчалар янги мазмун билан тўлдирилади, уларни қайта кўриб чиқиш, аниқлик киритиш ҳамда мазмунини ўзгартириш эҳтиёжи туғилади. Бундай эволюцион жараёнга ҳам жиддий ёндашиб, ўқувчиларга тўғри маълумотлар бериш лозим.

Тушунчаларни билиш таълим жараёнининг мақсади ва воситаси ҳисобланади. Чунки ҳар бир билим олдинги олинган билимларга таянади. Тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаштирувчи терминларни билмасдан туриб, ушбу тушунчаларнинг мазмунни билан ишлаш мумкин эмас. Бундан ташқари, тушунчалар билан

ишилаш шундай ташкил қилиниши керакки, улар инсон тафаккурини ривожлантирувчи вазифани бажара олсин.

“Шахс ва жамият” фанидаги тушунчалар турли-туман бўлиб, улар доимо ривожланиб туради. Шунинг учун ҳам таълим бериш жараёнида бу муаммони ечишда ўқитувчи олдида қатор вазифалар туради:

1)“Шахс ва жамият” ўкув фанининг ҳар бир бўлимидан асосий тушунчаларни ажратиб олиш;

2)оддий тушунчалардан мураккаб тушунчаларни ҳосил қилишни таъминлаш, тушунчалар орқали илмий фактлар ва фаразларни таҳлил қилиш, тушунчаларни ўзаро бир-бири билан боғлаш, умумлаштириш, конкретлаштириш ва қайта кўриб чиқиши ўқувчиларга ўргатиш;

3)фанлараро алоқани ўрнатиш;

4)тушунчаларни ўқувчилар қанчалик ўзлаштирганлигини таҳлил қилиш.

“Шахс ва жамият” фанида ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва воситалари яхлит бир тизим сифатида намоён бўлади. Тушунчаларни шакллантириш “Шахс ва жамият” фанида фалсафий масалаларни ёритиш жамият тараққиётининг омили эканлигини яхлит тизим сифатида ташкил қилишга ёрдам беради.

Ўқувчиларда “Шахс ва жамият” фани бўйича фалсафий тушунчаларни шакллантириш қуйидаги босқичларда амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади: а) эмпирик танишув; б) тушунчаларга изоҳ бериш; в) репродуктив фаолиятни кўллаш; г) ижодий фаолиятни кўллаш.

Юқорида санаб ўтилган босқичлардан ижодий фаолият ўқувчиларга энг кўп самара беради. Ижодий фаолиятда ўқувчининг интуитив фикрлаши мухим ўрин эгаллайди, шу орқали тушунчалар унинг онгига шаклана бошлайди.

Жамиятшуносликка доир билимларни беришда тўғри ташкил қилинган ва тартибга солинган ички психологик когнитив тузилмани шакллантириш мухим ҳисобланади. Жамиятшуносликка оид билимларни ўқувчиларга етказиш билан чегараланмасдан, балки ўзаро тизимли боғланган элементларга асосланган билимларни тўғри ташкил қилиш ва тартибга солинган когнитив тузилмани шакллантириш зарур.

Ўқитувчи “Шахс ва жамият” ўкув фанида фалсафий тушунчаларни ўкувчилар онгига сингдириш жараёнида илк пайдо бўлган тушунчалар ва уларнинг моҳиятини қай даражада ўзлаштирганлигига алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Буни ўкувчиларнинг билимларини назорат қилиш жараёнида уч босқичда амалга ошириш мумкин.

Биринчи босқич – ўкув фанининг бошида илк тасаввур ва билимларни аниклаштириш мақсадида ўкувчилар билимини тестлар ёки сўровлар оркали аниклаш.

Иккинчи босқич – янги мавзуни ўтгандан сўнг ўкувчилар янги билимларни қай даражада ўзлаштирганлигини аниклаш мақсадида дарҳол назорат ўтказиш.

Учинчи босқич – маълум бир вақт ўтгандан сўнг ёки ўкув фани якунида ўкувчилар олган билим ва кўнималарни текшириш.

Бу жараён ўтказилган дарслар, ўқитиш жараёнида кўлланилган усул ва воситаларнинг қай даражада самараали эканлигини кўрсатиб беради.

“Шахс ва жамият” ўкув фани бошқа илмий фаолиятдаги йўналишлар сингари аниқ тизимлаштиришни талаб қиласди. Тушунчалар билан ишлаш жараёнида, аввало, жамиятышуносликка оид билимлар доирасидаги тушунчаларнинг ҳажми, турини ажратиб олмоқ зарур. Тушунчалар бир-биридан келиб чиқсан ва ўзаро боғлик бўлиши, умумий фанга мантиқан тўғри келиши керак. Янги тушунчалар билан ишлаш тушунчалар тизимини аниклашга, уларнинг ҳажмини белгилаш ҳамда мазмунини очишига, тушунчалар аппарати билан ишлаш мақсадида уни тўлиқ таҳлил қилишга ёрдам беради. Тушунчалар билан ишлаш аппарати – бу, тушунчалар тизимиdir. Шунинг учун ўқитувчи, биринчи навбатда, тушунча ва терминлар тизимини ташкил қилиши лозим.

Тушунча ва термин тизимини шакллантириш жараёнида уларга берилаётган таъриф ва изоҳлар катта аҳамиятга эгадир. Тушунчани таърифлаш – унинг мазмунини очиб берувчи асосий белгиларини кўрсатиб беришdir. Айнан “Шахс ва жамият” ўкув фанида тушунчаларнинг мазмuni шахс ва жамият муаммоларини қамраб олиши керак.

Тушунчаларга таъриф бериш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқdir:

а) таъриф берилган ва берилаётган тушунчалар бир хил ҳажмга эга бўлиши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик тушунчаларни

турлича изоҳлашга олиб келади. Тушунчаларга таъриф бериш жараёнида унинг барча хусусиятларига эътибор бериш лозим;

б) тушунчаларга изоҳ аниқ ва тўла берилиши керак;

в) тушунчаларга изоҳ бериш жараёнида улар мантикий халқалардан холи бўлиши, яъни бир тушунча бошқасидан келиб чиқмаслиги даркор;

г) иложи борича тушунчаларга тегишли бўлмаган салбий изоҳлардан қочиш керак. Предметга тааллукли бўлмаган тушунчаларнинг мазмуни ёритилаётган вақтда уларга изоҳ бериш зарур;

д) номаълум тушунчаларга номаълум тушунчалар орқали изоҳ берилмайди.

Тушунчалар билан ишлаш жараёни бир неча боскичларда амалга оширилади ва ўзига хос алгоритмни хосил қиласди:

1. Танишув (ўрганиш). Тушунчалар билан яқиндан танишиб чиқиш; ушбу тушунчаларга тегишли бўлган барча тушунчаларнинг мазмунини ёритиб бериш; этимологиясини аниклаш; тушунчалар мазмуни диалектикасига эътибор бериш; бирламчи тушунчаларга таъриф бериш; мазмунан бир хил тушунчалар орқали бошқа тушунчаларга ўтиш ва долзарб аҳамиятини кўрсатиш; ўзига хос хусусиятларини ёритиш; йўналтирувчи саволлар орқали тушунчаларга таъриф бериш, матн билан ишлаш ва ролли ўйинлар.

2. Мустаҳкамлаш (ўзлаштириш). Мантикий масалалар ечиш; “хато” матнларни тўғрилаш; тест олиш; эслаб қолиш тренингларини ўтказиш; тури ўйинлардан фойдаланиш.

3. Назорат (тушунчаларнинг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниклаш). Диктант; тест; масалалар ечиш; тушунчаларни кўллаш бўйича топшириқларни бажариш; жорий, оралиқ ва якуний назоратлар.

Кундалик хаётимиз ва ўкув фани давомида ўрганилган тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда мақсадга йўналтирилган таълим жараёни натижаларига кўра ўкувчиларда тизимли таҳлил қилиш кўнимкалари ҳосил бўлади. Ўкув жараёни давомида тушунчаларни шакллантириш ва тизимли таҳлил қилиш кўнимкаларини ҳосил қилиш репродуктив, муаммоли ва ижодий вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Илмий изланишларимизни “тизимли ёндашув”, “мукаммал билимлар” ва “тизимлашган билимлар” тушунчаларидан фойдаланилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилдик. Чунки

“тизимли ёндашув”да мураккаб тизимли объект(тизимлар)нинг хусусияти уни ташкил қилган элементларни инкор этмайди, балки уларни ўзаро бир-бири билан боғлаган ҳолда кўллади. Ўқитувчининг биринчи вазифаси ушбу боғлиқликлар ва муносабатларнинг механизми ва характерини билишдир. “Мукаммал билимлар” билимлар йигиндиси, кетма-кетлиги ва иерархиясини англаган ҳолда тавсифланади, яъни баъзи бир билимлар бошқа турдаги билимларга асос қилиб олинади.

Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган тизимлашган билимлар куйидагиларни ўзида мужассамлаштиради: ўқув материалларини дарслик асосида кетма-кетлика тушунтириш жараёнида ўқувчиларнинг билимлар ва тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқани тушунтира олиши; мақсадга эришиш учун бир неча кетма-кетлиқдаги ҳаракатларни бажариши; ўзлаштирилган ва янги билимлар ўртасида мустақил боғлиқликни таъминлаш.

Ўқувчининг билим доираси қанча кенг бўлса, уларни бир-бири билан шу даражада мукаммал боғлай олади. Уларнинг мантиқий фикрлаши ва хулосалар чиқара олиши тафаккурига чамбарчас боғлиқдир.

“Тизимлашган билимлар” эса олган билимларини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, тушуниш ва мушоҳада юритишига ундейди. У ўқувчиларнинг мазмунан ва мантиқан бир-бири билан боғланган доимий билимларга эга бўлишига ёрдам беради. Тизимлашган билимларга кўргазмали-тушунтириш; репродуктив; муаммоли вазият; изланиш (эвристик); илмий-тадқиқот сингари таълим жараёнининг турли усул ва воситаларидан фойдаланилган ҳолда эришиш мумкин.

Кўргазмали-тушунтириш усулида ўқитувчи материални оғзаки баён қиласи ва кўргазмали куроллар ёрдамида тушунтиради. Тушунчаларни шакллантиришда бу усул яхши самара беради.

Репродуктив усул ўқувчиларга таниш тушунчалар асосида билимлар беришни тақозо этади.

Муаммоли вазият усули ўқувчиларни муаммоли вазиятларнинг тури, келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш йўлларини кидириб топишга ундейди.

Иzlaniш (эвристик) усул ўқувчилардан янги билим ва кўнкимларни ҳосил қилиш жараёнида мустақил изланишни тақозо этади.

Илмий тадқиқотлар эса ўқувчиларнинг мустақил илмий изланишлар олиб боришларига ёрдам беради.

“Шахс ва жамият” ўқув фанида фалсафий тушунчалар билан ишлашда олдинги мавзуларни эслаш, аниклаштириш ва олинган билим ва кўнгималарни янги вазиятда кўллаш муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнда ўқувчилар нафакат янги билимларга эга бўлади, балки янги олинган билимлар олдин олинган билимларга қай даражада мос келишини таққослайди, таҳлил қиласди. Бу эса тушунчалар орқали янги олинган билимларни амалиётда кўллаш имконини беради. Олдинги мавзуларни эслаш асосида савол-жавоб, ўқувчиларнинг билимини назорат қилишга каратилган вазифалардан иборат ўқитувчининг фаолияти ётади. Ўқитувчи янги ва олдин олинган билимлар ўргасида ўзаро алоқа мавжудлигини аниклаш мақсадида бирор бир вазиятга имкон туғдиради. Агар ўқувчи бу вазиятни ечишга қўйналса, у ҳолда ўқитувчи йўналтирувчи саволлар, маълум бир далиллар ва тушунчалар орқали хulosha чиқаришга ёрдам беради. Аниклаштириш жараённида ўқитувчи янги мавзуга тегишли бўлган мисоллар ёрдамида ўқувчиларнинг қай даражада билимга эга эканлигини аниклайди. Бу жараёнда мавзулараро боғлиқлик муҳим ўрин тутади. Бу воситалар ўқувчиларга билимларни амалиётда кўллаш имконини беради.

“Шахс ва жамият” ўқув фанини ўқитиши жараённида ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришда интерфаол усуслардан фойдаланилса, дарс янада самарали бўлади. Бунда ўқитувчи маслаҳатчи, ўқувчи эса фаол тадқиқотчи вазифасини бажаради. Билим (субъектив янги) ёки шахсий таълим (эҳтиёж, қобилият, талаб)дан қатъи назар изланиш, қайта ишлаш ва янги маълумотларни тўплаш жараёнини ташкил қилишда иккала томон ҳам ҳаммуаллиф сифатида намоён бўлади. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда буклетлар, информацион бюллетенлар, тақдимотлар, намунали конспектлар, схемалар, графика ва жадваллар туридаги мустақил ишлар муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчиларга эркин ижод ва мустақил ишлаш учун кенг шароит яратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Интернет манбалари, Power Point, Word компьютер дастурлари асосида тайёрланган тақдимотлар ва ахборот маълумотига эга бўлган дастурлар фалсафий тушунчаларни ёритишида муҳим восита хисобланади. Тажриба бу жараён қизиқарли ва самарали

эканлигини күрсатыб берди. Бундай жараёнда тушунчалар ва ходисалар ўртасыда ўзаро алоқадорлык ўрнатилади, ўкувчиларнинг шахсий билимлари кўпаяди, муаммоли масалаларни мустақил ечиш вазиятида тайёр тақдим этилган фактлар, тушунчалар, изоҳларни фаол кабул килишади. Бундай дарс учун ўқитувчи Power Point дастури имкониятларини яхши билиши ва компьютер технологияларига асосланган билимларга таяниши мумкин. Компьютер билимларидан қйналган ўқитувчилар анимация ва товушсиз оддий тақдимот усулларидан фойдаланишлари мумкин. Тақдимотда мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар, калит сўзлар, рисолалар, схема ва кўргазмали расмлар тақдим этилиши мумкин. Тақдимот учун экран 45 градус бурчакда ўрнатилса ўқитувчи марказда туриб ўкувчиларга мавзу бўйича тақдимотни илова қилиш имкониятига эга бўлади. Тақдимотда кўргазмалилик ва киска матнлар муҳим ўрин эгаллайди.

Power Point тақдимотини тузиш жараёни куйидаги харакатларда амалга оширилади: тақдимотнинг умумий безагини танлаш; слайдларнинг мазмуний ўлчамларини танлаш (максимум 6 қатордан иборат 36 та сўз бўлмоғи лозим); янги слайд ва унинг таркибий кисмларини қўшиш; слайд ўлчамларини танлаш; слайдларни безашда зарур бўлган ўзгаришлардан фойдаланиш; слайдларни кўрсатишда товушли анимация жиҳатларини яратиш.

Тақдимот куйидаги тавсифларга эга бўлиши керак:

- слайдлар сони (7–10ta);
- слайдларнинг мазмуний ўлчамлари;

1) биринчи слайд чиқарувчи ташкилот (мактаб, лицей, колледж)нинг номи, лойиха номи, лойиха муаллифларининг фамилиялари, исми, ўкув гурухи раками, лойихани тузиш санаси;

2) охирги слайд, маълумотлар манбалари тавсифига багишлиган;

3) қолган слайдлар лойиха мазмунини эркин шаклда ифодалайди.

Ўкувчиларга тақдимотга киритилган схемалар ва киска матнлар кўпайтирилиб, тарқатма материаллар сифатида тарқатилса мақсадга мувоғик бўлади. Тарқатмаларда блиц-сўров саволлари ва тақдимот давомида бериладиган топширикларни ҳам илова қилиш мумкин. Бу жараёнда интернет маълумотларидан фойдаланиш ҳам “Шахс ва жамият” фанини ўқитишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

“Шахс ва жамият” фанида фалсафий тушунчаларни шакллантиришда видеотасмалар ҳам мухим ўрин эгаллайди. Видеотасмаларни автоном ёки факультатив тариқасида кўриш ҳеч қандай натижа бермайди. Танланган видеотасмалар мавзуга мос келиши ва аниқ мақсадларга қаратилиши лозим. Видеоматериаллардан фойдаланиш усули ўкувчиларнинг мавзуга бўлган қизиқишини орттириши ва эмоционал таъсир кўрсатиши лозим. Видеотасмаларни намойиш этиш жараёнида ўқитувчи ҳар бир лавҳани шарҳлаб бориши ва ўкувчиларнинг дикқатларини аниқ мақсадга жалб қилиши даркор. Видеотасмаларнинг давомийлиги 5 – 7 дақиқадан ошмаслиги мақсадга мувофик.

Педагогик технология назариётчиларнинг фикрича, мавзулар бўйича дидактик масалалар (дидактик мақсад, мазмун ҳамда ўкувчининг ўзлаштириши)ни аниқ белгилаш асосида дидактик жараённи, яъни технологияларни амалиётга тадбиқ этиш мумкин. Шунга кўра, дидактик жараён қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Мотивация. Бу босқичда ўқитувчи турли усуллар ёрдамида мавзуни ўрганиш эҳтиёжини вужудга келтиради.

Бундай усулларга қуидагилар тавсия этилади:

1. Мавзуга оид кинокадр, фильмлар кўрсатиш, расмлар намойиш этиш.

2. Мавзуга оид статистик материаллардан фойдаланиш.

3. Хужжатлар билан ишлаш.

Бу усуллар машгулот бошланишидаёқ ўкувчиларни мавзуни қизиқиш билан ўрганишга ундейди.

Ўкувчининг ўкув-билув фаолиятини американлик педагог олим Б.Блум томонидан ишлаб чиқилган ўкув максади таксономияси асосида ташкил этиш ижобий самара беради.

“Билиш” даражаси когнитив соҳанинг энг қуий босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда ўкувчи ўзлаштирган билимларини хотирада саклаши, эслashi, номлаши ва айтиб бера олиши керак.

“Тушуниш” босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб этилади.

“Кўллаш” босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар ва турли шакллардаги амалий кўллашнинг назарий жиҳатлари ўзлаштирилади (ўкувчи ўзлаштирган билимларини амалда кўллашни билади, лекин бу ҳали кўллай олади, дегани эмас).

“Тахлил” босқичида ўқувчи ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлади.

“Синтез” босқичида ўқувчи ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлайди ва умумий алоқадорликларни аниқлай олади.

“Баҳолаш” даражаси энг юқори босқич хисобланиб, бу босқичда ўқувчи ўзлаштирган билимлари асосида муайян тушунча, далил ва тамойилларга нисбатан ўз фикрини билдириш ҳамда уларни баҳолаш кўнікмаларига эга бўлади.

Бу жараённинг кетма-кетлиқда амалга оширилиши ўқувчининг факат билимларни ўзлаштириш эмас, балки мавзу бўйича уларда кўнікма ва малакаларнинг шаклланишига шароит яратади.

Дидактик жараённинг сўнгги таркибий қисми – ўқув-билув фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Машғулотда зарурӣ ахборотлар ўқитувчидан ўқувчиларга алоқа ёрдамида тўғридан-тўғри узатилади. Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи томонидан ўқув фаолияти бажарилса, бошқариш алгоритмини ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бажариши мумкин.

Ушбу усул барқарор ва мукаммал тушунчаларни ўрганишда кўпроқ, динамик ҳодисаларни ўрганиш жараённida эса камроқ самара беради.

Ўқув фани якунида, албаттга, ўқувчилар билимини назорат қилиш керак. Назорат шакли куйидагича бўлиши мумкин: сўров ўтказиш; ёзма иш ўтказиш; тест олиш; кроссвордлар тузиш ва ечиш; илмий мақолаларга тақризлар ёзиш; реферат ёзиш.

Юқорида қайд этилган усул ва воситалар орқали асосий тушунчалар ва қоидалар бизни куршаб турган дунё ҳодисалари таҳлилини кенгайтириш учун имкон яратади; кўтарилаётган муаммоларни “ўтмиш ва ҳозирги замон” кўрининишида таққослаб таҳлил қилишга ёрдам беради; миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳар бир шахснинг хатти-харакатларига таъсир кўрсатишни очиб беринга имкон яратади; ўқувчиларга визуал материаллар орқали хиссий таъсир кўрсатади.

Шу тариқа, тушунчалар билан ишлаш жараённida ушбу усуllibардан фойдаланилса, “Шахс ва жамият” ўқув фани юзасидан ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш кўпроқ самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда “Шахс ва жамият” фанига онд фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг методологик

асослари ижтимоий воқеликнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштирок этиш кўнгилмаларини ҳосил қилишга имкон беради.

2.2. Фалсафий тушунчаларни шакллантириш методлари

Замонавий педагогик таълимда таълим методлари ўқитувчининг иш усули (тушунтириш, оғзаки ҳикоя қилин) ҳамда ўқувчиларнинг билим олиш жараёнидаги фаолияти (машқ ва мустакил иш) билан узвий боғлиқдир.

“Шахс ва жамият” фанида билим олиш жараёнига қаратилган таълим методлари куйидагиларга бўлинади:

1. Оғзаки метод (асосий билимлар манбаи нутқ ҳисобланади).
2. Кўрсатмали метод (асосий билимлар манбаи кузатиладиган предмет, кўргазмали ва техник воситалар ҳисобланади).
3. Амалий метод (асосий билимлар манбаи ўқувчилар томонидан амалий фаолиятда шаклланган малака ҳисобланади)³¹.

Оғзаки метод. Оғзаки метод таълим методлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Қачонлардир у таълим бериш жараёнида етакчи метод ҳисобланган. Бугунги кунда бу метод анча эскирган бўлиб, кўп ҳолларда уни анъанавий метод деб ҳам аташади. Аммо бу методга нисбатан объектив тарзда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Оғзаки метод қисқа вақт ичидаги катта ҳажмга эга бўлган маълумотни етказиш, муаммони келтириб чиқариш ва унинг ечимини топишга имкон беради.

Тушунчанинг нутқда шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ бўлиб, сўз ва сўз биримлари ёрдамида ифода қилинади. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланиш тарзида намоён бўлади. Сўз орқали ўқитувчи ўқувчининг кеча, бугун ва эртанги кун ҳақидаги тасаввuri, тафаккури, хотираси ва хис-туйғусини шакллантиради.

Оғзаки метод куйидаги усулларга ажратилади: ҳикоя, тушунтириш, баҳс-мунозара, маъруза.

Ҳикоя. Ҳикоя усули ўқув материалининг оғзаки баёни ҳисобланади. Бу усул таълим жараёнининг барча босқичларида кўлланади. Ҳикоя фақат тавсифи, ҳажми ва баён шакли билан ажралиб туради. Ҳикоя қилиш жараёнида ўқитувчидан қатор педагогик талабларни бажариш талаб қилинади: аниқ фактларга

³¹ Хасанбоев Ж. ва бошжалар. Педагогика фанидан изохли лугат. – Т.: «Фан ва технология», 2009. – 671 б.

тўхталиб ўтиш; ёркин ва аниқ мисоллар, фактлар ва далилларни келтириш; фикрларнинг мантиқийлигига, эмоционал хусусиятларга эътиборни қаратиш; содда ва равон тилда сўзлаш; баён этилаётган ҳодиса ва воқеаларга ўзининг шахсий муносабатини билдириш.

Тушунтириш. Тушунтириш деганда баён қилинаётган муаммонинг конуниятлари, ўрганилаётган объекктнинг ўзига хос хусусиятлари мажмуй киради.

Тушунтириш – бу баён этишнинг монологик шаклидир. Бу жараёни амалга оширишда ўкув вазифалари, муаммонинг тури ва саволларни аниқ кўя билиш; сабаб ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, тахмин ва мушоҳадаларни кетма-кетликда ёритиб берин; гипотезалардан фойдаланиш; ёркин мисоллар келтириш; фикр-мулоҳазаларни мантиқан ёритиш назарда тутилади.

Сухбат. Сухбат – диалогик таълим усули бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи янги ва ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлигини пухта тузилган саволлар орқали аниқлайди. Сухбат дидактиканинг анъанавий усулларидан бири ҳисобланади.

Аниқ вазифалардан келиб чиқсан ҳолда сухбат қуидаги турларга ажрапади: мавзуга кириш бўйича ташкилий сухбат; мавзу бўйича маълумот берувчи, яъни янги билим берувчи сухбат (эвристик); мавзуни мустаҳкамловчи сухбат.

Мавзуга кириш бўйича сухбатнинг мақсади аввал ўзлаштирилган билимларнинг долзарблигини кўрсатиш, дикқатни жалб қилиш, ўкувчиларнинг интеллектуал ва потенциал имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ўкув фаолияти олдига кўйилган вазифаларни ечишга қаратилади. Сухбатнинг турида ўкувчиларнинг янги мавзуга тайёргарлиги даражаси аниқланади.

Мавзу бўйича маълумот берувчи, яъни янги билим берувчи (эвристик) сухбат ўкувчини янги билимлар олишга, билим олиш йўлларини излаб топишга, ўқитувчи томонидан кўйилган саволларга шахсий жавобларини шакллантиришга йўналтиради. Эвристик сухбат жараёнида ўқитувчи ўз билимлари манбаи ва тажрибасидан фойдаланган, қоидаларга таянган ҳолда янги билимларни ўкувчилар онгига сингдиради.

Мавзуни мустаҳкамловчи сухбат ўкувчиларга мавжуд назарий билимларни бойитиш ва амалиётда кўллаш имконини беради.

Сухбат индивидуал ёки жамоавий тарзда олиб борилиши мумкин. Сухбат бутун бир синф ёки алоҳида гуруҳда амалга оширилиши мумкин. У “Шахс ва жамият” фанига доир фалсафий

түшунчаларни ўкувчиларга сингдириш оркали түшунчаларнинг моҳиятини англашга, муаммоли саволлар кўйишга ўргатади.

Суҳбат ўтказишининг самараси саволнинг қай даражада тўғри кўйилганиллигига боғлиқдир. Саволларнинг кисқа, лўнда, аниқ ва мазмунан тўғри кўйилиши мақсадга мувофиқдир. Ноаниқ саволлар ўкувчиларнинг дикқатини чалгитади. Суҳбат жараёнида “ҳа” ёки “йўқ” жавобини талаб этадиган саволлардан кочиш керак.

Суҳбат усули куйидаги афзаликларга эга: ўкувчиларнинг ўкув-билив фаолиятини, хотира ва нуткини фаоллаштиради; ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имконини беради.

Ушбу усулнинг камчиликлари шундаки, у кўп вакти талаб қиласди; ўкувчи ҳар доим ҳам тўғри жавоб беради.

Баҳс-мунозара. Баҳс-мунозара ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Баҳс-мунозарада бирон бир муаммо ҳал этилади. Албатта, бу жараёнда ўкувчилар маълум бир билимлар манбаига эга бўлишлари, ўз фикрини мантиқан ўйлаб, тўғри ифода қилиши, ўқитувчи муаммо чегарасидан чиқиб кетишга йўл қўймаслиги зарур.

“Шахс ва жамият” ўкув фани бўйича ўкувчиларнинг түшунчаларини шакллантиришда тўғри ташкил қилинган баҳс-мунозара тарбиявий ва таълимий аҳамиятга эга бўлади ҳамда түшунчаларни чукур ўрганишга, муаммони келтириб чиқариш ва ечимини топишга, ўз нуқтаи назарига эга бўлишга, ўзгалар фикрини хурмат қилишга ўргатади.

Маъруза. Маъруза – катта ҳажмдаги материални монологик баён этиш усулидир. Маъруза дарсининг афзалик томонлари шундаки, ўкувчиларга янги ўкув мавзусини яхлит ва умумлашган ҳолда, мантиқий кетма-кетлиқда ҳамда бошқа мавзулар билан боғланган ҳолда тақдим этишга имкон беради.

Ўтган мавзуларни тақрорлаш дарсларида ҳам маърузалардан фойдаланиш мумкин.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларда маърузалардан фойдаланиш ўкувчиларнинг ўқиш фаолиятини фаоллаштиради, мавзу бўйича муаммоли вазифаларни ечиш учун қўшимча илмий маълумотларни мустақил излашга йўналтиради.

Кўрсатмали метод. Кўрсатмали методга визуал ўкув материаллари ва техник воситалар киради ҳамда у оғзаки ва амалий

методлар билан бөглиқ ҳолда амалга оширилади. Натижада ўкувчиларга визуал воситалар ҳамда эмоционал хис-түйғулар орқали янги маълумотларни ўзлаштириш имкони тугилади.

Кўрсатмали методни икки гурухга ажратиш мумкин: кўрсатиш ва тақдим этиш усули.

Кўрсатиш усулига ўкув кўлланмалар, плакатлар, жадваллар, расмлар, фотосуратлар, доскада акс эттирилган маълумотлар киради. Шу жараёнда проектор, кодоскоп ёки эпидиаскоплардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тақдим этиш усулига эса техник воситалардан фойдаланилган ҳолда тақдимотлар, мультимедиалар, кинофильмлар ва диафильмлар намойиши киради.

Бугунги кунда компьютер технологияларидан кенг фойдаланиш замон талаби бўлиб қолди. Бунда ўкувчилар барча жараёнларни визуал кўриш имконига эга бўлади ҳамда ўкув материалида берилган воқеа ва ҳодисалар, тушунчалар ҳакида тасаввур ҳосил киласди.

Амалий методлар. Тაълим беришнинг амалий методи кўникма, малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёни билан бөглиқдир. Унга ўкув вазифалари ва амалий ишлар киради.

Ўкув вазифалари маълум бир мавзуни ўрганишга қаратилган ўкув топширигидир. “Шахс ва жамият” ўкув фани бўйича фалсафий тушунчалар билан ишлаш жараёнига доир ўкув вазифаларининг тури ўтиладиган мавзуга, ўкув материали, саволлар ва гуруҳдаги ўкувчиларнинг салоҳиятига бөглиқдир.

Ўкув вазифалари оғзаки, ёзма, графики органайзерлардан иборат бўлиши мумкин. Уларни бажариш жараёнида ўкувчилар аклий ва амалий фаолият юритадилар.

Ўкув вазифалари янги мавзуни мустаҳкамлаш ва ўзлаштириш функцияларини бажаради.

Ўкув вазифалари оғзаки методдан фойдаланилган ҳолда ҳам бажарилади. Бу жараёнда ўқитувчи ўкувчининг оғзаки жавобини назорат қилиб, йўл қўйган камчиликларини ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Манбалар билан ишлаш таълим жараёнининг энг муҳим усулларидан бири ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги глобаллашув жараёни, ривожланаётган аҳборот технологиялари ёшлиларимиз онгига кучли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод интернет тизими орқали олинган тайёр

мълумотлар асосида билимларини кенгайтиришга ҳаракат килади. Бу жараён уларнинг манбалар билан ишлаш, таҳдил килиш, фикрлаш қобилияти ва ўз нуқтаи назарига эга бўлишини чегаралайди. Айнан манбалар билан ишлаш усули ана шу муаммони бартараф этишга ёрдам беради. Бу усулни амалга ошириш жараёнида ўкувчиларга мухим бўлган асосий адабиётлар рўйхатини тақдим этиш; тақдим этилган адабиётларни конспектлаштириш, ўзлаштирилган мълумотларни киска баён этиш; матннинг режасини тузишга алоҳида эътибор каратилади. Режа ўз ўрнида оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Бунинг учун мавзуни маълум бир қисм ёки бўлимларга ажратиш; тезис тузиш – ўрганилаган мавзу бўйича қисқача асосий фикрларни ёзиш; изоҳлаш ёки матнга илова килиш; аннотация – ўқилган мавзу мазмунини қисқа баён қилиш; тақриз ёзиш – ўқилган мавзуга ёзма тарзда ўз муносабатини билдириш; мълумотлар тайёрлаш – тадқиқот натижаси, ўрганилган адабиётлар бўйича мълумот тўплаш; схемалар, чизмалар, слайдлар тайёрлаш; асосий фояларни кетма-кетликда ёзиш, малакасини ўзлаштириш талаб этилади.

Амалий ишлар. Амалий ишлар ўкув фанининг ёки предметнинг катта бўлим ёки бобининг якунинда умумлаштирувчи топшириқ сифатида амалга оширилади. Амалий ишлар нафақат дарс давомида, балки дарсдан ташқари фаолиятда ҳам амалга оширилиши мумкин. “Шахс ва жамият” фанига доир тушунчаларни шакллантиришга қаратилган ўкув лойихалар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Ўкув лойиха лойихалаштириш фаолияти билан боғлиқдир. Бу жараёнда ўкувчилар якка тартибда ёки гурӯҳлар бўйича белгиланган, маълум вақтда берилган мавзуда ўкув, тадқиқот ёки бошқа турдаги ишни бажарадилар; янги билим олиш билан биргаликда, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат киладилар. Лойихалаштириш методи таълимнинг ҳар бир босқичида назария ва амалиёт ўртасидаги алоқаларни, академик билимлар ва прагматик маҳоратлар бирлашишини таъминловчи ўкув фаолияти ҳисобланади.

“Шахс ва жамият” фанига доир фалсафий тушунчаларни ўкувчилар онгига сингдиришга қаратилган таҳриба-синов ишларида ушбу методлар ижобий натижалар берди, ўкувчилар ўз фаоллигини намойиш этди; фикрларини мустақил билдири; тадқиқотлар, экспериментлар ва таҳлиллар ўтказиши; тушунчаларни ўзаро бир-бири билан боғлаб талқин килишда

мустакил қарорлар қабул қилишди; жамоа бўлиб ишлашни ўрганиши; ўз хатоларини топиб камчиликлари устида ишлаши; ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилишди, ютуқлари ва камчиликларини, вужудга келган қийинчиликларнинг сабабларини аниклаши. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлди (З-илова).

Тадқиқот давомида тушунчалар аппарати билан ишлаш жараёнда куйидаги усувлар ўз самарасини берди:

“Ҳамкорликда излаш” усули. Бу усул орқали ўқитувчи ва ўқувчилар мантиқий хуросалар ёрдамида биргаликда кўриладиган тушунчаларга аниклик киритади. Шу тариқа тушунчалар билан ишлан жараёни уч босқичда амалга оширилади: ўқитувчи доскага мавзу юзасидан тушунчаларни ёзди ва ўқувчилардан ушбу тушунчаларга изоҳ берувчи бир-иккита сўз айтишни топширади. Натижада тушунчалар изохига доир рўйхат юзага келади.

Шу жараёнда ўқитувчи баҳс-мунозарани бошқариб туради. Ушбу усулнинг аҳамиятли томони шундаки, ўқувчилар тушунчаларга ўзлари изоҳ беради. Бу жараён ўқувчиларни мантиқий фикрлашга йўналтиради, тушунчаларни яхшироқ эслаб қолишга ёрдам беради. Кузатишларимизга кўра, ўқувчилар ўзлари изоҳ берган тушунчаларни мантиқий хуросалар ёрдамида кўпроқ эслаб қолар экан.

“Пинборд” усулидан фойдаланилса, ушбу усул янада самарали бўлади. Агар бу усулдан тўғри фойдаланилмаса, ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрини хурмат қилиб, чегарадан чиқмаган ҳолда бошқариб турмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди (2.1-илова).

Масалан, “Шахс ва жамият” ўқув дастуридаги “Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари” мавзусига атрофлича тўхталиб ўтайлик.

Дарснинг мақсади даврнинг глобал муаммоларининг моҳияти, белгилари, келиб чиқиши ва турлари ҳақида яхлит тасаввурни шакллантиришдан иборат.

Янги мавзуни эълон қилгандан сўнг, ўқитувчи мавзунинг режасига изоҳ беради. Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича “Фикрлар хужуми” усули орқали “Глобал муаммолар деганда нимани тушунасиз?” -деб савол билан мурожаат қиласи. Уларга бу борада маълум тушунчаларни айтишни таклиф қиласи. Барча айтилганларни доскага ёзади:

- фан-техника ютуклари;
- ракета-ядро уруши;
- уруш ва тинчлик;
- озик-овқат;
- экологик муаммо;
- демографик портлаш;
- хавфли касалларнинг кўпайиши;
- диний экстремизм;
- наркоагрессия;
- ресурслар муаммоси;
- эгоцентризм;
- оммавий маданият ва бошқалар.

Ўқитувчи, ўз навбатида, ўқувчилардан глобал муаммоларни категорияларга ажратиш ҳамда кўйидаги жадвални тўлдиришни талаб этади.

Сиёсий соҳада	Иқтисодий соҳада	Ижтимоий-маънавий соҳада

Мавзу бўйича асосий назарий тушунчаларни Power Point дастури асосида слайдларни кўрсатиш ва уларни шарҳлаш орқали тушунириб беради.

“Мустақил ишлаш” усули. Ўқувчилар манбалардан мустақил фойдаланган ҳолда тушунчаларга изоҳ беришади. Ўқитувчи ўқувчиларга адабиётлар рўйхатини тақдим этади, уларни излаш йўлларини кўрсатиб беради ҳамда билимларини назорат қиласи. Кўринадики, бу жараёнда ўқитувчининг ўрни уччалик сезилмайди. “Инсерт” технологияси ушбу усуулга мос келади (2.2-илова).

Масалан, “Шахс ва жамият” ўкув дастуридаги “Инсоннинг яратилганлиги тўғрисидаги диний қарашлар ва келиб чиқсанлигини тушунирадиган анъанавий илмий таълимотлар” мавзусига доир дарснинг мақсади инсоннинг вужудга келиши ҳамда турлича қарашлар ҳақида ўқувчиларга аниқ билим ва кўнилмалар беришдан иборат.

Ўқитувчи дарснинг мавзусини эълон қилгач, ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларини тушунтиради.

Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича “Инсерт” жадвалини тарқатади.

<i>Матида учрайдиган тушунчалар</i>	<i>V</i>	<i>+</i>	<i>-</i>	<i>?</i>

V – бу тушунчалар билан танишман

+ – бу тушунчалар мен учун янгилик

- – мен билган тушунчаларга зид

? – бу тушунчаларни ўйлаб кўраман

Ўқитувчи мавзу режасини эълон қилиб, ўқувчиларни таянч тушунча ва иборалар билан таништиради. Мавзуни “Инсерт” техникасидан фойдаланган ҳолда мустакил таҳлил қилишни топширади ҳамда куйидаги саволларга жавоб беришни таклиф киласди:

1. Улар нимани билишади?
2. Нима тушунарсиз бўлиб қолди ва ўзлаштирилмади?
3. Қандай кўшимча маълумот талаб қилинади?

Жавоблар тинглаб бўлингач, слайдлар ёрдамида янги ва ўзлаштирилиши қийин бўлган куйидаги тушунчаларга изоҳ берилади:

- антропогенез;
- мухит;
- социогенез;
- коннотий назариялар;
- диний карашлар;
- аномал ҳодисалар;
- биохимик эволюция;
- доимийлик ҳолат ва х.к.

Бу усулнинг ижобий томони шундаки, ўқувчилар ўқитувчининг назоратидан холи равишда мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўладилар. Аммо шуни ҳам тъкидлаб ўтиш керакки, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида алоқа йўколади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишлаши жараёнида уларнинг тушунчалар ҳақидаги тасаввурларига ўз муносабатини билдира олмайди, шахе тарбиясида бевосита иштирок эта олмайди.

Таққослаш усули. Бу усулдан айрим нарсалар ўртасида ўхшашлик ёки тафовутни, тенглик ёки тенгсизликни, бир хиллик ёки қарама-қаршиликни аниқлашда фойдаланилади. Унинг мазмуни бир неча тушунчалар орқали аниқланади. Ўқувчилар кўргазмали намойиш орқали таққослаш усули ёрдамида тушунчаларнинг ўзаро фарқини аниқлайди ва шу билан уларни бир-биридан ажратади. Ушбу усулнинг энг асосий хусусияти – кўргазмали намойишдир. “Т-схема” техникаси бу усулдан самарали фойдаланишга кўмак беради. Ўқитувчи нафақат ушбу тушунчага таъриф беради, балки кўргазмали намойиш ҳам этади (2.3-илова).

Масалан, “Шахс ва жамият” ўқув дастуридаги “Шарқ ва Farb цивилизация типлари” мавзусига тўхталиб ўтайлик.

Дарснинг асосий қисмида цивилизация типлари, уларнинг таркибий қисмлари, фан ва саноат инқилоблари, ваколатли демократия каби тушунчалар ёритилади. Дарснинг якуний қисмида эса ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида “Т-схема” жадвали тўлдирилади.

Ушбу тушунчаларнинг мазмунини таққосланг

Шарқ цивилизацияси	Farb цивилизацияси
Farbga нисбатан бир неча асрлар аввал Шарқда илм-фаннынг деярли барча соҳалари ривожланган. Ўзбек халқи учун умуминсоний маънавият билан бирга миллий маънавият ва унинг бойликлари ҳам foят қимматли бўлган...	Илм-фан, жумладан, фалсафий та-факкур ютуқлари, адабиёт ва санъат асарлари, кашфиёт ва ихтиrolар, маънавий маданият дурдоналари, хурфикрлик, умуминсоний ахлоқий меъёрлар ривожланган...

Синтез усули. Ушбу усулни кўллаш жараёнида тушунчаларга турли муаллифлар томонидан берилган таърифлар изоҳланади. Ушбу усул тушунчаларга изоҳ бериш ва изоҳларни умумлаштиришдан иборат икки босқичда амалга оширилади.

Синтез жараёнини бир неча воситалар орқали амалга ошириш мумкин. Биринчи босқичда тушунчани аниқлашга қаратилган барча фикрлар тахлил қилинади ва бир-бирига тегишли бўлган умумий хусусиятлар аниқланади. Бу хусусиятлар ажратиб олиниб, умумий тушунчага якуний таъриф берилади. Иккинчи босқичда эса ҳамма фикрлар умумлаштирилади.

Масалан, ўқув дастурдаги “Жамият ҳаётининг маънавий соҳаси” мавзусини ёритиш жараёнида энг аввало, “маънавият” тушунчасига таъриф бериш лозим.

Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички дунёси, рухий кечинмалари, аклий қобилияти, идрокини мужассамлантирувчи тушунча бўлиб, инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. У муайян иктиносидий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият ижобий туйғу ва тушунчалар билан бойиб борса, жамият равнақ эта боради ва аксинча, маънавият қашшоклашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади.

Соглом маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. Маънавият – инсон рухий ва аклий оламининг мажмуи. Маънавият (арабча “маънавият” – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, хукукий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, маънавият кенг тушунча бўлиб, унинг турли таърифлари мавжуд. Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” деб номланган асарида: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, – деб таъриф берганлар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча қиралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Бу усул тушунчалар билан ишлаш аппаратини тизимлаштиради ҳамда битта тушунчага бериладиган турли изоҳлар такорига чек

кўяди. Ушбу усул “Шахс ва жамият” ўқув фанига доир фалсафий тушунчалар билан ишлаш жараёнида уларни бир-биридан ажратиб олишга ёрдам беради.

Этимологик усул. Ушбу усул тушунчаларнинг келиб чикиши ва бирламчи мазмунини аниқлашга қаратилган. Тушунчалар аппарати узоқ ривожланиш йўлига эга бўлган “жонли” тизимдир. У доимо янгиланиб ва ўзгариб туради. Кўп ҳолларда тушунчаларга берилган замонавий таърифлар бошлангич таърифлардан тубдан фарқ қиласи. Шунинг учун тушунчалар аввал қандай мазмунга эга эканлиги ва у тараққиёт жараёнида қандай маъно ва мазмунга эга бўлганлигини аниқлаш муҳим ўрин эгаллайди. Айнан бунга этимологик усул ёрдам беради.

“Этимологик” жадвал

(“Шахс ва жамият” ўқув дастуридаги “Хозирги жамиятлар – жаҳоний тизим” мавзуси мисолида)

Тушунчалар	Тушунчалар этимологияси	Қайси тилдан олинган	Ўзбек тилидаги лугавий маъноси
Цивилизация	У ёки бу мамлакат, мамлакатлар гурухи ёки ҳалклар ўз тараққиётининг муайян босқичида эришган моддий ва маънавий маданиятнинг ўзига хослиги, уларнинг кайтарилмаслиги, сифатий холати	Лотин тилидан олинган бўлиб, <i>civilis</i> – давлатга, фуқаровий-ликка хослик, фуқарога монандликни билдиради	Тараққиёт, ривожланиш
Технократизм	Техник мутахассисларнинг илмий билимига асосланган, бутун жамиятнинг манфаатларини химоя килувчи сиёсий ҳокимиётнинг ўрнатилиши хақидаги	Юнон тилидан олинган бўлиб, техника – санъат, кратос – ҳокимиёт деган маънони англатади	Ҳокимиётга алоқадор бўлиб, хукмдор элитани ташкил этиш

Эркин танлаш усули. Ушбу усулда ўқитувчи ўкувчиларга тушунчаларга бериладиган фақат битта таъриф билан чегараланиб қолмайди. У ўкувчиларга тушунчаларга тегишли бир неча фикрни тавсия килади, уларнинг ижобий ва салбий томонлариға алоҳида тұхталағы.

Масалан, ўкув дастуридаги “Буюк шахс: асосий тавсифлар” мавзусини олайлик. Ушбу мавзуда Ўзбекистон тарихида Зардунштдан Ислом Каримовгача бўлган шахслар фаолиятининг алоҳида жиҳатларига ҳамда фаолиятидаги асосий тавсифларга тұхтаб ўтилади. Ўкувчилар буюк шахслар фаолиятидаги асосий тавсифларни эркин танлайдилар.

Ушбу усулнинг ижобий томони шундаки, тушунчалар турли ёндашувлар ва қарашлар орқали ёритилади. Ўқитувчи битта тушунчага берилган таъриф билан чегараланиб қолмайди. Барча қарашлар ва ёндашувлар бир хил нұқтаи назарда кўздан кечириллади. Ўкувчиларга ушбу тушунчаларга берилган таърифлардан ўзларига маъқул келадиганини эркин танлаш хукуки берилади.

Аммо бу усулнинг ҳам ўзига хос салбий томонлари мавжуд. Унда жамиятшунослик ва жамиятшунослик назариясидаги ягона тушунчалар аппарати мавжуд бўлмайди. Бу усулда ўкувчилар ўкув материалини тўлиқ ўзлаштира олмайди. Мавзу бўйича алоҳида тушунчаларга тұхталиб ўтилмаса, улар фақат умумий тасаввурга эга бўлади, холос.

Ягона нұқтаи назарга эга бўлиш усули. Бу “эркин танлаш” усулнига қарама-қарши усулдир. Бунда ўқитувчи фақат тушунчаларга бериладиган ягона таъриф билан чегараланиб қолади ва ягона нұқтаи назар хукмронлик қиласи.

Бир томондан, ушбу усул ягона тушунчалар аппаратининг пайдо бўлишига ёрдам берса, бошқа томондан, турли қарашлар ва ёндашувларга тўсиқ бўлади ва фақат битта фикрнинг муқаррарлигига олиб келади.

“Синквейн” усулидан фойдаланилган ҳолда ўкув фанидаги “Ахборотлашган жамият” мавзусини шу жиҳатдан кўриб чиқайлик (2.4-илова).

Үқитувчи ўкувчиларни “Синквейн” усули коидалари билан таништиради. Дарс якунида ўкувчиларнинг билимларини назорат қилиш мақсадида, “Ахборотлашган жамият” деганда нимани тушунасиз? – саволи билан мурожаат қиласи. Мантикий тамойилларга асосланган ҳолда ушбу тушунчага таъриф беришни вазифа қилиб беради.

“Синквейн” жадвали

Ахборотлашган жамият	
Тушунча бир сўз билан ифодаланади (одатда от танланади)	Тарақкиёт
Тушунча иккита сифат билан ифодаланади (иккита сифат ёзилади)	Ақлий меҳнат, билим олиш
Тушунча учта сўз билан ифодаланади (учта феъл ёки равишдош ёзилади)	Ахборотнинг устунлиги, фан техника тарақкиёти ютуклари, ишлаб чиқариш
Тўртта сўздан ортиқ фикр ёзилади	Бу кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айникса, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, саклаш, қайта ишлаш, керакли манбаларга узатиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жамиятдир
Тушунчага оид синоним сўзлар ёзилади	Фуқаролик жамияти, интеллектуал жамият, индустрialiал жамият, постиндустриал жамият, компьютер аспи ва бошқалар

Кўринадики, юқорида қайд этилган иккала усул ҳам ўзаро бир-бирига қарама-қарши бўлиб, уларнинг салбий томонлари ижобий томонларига нисбатан кўпроқдир. Шунинг учун тушунчаларга таъриф бериш жараёни нихоясида барча фикрларни умумаштирган ҳолда ягона таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

“Мазмунан бир-бирига кўшилиб кетган тушунчалар” усули. Бу усулда мазмунан бир-бирига кўшилиб кетган

тушунчаларнинг хусусиятларига кўра ноаниқ тушунчаларга кўпроқ ётибор қаратилади. Бу тушунчалар ҳам у ёки бу ҳолатда бир-бирига қўшилиб кетади. Бу жараён ўзаро мазмунан бир-бирига ўтишга кўмак беради. Ўзининг қўлланишига кўра мазмунан бир-бирига қўшилиб кетган тушунчалар эркинроқ бўлади.

Масалан, ўкув дастурининг “Моҳир инсон – индивид” мавзусидаги “индивид”, “индивидуаллик” ва “шахс” тушунчаларини олайлик. “Индивид” тушунчаси ҳар хил талқин этилади. Жумладан, уни айрим олимлар конкрет инсон келиб чиққанидан бошлаб бутун ҳаёти давомида бетакрор жиҳатларига кўра индивид сифатида намоён бўлади, деб талқин қилишса, бошқалар индивид сифатида инсоннинг жисмоний мавжудлигини таъминлашни биринчи ўринга кўяди. Уруг жамоасининг емирилиши билан ижтимоий меҳнат тақсимоти инсон ривожланишида индивиддан юксак бўлган янги босқич келиб чиқишини таъминлади. Лекин бунда индивидга тегишли жиҳатлар йўқолиб кетмайди, балки унда индивидуаллик кўринишлари сақланиб қолади. Ҳар бир инсон ҳаёти ва фаолияти соҳасида ўзига хос аниқ ҳатти-ҳаракати, малакаси, лаёқати, одати каби индивидуал хусусиятларга эга бўлади. Индивид жамиятда шахсга айланади. Истаган инсон шахс бўла олмайди. Лекин ҳар қандай шахс – бу инсондир. Бу учала тушунчалар мазмунан бир-бирига қўшилиб кетган бўлиб, инсоннинг шахс сифатидаги мақоми ҳақида фикр юритилган.

Юкорида таъкидланганидек, тушунчалар доимо ўзгариб туради, давр ўтиши билан мазмунан янгиланади. Тушунчаларнинг кандайдир хусусиятлари ўзгариб, янги хусусиятлари пайдо бўлади. Шу усулга кўра эски тушунчалар ўрнига янгисидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу усулнинг салбий томони шундаки, тушунчалар мазмун жиҳатидан бир-бирига қўшилиб кетади. Бир хил тушунчаларга турли муаллифлар томонидан турлича ёндашилади.

Дедуктив усул. Ушбу усулнинг алоҳида хусусияти шундаки, ҳаракат умумийликдан хусусийликка, абстракт тушунча ва категориялардан аниқ ва равshan тушунчаларга ўтади. Биринчи навбатда умумий ва абстракт хусусиятларга эга бўлган тушунча ва категориялар ўзлаштирилади, сўнгра эса улардан аниқ ва равshan тушунчалар ажратиб олинади.

Масалан, “Тарихий-маънавий қадриятларнинг хозирги шароитдаги аҳамияти тўғрисида” мавзусидаги “маданий мерос” ва “маънавий мерос” тушунчаларига тўхталиб ўтайлик. Маданий меросда кўпроқ умумийлик устунлик килса, маънавий меросда хусусийлик етакчилик қиласди. Маданий мерос умуман маданият ютукларини ўз ичига қамраб олса, маънавий мерос маънавий маданият ютукларини ўз ичига қамраб олиши билан фарқланади. Маданий ва маънавий мерос ўзаро бир-биридан фарқ қилас-да, уларнинг ўртасига ўтиб бўлмас «хитой» деворини қўйиш ҳам мумкин эмас. Маданий меросни барпо этишнинг замирида ҳам маънавият – яъни инсоннинг маънавий-руҳий билимлари, кобилияти, истеъоди, ақли, эмпирик ва назарий билим тажрибалари, меҳнат малакаси каби бошқа маънавий фаолиятлари ётади. Маданий ва маънавий мерос ўртасида умумийлик ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айни пайтда улар ўртасида юқорида айтилган алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро муносабат, таъсир бор.

Баъзи бир ҳолларда ушбу усуслардан якка ҳолда ҳам фойдаланилади. Шунинг учун ҳам дедуктив усул ўкув жараёнининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда танланади.

Ўқитувчи фалсафий тушунчалар билан ишлаш жараённида тушунчаларни ажратиши, улар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, этимологиясини ва алоҳида хусусиятларини аниқлаш, тушунчалар билан ишлаш жараённида қандай методлардан фойдаланиш ҳамда назорат турларини белгилашга алоҳида эътибор қаратмоги лозим.

Фалсафий тушунчаларни ўрганишда, аввало, ушбу тушунчаларга тегишли бўлган илмий ва методик адабиётлар, хуқукий-меъёрий хужжатлар билан танишиб чиқиш лозим. Бунда жамият тараққиётининг ривожланиш жараёни ҳам назарда тутилади.

Таълим методларини таснифлаш бўйича қатор муаллифларнинг фикрига кўра, таълим жараённида битта методга қараганда бир неча усуслардан фойдаланиш, яъни ўқитувчи томонидан билимларни баён қилиш, манбалар, дарсликлар, ўкув қўлланмалар билан ишлаш, ёзма ишлар кўпроқ самара бериши шубҳасиз.

Педагог ва психолог олимларнинг сўнгги йиллардаги назарий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, билимларни ўзлаштириш ва ўкув методлари уч даражада амалга оширилади: ўкув материалиини аниқравшан ҳамда онгли равишда эслаб қолиш ва қабул қилиш

даражаси; билимлар ва ўкув фаолияти методларини намунашви ёки ўхшаш вазиятларда кўллаш даражаси; билимлар ва ўкув фаолияти методларини ижодий кўллаш даражаси.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар “Шахс ва жамият” ўкув фанига доир тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида кўргазмали тушунтириш, репродуктив, муаммоли вазиятлар, эвристик (изланиш), тадқиқот методлари ижобий самара беришини кўрсатди.

Кўргазмали тушунтириш методида ўқитувчи тайёр материални кўргазмали воситалар орқали тақдим этади. Ўкувчилар эса уларни ўз хотираларида эслаб қолиш орқали сақлайдилар. Аммо бу методда ўкувчиларнинг билимларни ўзлаштириши билан боғлиқ кўнишка ва малакалари ҳосил бўлмайди.

Ўкувчиларнинг кўнишка ва малакаларини шакллантиришда репродуктив метод мухим ўрин эгаллайди. Унинг асосий мақсади ўқитувчи томонидан берилган вазифалар асосида фаолият воситаларини такрорлашдан иборат. Бу жараёнда ўқитувчи таълим технологияларини яратиши, ўкувчилар эса кўрсатилган вазифаларни бажариши лозим.

Муаммоли методнинг асосий мақсади ўкувчилар олдига муаммо кўйиш ва унинг ечимини топишга қаратилган. Ушбу методнинг асосий вазифаси муаммоларни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилишга йўналтирилишидир. Шу жараёнда муаммоларнинг мантиқий ечимини топиш орқали ўкувчиларнинг илмий тафаккури шаклланади.

Муаммоларнинг мустақил ечимида эвристик ёки қидирав методи алоҳида ўрин тутади. Ўқитувчи муаммоларни ажратиб кўрсатади, ўкувчилар эса уларнинг ечимини топадилар.

Тадқиқот методи билим олишда ижодий ёндашишни тақозо этади. Натижада ўкувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти шаклланади. Кейс-стади ва ўкув лойиҳалар бунга мисол бўла олади.

XX асрнинг 60-йилларида дидактик ўйинлардан таълим методи сифатида кенг миқёсда фойдалана бошланди. Баъзи бир олимлар уларни таълим жараёнининг амалий методлари, баъзилари эса таълим бериш жараёнининг асосий гурухи деб ҳисоблашди. Дидактик ўйинларни таълим методининг асосий қисми деб қарайдиган бўлсак, биринчидан, кўргазмали, оғзаки ва амалий

методлардан холи равишда амалга оширилади, иккинчидан эса, улар ўзига хос хусусиятларга эга.

Дидактик ўйинлар – ўрганилаётган бўлим, воқеа ва ходисаларга қаратилган фаол ўкув фаолиятидир. Дидактик ўйинларнинг бошқа таълим фаолиятларидан фарқи шундаки, унинг асосида инсон фаолияти туради. Дидактик ўйинларда ўйин характеристига эга бўлган ва кейинчалик ўйинли дарсларга айланган ўкув фаолияти мухим ўрин эгаллади. Дидактик ўйин – ҳар бир иштирокчининг ёки гурухнинг топширилган вазифани бажаришга қаратилган жамоавий ҳамда мақсадга йўналтирилган ўкув фаолиятидир. Таълим жараённида ташкил қилинган ўйинларни ўкув ўйинлари дейиш мумкин. Унинг асосий хусусиятлари қуидагилардан иборат: аниқ мақсадга қаратилган ўкув фаолияти; ўйин иштирокчиларининг ҳамкорликдаги фаолияти; ўйин қоидалари; ҳар қандай шароитда қарорларни қабул қилиш; қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги.

Тушунчаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик ўйинлар тизими – ўқитиш методининг мухим шаклидир. Ўйинли ўкув фаолияти алоҳида хусусиятга эга: бу жараёнда ўкувчиларнинг билиш фаолияти ўзаро ҳаракатда амалга оширилади, яъни маълумотлар ташқаридан эмас, балки ўкув фаолиятининг ички маҳсулси сифатида намоён бўлади. Ўйинлар орқали ўкувчилар янги билимларни ҳамкорликда ўзлаштиради.

Ўкув ўйинларидан фойдаланиш ўкувчиларнинг мустақил мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ва билимининг пухта бўлишига замин яратади. Уларни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга 2-6 ўкувчига мўлжалланган ўйинлар: муаммоли вазиятларни таҳжил қилиш, “Пинборд”, “ФСМУ”, “Синквейн” ва “Фикрлар хужуми” каби методлардан фойдаланилган ҳолда кичик гурухларда ишлаш кабиларни киритиш мумкин. Иккинчи гурухга эса ўкувчиларнинг дарслаги иштирокини талаб этувчи танловлар, ролли ўйинлар киради.

“Шахс ва жамият” фанида лойиҳалаштириш методи – тугалланган ўкув мавзуси ёки ўкув бўлимини ўрганишга қаратилган ишнинг ташкилий шаклидир. Ушбу лойиҳада мавзуга тегишли бўлган бирор муаммони ечишда ўкувчиларнинг тадқиқотчилик ва ижодий фаолияти билан биргаликда умумий мақсадга қаратилган усувлар ҳамда фаолият методлари мухим аҳамият касб этади.

Лойиҳалаштириш методи – дарс жараёнининг шакли, бунда ўкувчи белгиланган мақсадга эришиш учун ижодий кўрсаткични кўлга киритишга ҳамда академик билимлар ва прагматик маҳоратлар бирлашишини, ўкув ва иш жараёнини биргаликда режалаштиришни назарда тутади, якуний тақдимотларда ўз нуқтаи назарини химоя қилиш имконига эга бўлади. Лойиҳани яратишида утагача ўкувчи қатнашиши мумкин.

М.Ф.Колесникованинг фикрича, лойиҳалаштириш методи кўйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради:

1. Таълим моделининг конструктив методи.

2. Ҳаётий вазиятлардан келиб чиқкан ҳолда муаммони ечишга ургу бериш.

Лойиҳалаштириш методларининг мақсадлари:

1. Конструктив таълим концепциясини ҳаётга татбиқ қилиш.

2. Амалиёт билан назарияни яқинлаштириши.

3. Ўкувчиларнинг фан бўйича, услубий ва ижтимоий билимларини текшириш.

4. Ўкувчига лойиҳалаштириш методини амалиётта татбиқ этиши учун эркин ижодий имкониятни яратиш.

Дарс тузилмаси қўйидагилардан иборатdir: ўқитувчи томонидан аниқ мақсадни белгилаш; мавзуни танлаш; ўкувчилар томонидан маълумотларни мустақил йифиши; баҳолаш мезони, кўрсаткичлари ва якуний натижага шаклини аниқлаш; гурӯҳ ичидаги координаторни танлаш; ўқитувчи билан маслаҳатлашиш; гипотезаларни шакллантириш ва муҳокама қилиш; гипотезаларни исботлаш ва муҳокама қилиш; мантикий йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш; умумий йиғилишда лойиҳа якунини тақдим этиш; лойиҳа қатнашчиларининг бажарган ишлари ҳақидаги ҳисоботи. Ҳар бир гурӯҳ аъзоси қоида бўйича бир хил баҳоланади.

Лойиҳалаштириш методи орқали ўкувчиларнинг билимлари ва қўнималари ривожланади: билимларни мустақил шакллантиришга ёрдам беради, ахборотлар оламидан унумли фойдалана олишга имкон яратади, ижодий ва танқидий тафаккурни шакллантиради. Бу муаммонинг ҳар бир элементи амалий натижаларни инобатга олган ҳолда дидактик мақсадга эришиш методидир. Лойиҳалаштириш методи доимо қандайдир муаммонинг ечимини топишни тахмин киласди. Муаммони ечиш, бир томондан, турли таълим воситалари, методларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда фойдаланишни,

иккинчи томондан эса, билим ва кўникмаларнинг интеграциялашуви заруриятини, яъни билимларни фан, техника, технология ва ижодий жабхаларидан олишни тақозо этади. Лойиҳалаштириш методи билиш жараёни учун муҳим туртқидир.

Лойиҳалаштириш методини амалга оширишда кўйидагиларга ёзтибор қаратилса мақсаддага мувофиқ бўлади:

1. Шахсий қизиқишилари ва қобилияtlарини инобатга олган ҳолда лойиҳа мавзусини эркин танлашни амалга ошириш.

2. Иш жараёнини тўғри режалаштириш ва амалда татбиқ қилишни ўргатиш.

3. “Шахс ва жамият” ўкув фанида фалсафий тушунчаларни мустақил таҳлил қилишни ўргатиш.

4. Маълумотларни олиш, йигиш ва тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

5. Ўзининг билим ва кўникмаларидан фойдаланиш.

6. Ўз нуқтаи назарини мустаҳкамлаш.

Бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш педагогик инновациядаги катта тажрибаларни умумлаштиришини ва тизимлаштиришни талаб қиласди. Ушбу муаммоларни ҳал этишнинг бирдан бир йўли таълимда ҳам технологик ёндашувдир. Айнан “Кейс-стади” технологиялари таълим самарадорлигига эришишнинг муҳим омили бўлиб, ўқитиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Улар амалий ҳолатларни ечиш, амалий вазиятни таҳлил қилишга мўлжалланган ҳамда ўқувчиларни муаммони аниқлаш ва уни мақсаддага мувофиқ, тўғри варианtlарини кидиришга йўналтирувчи, ташкилий ҳаётда вужудга келадиган муаммоларни акс эттирувчи ясама (сунъий) вазиятга асосланади.

Кейс-стади (ингл. case-йигма, аниқ, амалий ҳолат, стади – ўкув) ўкув усули бўлиб, у шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахслар ҳаётидан олинган реал вазиятдир. Кейснинг асосини муаммоли вазият ташкил этади. Унда тавсифланган аниқ муаммоли вазият ўрганишини воқеликка боғлаб кўяди, муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш, тахминларни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча маълумотни йиғиш, тахминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойиҳалаштириш имконини беради.

Кейснинг ўкув фанидаги ўрни ва муаммо турини аниқлаш ҳамда таълимий мақсадини шакллантириш “Кейс-стади” технологиясининг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқсан

холда, кейсни амалга ошириш жараёнида ўкувчи мавзу юзасидан маълум билим ва кўникмаларга эга бўлиши; мавзуни мустақил ўрганиши; муаммонинг моҳиятини аниқлаштириши; гояларни илгари сурини; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чикиб, мустақил қарор қабул килиши; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқариши; ўкув маълумотлари билан мустақил инициали; маълумотларни таққослаши, таҳлил қилиши ва умумлаштириши, шунингдек, коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги фаолият кўникмаларига; муаммоли ҳолатларни таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлмоғи керак.

Муаммоли вазиятни амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва унинг ечимини топиш жараёнида кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади: ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш; муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурӯҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни кайта топшириш; мантиқий фикрлашни ривожлантириш; мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш; ўкув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

Кейснинг таркиби тузилмаси ташкилий ва ахборот таъминотидан иборат бўлиб, ташкилий таъминотда, асосан, вазият тавсифи, муаммо, масалалар, масалаларни ҳал этиш йўллари, масалаларни ҳал этиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар ҳамда вазиятни таҳлил қилиш схемаси ташкил этади. Ахборот таъминотини эса асосий ва қўшимча ахборот методик хужжатлар ташкил этади. Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти ҳар хил ҳажмда бўлиши (бир варакдан бир неча юз варакқача), таҳлил этиш учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида деталлаштириш даражаси ҳам турлича бўлиши, ахборот кўплиги даражаси ҳам ўзгариши мумкин бўлган таҳлилга алоқаси йўқ маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

“Кейс стади” технологиясини қатор ижтимоий гуманитар фанлар билан бир қаторда “Шахс ва жамият” фанида ҳам кўллаш яхши самара беради. Айнан ушбу технология ўкувчиларда “Шахс ва жамият” фанига оид фалсафий тушунчаларни шакллантириша уларни курсаб турган ижтимоий воқееликнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштирок этиш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Амалий вазиятни босқичма босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўкувчиларга ушбу методик кўрсатма, албатта, кейс билан ишлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллади.

2.3. Фалсафий тушунчаларни шакллантириш амалиёти

Ибн Сино тажрибалар ўтказиш ақл билан чиқарилган хулосаларнинг чинлигини тасдиқлаш учун зарурдир, деган фикрни илгари суради³². Бошқа билимлар сингари жамиятшунослик билимларининг қарор топишида ҳам, ҳақиқат мезонини аниқлашда ҳам ақлий билиш устувор ўрин эгаллади. Берунийнинг фикрича, “Хеч қандай моддий ёки маънавий омил тажрибанинг илм-фан соҳасидаги асосий мезонлик вазифасини бажара олмайди”. Шунинг учун ҳам у мантикан тўғри бўлиб кўрилган нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимлар “аслида синов ҳамда тажрибада аниқланиши лозимдир”, деган талабни илгари суриши ва унга ўзи изчил амал қилганилиги, бу билан эса ҳозирги замон фани олдига қўйиладиган мезонларга риоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари, табиатшунослик фанлари асосларини яратиб беришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди³³.

Тадқиқот ишларининг дастлабки босқичида тарихий, фалсафий, лингвистик, монографик, илмий, оммабоп, педагогик, психологик, дидактический, методик адабиётлар, диссертациялар танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Таълим технологияси бўйича вақтли матбуот, даврий нашрлар, устоз ўқитувчилар педагогик иш тажрибалари билан танишиб чиқилди. Бунда, Фаргона нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ҳамда Қарши педагогика коллеки “Шахс ва жамият” ўкув фани ўқитувчиларининг иш тажрибалари қиёсий ўрганилиб, ўкув жараёни кузатилди. Натижада ўқитувчилар ва ўкувчилар билан ўтказилган сўровномалар таҳлили шуни кўрсатдики, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчилари онгига “Шахс ва жамият” фанига оид фалсафий тушунчаларни шакллантиришда катор қийинчиликлар мавжудлиги аниқланди. Ҳатто “Шахс ва жамият” фани ўқитувчиларига бир неча тушунчаларнинг номларини тавсия этиб, уларнинг луғавий

³² Дунёвийлик фалсафаси. Маколалар тўплами. – Т.: «Чўлпон», 2007. – 160 б.

³³ Ўша ерда.

маъноларини тушунтириб беришларини сўраганимизда, ижобий жавоблар сони 32% ни, ўқувчиларнинг жавоби эса бор-йўғи 17% ни ташкил этди. Ваҳоланки, “Шахс ва жамият” фанидан давлат таълим стандартларида хар бир ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси ўқувчиши стандартда тақдим этилган тушунчаларни билиши шартлиги қайд қилинганд.

Ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш методикасини ўқув амалиётига татбиқ этиш ва унинг самарадорлигини аниклаш мақсадида дастлаб ўқувчиларнинг жамиятшунослик билимларини қанчалик ўзлаштирганлиги, жамиятшунослик билимларга қизиқиши, уларда тушунчаларни шакллантиришнинг методик шарт-шароитлари аниқланди:

1. Фалсафий тушунчалар, фактлар тизими билан ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб, уларнинг изчиллиги ва мантикий баёнини белгилашда куйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- ўқувчилар янги материални ўзлаштириши ва уни онгли равишда англаб етишида қандай тушунча ва билимларга таяна оладилар;

- ушбу материал уларнинг фалсафий тушунчалар соҳасидаги билими ва илмий дунёкарашини қандай янги маълумотлар билан бойитади.

2. Фалсафий тушунчаларнинг маъносини очиб бериш устида муваффакиятли иш олиб бориш шартларидан бири ҳар бир тушунчага хос хусусиятлар, яъни тарихий, ижтимоий, сиёсий жараёнларнинг жўшқинлиги ва ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, улар устидан турфа характердаги усул ва воситалар кўллаш билан характерланади.

3. Ўқувчиларнинг тушунчалар юзасидан назарий умумлашма хуносалар чиқаришига ўзаро боғлиқ фактларни ўзлаштиришлари кенг имкон беради.

4. Фалсафий тушунчалардан тўғри фойдаланиш ва кўчма маънода ҳам ишлатиш кўнижмасини шакллантириш учун луғат билан мунтазам равишда иш олиб бориш даркор.

5. Ўрганилаётган тушунча мантиғидаги фактларни тизимлаштириш ва умумлаштириш тушунчаларни мувафаққиятли шакллантиришнинг муҳим шартларидандир.

6. Табақалаштирилган (дифференциал) ёндашув асосида фалсафий тушунчаларга оид амалий топширикларни бажаришда

турли тайёргарликка эга ўкувчиларнинг ҳар бирида мавжуд ўкув имкониятлари хисобга олиниши зарур.

7. Тушунчаларни шакллантиришнинг муҳим шароитларидан бири – тасаввурлар ва типик образларни доимий хисобга олишдан иборат. Зеро, ҳар хил ҳужжатлар, мемуарлар, бадиий, илмий, сиёсий адабиётлар, экскурсиялар ўрганилаётган давр хақида кенг тасаввур бериш билан дарс материалини конкретлаширади.

Монография мавзуси юзасидан олиб борган изланишларимиз давомида ўқитувчилар ва ўкувчилар билан оғзаки ва ёзма сўровномалар ўtkазилди.

Ўқитувчилар учун сўровнома

1. Юртимизнинг сиёсий-иқтисодий салоҳияти ортиб бориши билан ўқувчиларда жамиятшуносликка оид билим ва тушунчаларни шакллантириш зарур деб ўйлайсизми?
 - А. Ҳа.
 - Б. Йўк.
 - С. Узлуксиз таълимнинг кейинги поғоналарида шакллантириш лозим.
 - Д. Билмадим.
2. Ўзингиз жамиятшуносликка оид билимларингизни кенгайтиришга ҳаракат қиласизми?
 - А. Албатта.
 - Б. Йўк, бу борада билимларим етарли.
 - С. Мальум маънода.
 - Д. Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман.
3. Билим деганда нимани тушунасиз?
 - А. Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари.
 - Б. Вокеликнинг инсон тафаккурида акс этиши.
 - С. Ўкиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган малака.
 - Д. Барча жавоблар тўғри.
4. Тушунчалар деганда нимани тушунасиз?
 - А. Тушунчалар предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли.
 - Б. Тушунчалар нарса-ҳодисанинг энг муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган умумий тасаввур.
 - С. Тушунчалар ўқув материалининг энг муҳим дидактик бирлиги.
 - Д. Барча жавоблар тўғри.
5. “Шахс ва жамият” фанига доир тушунчалар билан ишлаш жараёнида қандай қийинчликларга дуч келдингиз?
 - А. Тушунчаларнинг моҳиятини бир-биридан фарқлай олмайман.
 - Б. Тушунчаларнинг этимологиясини аниклашда қийналаман.
 - С. Тушунчалар билан ишлашда қийналаман.
 - Д. Ҳеч қандай қийинчликларга дуч келмадим.
6. Инновацион усуслар моҳиятини қандай тушунасиз?

А. Таълим-тарбия жараёнининг самарали кечишини таъминлайди.

В. Илгор педагогик тажрибага асосланади.

С. Бу ҳақда тушунчага эга эмасман.

Д. Ўкувчиларнинг мустақил ишлашлари учун замин яратади.

7. “Шахс ва жамият” фани бўйича ўкувчиларнинг тушунчаларини шакллантириш жараёнида инновацион усуllibардан фойдаланасизми?

А. Ҳа.

В. Бу борада методик қўлланмалар етарли бўлмаганини сабабли доимо муаммоларга дуч келаман.

С. Қайси метод самарали эканлигини билмайман.

Д. Йўқ.

8. Ўкувчиларда инновацион усуllibар орқали тушунчаларни шакллантиришда Сизга методик кўрсатма сифатида нималар ёрдам беради?

А. Дарслик ва ўкув қўлланмалар.

В. Методик қўлланмалар.

С. Методик қўлланмалар етишмайди.

Д. Турли адабиёт ва интернет материаллари.

9. “Шахс ва жамият” фани юзасидан ўкувчиларнинг фалсафий тушунчаларини шакллантиришда қандай инновацион усуllibардан кўпроқ фойдаланасиз?

А. График ташкил этувчилар (“Нима учун?”, “Балиқ скелети”, “Қандай?”, “Каскад?” ва ҳ.к.).

В. Мавзуга қараб танлайман.

С. Фикрлар хужуми, инсерт, блиц-сўров ва ҳ.к.

Д. Ҳеч қандай инновацион усуllibардан фойдаланмайман.

10. Тушунчаларни шакллантиришда қандай таълим турлари ўз самарасини беради?

А. Ахборотни ёзма равишда узатганда.

Б. Ахборотни оғзаки равишда узатганда.

С. Маълумотлар кўргазмали тақдим этилганда.

Д. Ҳамкорликда ўқиши ташкил этиш усул ва воситалари ёрдамида.

Ўкувчилар учун сўрвнома

1. Тушунчалар деганда нимани тушунасиз?

А. Тушунчалар предмет ва ходисаларнинг умумий, мухим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли.

В. Илмий фикрлаш маҳсули.

С. Тушунчалар нарса-ходисанинг энг муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган умумий тасаввур.

Д. Бу тўғрида ўйлаб кўрмаганман.

2. “Шахс ва жамият” фанига доир фалсафий тушунчаларни ўзлаштиришда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

А. Тушунчаларни қийналмасдан ўзлаштирудим.

Б. Тушунчаларни бир-биридан фарқлай олмадим.

С. Хотирам кучли.

Д. Тушунчаларга деярли эътибор бермадим.

3. “Шахс ва жамият” фанини ўрганиш жараёнида қайси тушунчалар Сиз учун қийинроқ бўлди ва нима учун?

.....

.....

.....

.....

4. “Шахс ва жамият” фанини ўрганиш жараёнида қайси тушунчалар Сиз учун осонроқ бўлди ва нима учун?

.....

.....

.....

.....

5. “Шахс ва жамият” фанини ўрганиш жараёнида қайси тушунчалар Сиз учун қизиқроқ бўлди ва нима учун?

.....

.....

.....

.....

6. “Шахс ва жамият” фанини ўрганиш жараёнида қайси тушунчалар Сиз учун зерикарли бўлди ва нима учун?

.....

.....

.....

.....

7. “Шахс ва жамият” фани мавзуларини ўзлаштиришда Сизга қандай усул ва воситалар кўпроқ ёрдам берди?

А. Инсерт, пинборд ва синквейн технологияси.

Б. Кластер, категориал жадвал, концептуал жадвал, Б.Б., SWOT жадвали ва х.к.

- C. "Нима учун?", "Балиқ скелети?", "Қандай?", "Каскад" ва х.к.
D. Ушбу усул ва воситалар ҳеч қандай ахамиятта эга эмас.
8. Жамиятшуносликка оид билимларни қандай ошириш мүмкін?

- A. Мавзу ва тушунчаларни ўзлаштириш орқали.
B. Мустақил ишлаш орқали.
C. Дарсларда инновацион усулларни кўллаш орқали.
D. Барча жавоблар тўғри.
9. "Шахс ва жамият" фанига доир фалсафий тушунчаларни ўрганиш жараёнида....

- A. Тушунчаларнинг моҳиятини қийналмасдан англай олдим.
B. Мантикий фикрлай бошладим.
C. Мавзуларни умуман тушунмадим.
D. Дунёқарашим кенгайиб, янги билимларга эга бўлдим.
10. Тушунчаларни ўзлаштириш қийин бўлганда,...
A. Интернетга мурожаат қиласман.
B. Атамаларга ёътибор беришга ҳаракат қиласман.
C. Дарслардан фойдаланаман.
D. Ўқитувчим конспекти ва ишчи дафтарга таянаман.

Маълумки, маърифатли (комил) инсон: 1) дунёвий илмларни эгаллаш; 2) ижтимоий муҳит талаблари асосида шаклланган ахлоқ нормаларига изчил риоя қилиш; 3) эзгулик (гуманизм) руҳида тарбия топган бўлиши шарт қилиб қўйилади.

Шунингдек, дунёвийлик тушунчаси: 1) инсониятнинг узок тарихий тараққиёти давомида орттирилган тажриба ва малакалар; 2) мантиқ конунлари ва талабларига жавоб бера оладиган; 3) тажрибада ўз тасдигини топган билимлар инсониятнинг муштарак манфаатлари томон йўналтирилиб, системалаштирилган мажмуасига айтилади³⁴.

Умуман, ҳар қандай билим фан даражасига кўтарилиши учун тўрт талабга жавоб бера оладиган бўлиши керак.

Биринчидан, билимлар муайян соҳалар бўйича системалашган бўлиши керак;

Иккинчидан, воқеликнинг муайян томонларини аниқ акс эттирувчи тушунча ва категориялар қатъий белгиланган терминлар билан ифода этилиши зарур;

Учинчидан, мантиқ қонун ва қоидаларига зид келмаслиги талаб қилинади.

³⁴ Дунёвийлик фалсафаси. Маколалар тўплами. – Т.: «Чўлпон», 2007. – 160 б.

Тўртничидаи, тажриба майдонларида ўтказилган эксперимент синовларида тасдиқланган бўлиши керак деб ҳисобланади³⁵.

Тажриба-синов ишларида Фаргона нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ҳамда Қарши педагогика колледжларида жами 10 та гурухдан 178 та ўкувчи иштирок этди (Фаргона нефть ва газ саноати касб-хунар колледжида 4 та гурух, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида 4 та гурух ҳамда Қарши педагогика колледжида 2 та гурух). Шундан бешта гурух (88 нафар ўкувчи) тажриба гурухи сифатида танланиб, уларда ўқитиш жараёни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилди, бешта гурух (90 нафар ўкувчи) назорат гурухи сифатида танлаб олиниб, уларда анъанавий усулда ўқитиш ташкил этилди.

“Шахс ва жамият” ўкув фани самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари таълим мазмунини янада такомиллаштирган ҳолда ўкувчиларга бу фан асосларидан чукур ва мустаҳкам билим бериш, уларни шу билимларни амалий кўллаш маҳорати билан қуроллантириш, ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш, фанлараро алокани яхши йўлга кўйиш, илмий дунёқарашни шакллантириш билан бевосита боғлиқ эканлиги синов даврида аникланди.

Ушбу ўкув фанини ўқитиш жараёнига таъсир қилувчи баъзи муаммолар ҳам мавжуд эканлиги аникланди. Жумладан, ўрта умумтаълим, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларида ушбу фанга ихтисослашган ўқитувчиларнинг етишмаслиги, “жамиятшунослик ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича талабалар тайёрлаш ҳажмининг қисқартирилгани, баъзи олий педагогик ўкув юртларида умуман тўхтатилгани маълум бўлди.

Шунинг учун кўпгина ўрта маҳсус ва касб-хунар муассасаларида ушбу фанни асосан тарихчилар ўқитмоқдалар. Лекин бундай ихтисосдаги ўқитувчиларнинг етишмаслиги сабабли дарс беришга кўп ҳолларда бошқа мутахассислик ўқитувчилари ҳам жалб қилинмоқда. Улар эса ўзлари истамаганликлари учун эмас, балки объектив равища “Шахс ва жамият” фани бўйича тайёргарлиги бўлмагани боис етарли даражада дарс ўта олмайдилар. Кўрсатилган муаммоларни қисман ҳал этиш учун тамомила янгича, амалиёт билан боғлиқ ҳолда дарс бериш ва

³⁵ Дунёвилийик фалсафаси. Маколалар тўплами. – Т.: «Чўлпон», 2007. – 160 б.

билимларни ўзлаштиришга қаратылған методик күлланмаларни яратып күрсатылған мұаммаларни қысман ҳал этишга ёрдам беради.

Танлаб олинган 178 нафар ўқувчи ва 28 нафар ўқитувчи билан тажриба-синовнинг яқунловчы босқичида ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш самарадорлигини ошириш мақсадыда ўзимиз ишлаб чиқкан маҳсус дастурдан келиб чиққан ҳолда бир қатор ўқув материалларини тайёрладик (1-илова).

Үқитувчилар учун “Шахс ва жамият” ўкув фани бүйіча яратылған таълим технологияси дарсларни лойихалаш технологиялари асосида ишлаб чиқылди. “Шахс ва жамият” ўкув фани бүйіча үқитувчилар учун методик күлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда ушбу фан мавзуларини үқитиши технологияларидан таркиб топған.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бүлимида “Шахс ва жамият” фанини үқитишининг долзарбиги асосланды. Сүнгра ўкув предмети бүйіча күйидеги икки мақсадни күзлаган үқитиши технологиялари лойихалаштирилди:

1) маъруза машғулотларини олиб боришнинг кириш маърузаси, мавзу асосида анъанавий маъруза, мұаммоли маъруза, визуаллаштирилған маъруза, конференция маърузалари күринишиларини құллаш;

2) баҳс-мунозара машғулотларини олиб борища топширикларни индивидуал тарзда ёки гурухда бажариш, мұаммоли амалий машғулот ҳамда билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлашга йұналтирилған топшириқларни амалға ошириш.

“Шахс ва жамият” ўкув фани бүйіча үқитувчилар учун методик күлланмада педагогик технологияны ўкув жараёнига олиб кириш зарурлиги, “Шахс ва жамият” ўкув дарси мисолида педагогик технология қонуниятларидан фойдаланған ҳолда таълимтарбия жараёнининг лойихалаштирилған тажриба-синов таълим технологияси яратылды.

Үз ўрнида ўкувчилар учун амалий ишлар дафтари ҳам жорий этилди. Ушбу амалий ишлар дафтари “Шахс ва жамият” фани ўкув дастурига мөсравиша тузилған бўлиб, ўкув күлланма доирасидан четта чиқмаган ҳолда топширик ва вазифалардан иборат. Шу билан бирга, ушбу амалий ишлар дафтари ўкувчиларда билим, күнікма ва тушунчаларни шакллантириш, уларнинг дунёқарашы, амалий ва ижодий фаолиятини кенгайтириш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат килишга ёрдам беради.

Ушбу амалий ишлар дафтари ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларнинг дунёкараши, амалий ва ижодий фаолиятини кенгайтириш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш ҳамда “Шахс ва жамият” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига ёрдам беради.

Амалий ишлар дафтарида берилган топшириқлар аниқ ва илмий жиҳатдан асосланган жавоблар топишни талаб этади. Баъзи саволлар узоқ ўйлантирадиган, мантиқий мушоҳада юритишга мажбур қиласидаги бўлганлиги сабабли уйга вазифа тариқасида бериш мақсадга мувоғик бўлади. Ҳар бир мавзуда фалсафий тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилган, чунки тушунчаларни ўзлаштириш орқали ўқувчи фанга чукурроқ киради. Тушунчаларга таъриф бериш жараёнида ўқув кўлланмадан ташқари бошқа манбалардан ҳам фойдаланишга унрайди. Фақат ушбу тушунчаларнинг мазмуни аниқ ёритилган бўлиб, ўз моҳиятини йўқотмаслиги керак. Ўқувчилар тушунчаларнинг таърифини ёдлаш билан чегараланиб қолмай, ушбу тушунчалар орқали таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ҳам ҳосил қиласидар.

Ушбу амалий ишлар дафтарида ўқувчиларни мустақил фикрлаш, ўз фикрларини асосли равишда ҳимоя қилиш, баҳсланиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун баҳс-мунозара дарсларига алоҳида эътибор қаратилган.

Амалий топшириқларни бажариш ўкув фаолияти жараёнида ўқитувчи томонидан ташкил қилиниши лозим.

“Шахс ва жамият” фани бўйича тушунчаларни шакллантиришга қаратилган инновацион методлар орқали таълим жараёнида ўқувчилар қуидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади: Ўқиш фаоллиги; мустақил ва ижодий фикрлаш; тегишли билимларга эга бўлиб, ахборотлашган жамиятда ахборотлар ичida ўзини йўқотмаслик; яратиш; таҳлил қилиш; сабаб ва оқибат ўртасида алоқа ўрнатиш; турли соҳаларга оид муаммоларни ҳал қилиш; қарорларни мустақил қабул қилиш; ўкув фаолияти натижалари бўйича масъулиятни ҳис қилиш; гуруҳ бўлиб ишлаш; камчиликларни аниқлаб, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш; вужудга келган қийинчиликлар сабабини қидириб, хатоларини топиш; ҳар хил нуқтаи назарни жамоа бўлиб мухокама қилиш ва ҳ.к.

Тадқиқот ишларида кутиладиган натижаларни баҳолаш мезонларини белгилашда таълим методлари ва воситаларининг

сифат кўрсаткичлари, ўкувчилар билим сифатига оид куйидаги кўрсаткичларнинг ўзгариши тахлили асосида баҳоланишга алоҳида эътибор қаратилди. Улар:

- ўзлаштирилган тушунчаларнинг ҳажсми ва мазмуни. Бу кўрсаткич ўкувчилар ўзлаштирган тушунчалар миқдори билан белгиланади;

- ўзлаштирилган билимларнинг тизимлилiği. Бу кўрсаткич ўкувчилар томонидан билимлар доирасида аниқланган боғликлек, тушунчалар ўртасидаги муносабатни ўрганиш нуктаи назаридан ўзлаштирилган билимлар миқдори билан белгиланади;

- ўзлаштирилган тушунчаларни қўллай олиши. Бу кўрсаткич муаммоли вазиятларни ҳал қилишда қўлланиш даражаси билан белгиланади. Бу мезон ўкувчининг жавобларини назорат топшириғида талаб қилинган миқдорга нисбатан белгиланади;

- назорат топшириқларини бажарии тезлиги. Мазкур кўрсаткич ўкувчининг белгиланган вақт мобайнида бажарилган ўкув топшириқлари миқдори ва сонига асосан аниқланади.

Илмий хulosалар чикаришда билимларни тақкослаш мақсадида ўтказилган анкета сўровлари ва топшириқларга нисбатан “Шахс ва жамият” фанида учрайдиган тушунчаларни идрок этиш ҳамда уларни ўрганишнинг меъёрий ва миқдорий кўлами даражаларининг натижалари аниқланди:

Ушбу жадвалда ҳар бир ўкувчининг тушунчалар билан ишлаш жараённида мавзуларда учраган фалсафий тушунчаларни фарқлай олиши, тушунчаларни тўғри талқин қилиб, моҳиятини тўлиқ ёритиб берган ўкувчилар, тушунчаларнинг моҳиятини аник очиб бера олмаган ўкувчиларнинг идрок этиш ҳамда тушунчаларни ўрганишнинг меъёрий ва миқдорий кўлами даражалари тажриба мобайнидаги ўсиш динамикасида акс этган.

Жумладан, ўкувчининг тушунчалар билан ишлаш жараённида мавзуларда учраган фалсафий тушунчаларни фарқлай олиши тажрибанинг бошида 20% га эга бўлган бўлса, синов охирида бу кўрсаткичлар 65% ташкил этди. Иккинчи ўлчам бўйича синов бошидаги 12% кўрсаткичлари синов охирида 25% га етказилди. Учинчи ўлчам бўйича 16% тажриба якунида 35% га ўсди. Тушунчаларга таъриф келтирган ўкувчилар синов бошидаги 18% кўрсаткичлари тажриба охирида 31% га ўсди.

**Үкүвчиларниң тушунчаларни ўзлаштириш динамикаси
(178 үкүвчи)**

№	Мезонлар	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		нафар	% хисобида	нафар	% хисобида
1.	Мавзуларда учраган фалсафий тушунчаларни фарилай олдилар	36	20%	116	65%
2.	Тушунчаларни түгри талкин қилиб, мөхиятни түүлүк ёритиб берган үкүвчилар	21	12%	45	25%
3.	Тушунчаларниң мөхиятниң ёритиб берган үкүвчилар	28	16%	63	35%
4.	Тушунчаларга таъриф берган үкүвчилар	32	18%	55	31%
5.	Тушунчаларниң мөхиятни аник очиб бера олмаган үкүвчилар	61	34%	15	8%

Тушучаларниң мөхиятни аник очиб бера олмаган үкүвчиларниң тажриба бошидаги 34% күрсаткычлари синов сүнгиди 8%ни күрсатди. Тушунчаларни ўзлаштириш меъёрий ва микдорий күләми даражалари тажриба бошида 20%ни ташкил килган бўлса, синов сүнгиди бу 27% га ошиди.

Үкүвчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришга оид топширикларни бажарғанларни учун белгиланган баллар 100 баллик рейтинг тизими асосида баҳоланиб, агар $86 < k < 100$ бўлса, “5” (аъло), $71 < k < 85$ бўлса, “4” (яхши), $56 < k < 70$ бўлса, “3” (кониқарли), $0 < k < 55$ бўлса, 2 (кониқарсиз) баҳо кўйилади. Баҳо кўйишда билимларни эгаллашнинг уч даражаси – тушуниш, ўзлаштириш ва қўллай олиш малакалари эътиборга олинди. Танлаб олинган тажриба ва назорат гурухларида юкоридаги топшириклар асосида үкүвчиларниң ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган ёзма ишлар ва оғзаки сўровлар натижаларига кўра куйидаги күрсаткычларга эришилди:

Үқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш күрсаткичи

Тажриба-синов гурухлари	Үқувчилар сони	Баҳолаш турлари		
		“5” (аъло)	“4” (яхши)	“3” (коинкарли)
Тажриба гурухлари	88	17	43	28
Назорат гурухлари	90	10	35	45

Олинган натижа кўрсаткичлари бўйича тажриба-синов гурухларида юқори бўлди.

“Шахс ва жамият” ўқув фанини ўқитиш жараёни миллий, методологик, тарихий ва маънавий асосларига таянган ҳолда ташкил этилганлиги сабабли, ушбу ўқув фанининг ўқитилишида юқори самарадорликка эришиш учун ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг илмий методик асосларидан фойдаланиш муваффақиятли бўлди.

“Шахс ва жамият” ўқув фани бўйича фалсафий тушунчалар ноанъянавий ўқитиш усуслари орқали ўқувчилар онгига сингдирилди. Тажриба-синов ишлари олиб борилиши жараёнида миллий қадриятлар билан бир қаторда ўқувчилар онгига умуминсоний қадриятларни сингдириш масалаларига ҳам алоҳида дикқат қилинди. Ўқувчиларга воқеа-ходисалар ҳакида мулоҳаза юритиш ва ўз мустақил нуқтаи назарига эга бўлиш кўнікмаларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратилиб, уларда инсоннинг фуқаролик ҳак-хуқуқ ва эркинликлари, тотувлик, адолат, Ватанга муҳаббат каби инсоний хислатларга оид билим ва кўнікмалар хосил қилинди. Дарс бериш жараёнида баландпарвозлик ва расмиятчиликдан воз кечган ҳолда интерфаол усуслар ёрдамида дарс самарадорлигига эришишга ҳаракат қилинди.

Шунга кўра, “Шахс ва жамият” дарсларида ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг назарий, педагогик асослари аникланди, таълим самарадорлигига эришишнинг куйидаги педагогик тамойиллари ишлаб чиқилди:

1.“Шахс ва жамият” фанига доир тушунчаларни шакллантиришдан кўзда тутилган мақсадни асослаш.

2. “Шахс ва жамият” фанида тушунчаларни шакллантириш методикаси мазмунини илмий тарзда ишлаб чиқиш, узлуксиз илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш.

3. Ўқитиши воситалари - дарслер, дидактик материаллар, кўргазмали кўлланмалар ва ўкув-техник воситалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

4. Мавжуд билимларни янги сифат босқичида ривожлантириб, “Шахс ва жамият” фанини тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик нуқтаси назаридан ўрганиш ва такомиллаштириш.

5. Ҳар бир ўкувчига индивидуал ёндашган ҳолда тушунчаларни шакллантириш жараёни хусусиятларига эътибор қаратиш.

“Шахс ва жамият” ўкув фанида тушунчаларни ўкувчиларда шакллантириш орқали таълим самарадорлигини ошириш шакл ва усуллари яратилди. “Шахс ва жамият” ўкув фани бир қатор методологик тамоилиларга таянган ҳолда тадқиқ этилди. Ўкув фанида фалсафий масалаларни ёритиш жамият тараққиётининг омили эканлиги асосланиб, фалсафий тушунчаларни ўкувчиларда шакллантиришнинг илмий-методик асослари яратилди.

Тажриба-синов ишлари “Шахс ва жамият” ўкув фанида инсоннинг ўрни, жамият тараққиёти ҳақида мулоҳаза юритиш, умумий қонуниятларини тадқиқ қилишда фалсафий мулоҳада зарурлигини кўрсатиб берди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитишида инсон шахсини шакллантириш жараёнида жамиятшунослик билимларининг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинди. Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, мураккаб вазиятларда ўкувчиларда эркин ва мустақил фикрлаш ҳамда мантиқий фикрлаш кўнимкамлари ҳосил қилинди. Тажриба-синов жараёнида миллий қадриятлар билан бир қаторда умуминсоний қадриятларни ҳам ўкувчилар онгига сингдириш, инсонпарварлик тушунчаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Шахс ва жамият” фанини ўқитишида жамият ва инсон тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш жараёнида назарий ва амалий машғулотларнинг ўрнини белгилаш зарур бўлди. Чунки назарий қисмнинг асосий тушунча ва атамалари бизни курсаб турган дунё ҳодисалари таҳлилини кенгайтириш учун хизмат қилди. Айнан шу сабабли дарс самарадорлигини ошириш мақсадида педагогик технологияларни амалиётда кўллаш методлари ишлаб чиқилди ва

тажрибада синаб кўрилди. Тажриба-синов якунларида ўкувчи-ларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш даражаларини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларига кўра, дарс ўтиш жараёнида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида куйидагилар аниқланди:

1. Ўкувчиларнинг шахсий қобилиятлари ва ижодий фаолияти ривожлантирилди.

2. Бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда билимларнинг интеграциялашувига ёрдам берилди.

3. Таълим жараёнида ўкувчилар юқори билим ва кўникмаларга эга бўлди.

4. Ўкувчиларнинг эркин фикрлаш кўникмалари ривожлантирилди.

Тадқиқот давомида танланган методологик ва умумназарий қоидалар илмий жиҳатдан асосланди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчиларида “Шахс ва жамият” фани юзасидан фалсафий тушунчаларни шакллантиришда куйидаги педагогик омиллардан фойдаланиш зарур деган хulosага келинди:

1. Ўкувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари таҳлили.

2. Педагогик ўкув жараёнини лойиҳалаштириш.

3. Тушунчалар орқали ўкувчиларнинг жамиятшуносликка оид билимларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш.

Тажриба-синов жараёнида дарслар куйидаги тартибда ўтказилди: инновацион методлар орқали тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ўкувчиларга англатиш; дарслардаги муаммоли вазиятлар ҳақидаги топшириқларни мустақил ишлаш воситасида жамиятда вужудга келадиган турли ҳолатларга муносабат билдира олиш; жамиятдаги сиёсий ўзгаришларнинг сабабларини тез англай олиш; юз бераётган ижтимоий воқеаларни мустақил таҳлил қила олиш; ҳар қандай шароитда ҳам мустақил фикр юрита олиш қобилиятини шакллантириш; берилган савол ва топшириқларни бажариш юзасидан ёзма иш, реферат, конспект тайёрлаш; дунёда юз бераётган ўзгаришлар йўналишини аниқлаш ва уларнинг мамлакатимиз учун аҳамиятини кўра билиш; ижтимоий жараёнларнинг йўналишини таҳлил қилиш кўникмасини таркиб

топтириш; инсоний муносабатларда юз бериши мумкин бўлган ҳар хил муаммоларга мустакил баҳо бериш.

Дунёда фалсафий ва илмий қоида-категориялар орқали орттирилган билимлар дунёвий билимлар деб атала бошланди. Бугунги кунда дунёвий фанлар жамиятнинг ривожланишида каракатлантирувчи маънавий кучга айланганинги ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Шунинг учун ҳам келажаги буюк давлатни барпо этишга жазм килган авлод, биринчи навбатда, дунёвий фан асосларини чукур эгаллашлари ва уни мамлакатнинг ижтимоий-истисодий тараққиётининг туб асосларига қўя олишлари шарт килиб кўйилди.

Бу эса, ўз навбатида, мустакиллигимизни қадрлай оладиган, жамият, давлат ва оила олдидаги масъулиятини англайдиган шахсларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик тизимини яратишни тақозо қилиши илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Иккинчи боб бўйича хуносалар

1. “Шахс ва жамият” фанини ўқитиши методикасининг ҳозирги ривожланиш босқичи самарали таълим методларининг қўлла-нилиши ҳамда яхлит бир тизим сифатида ўзида мужассам-лаштирувчи тушунчалар билан тавсифланади. Билиш ва таълим олиш жараённида тушунчалар ўртасида муносабатни шакллантириш таърифлаш, умумлаштириш, таққослаш ва тизимлаштириш орқали амалга оширилади.

2. Тадқикот жараённида тушунчалар билан ишлашнинг “ҳамкорликда излаш”, “мустакил ишлаш”, “таққослаш”, “синтез”, “этимологик”, “эркин ташлаш”, “ягона нуқтаи назарга эга бўлиш”, “мазмунан бир-бирига қўшилиб кетган тушунчалар” ва “дедуктив” сингари усууллари аниқланди.

3. “Шахс ва жамият” ўкув фанида фалсафий тушунчалар билан ишлаш жараённида ўкувчилар билмини назорат қилишда сўров, ёзма иш, тест ва илмий иш (реферат, фан иши, такриз ва мақола)лар ёзиш катта аҳамиятга эгадир.

4. “Шахс ва жамият” ўкув фанида ўкувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантириш жараёни таълим технологиялари билан таъминланганда самарали натижаларга эришиш мумкин.

5. Тест, тестология тамоиллари, функциялари, ўлчамлари, интерпретацияси ҳамда математик статистика имкониятларидан

фойдаланилганда, жараённинг самарадорлик даражаси яққол намоён бўлиши аниқланди.

6. Фанлараро алокадорлик “Шахс ва жамият” ўкув фанини ўқитиш жараёнида фойдаланилганда таълим самарадорлигига эришиш мумкинлиги аниқланди.

7. Тажриба-синов ишлари мобайнида жамиятшунослик билимлари муайян соҳалар бўйича тизимлаштирилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Монография мавзуси юзасидан олиб борилган изланишлар куйидаги хулосаларни баён қилиш имконини беради:

1. Педагогик кузатишларимиз ва мавжуд адабиётлар таҳлили “Шахс ва жамият” ўкув фани юзасидан ўқувчиларнинг фалсафий тушунчаларини шакллантириш долзарб таълимий муаммолардан бирин эканлигини кўрсатди.

2. Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларида фалсафий тушунчаларни шакллантириш ва олган билимларини амалиётда кўллай олишлари учун педагогик мухит яратилди.

3. Тушунчаларни шакллантириш жараёнида ўқитувчининг ўрни, роли, маънавий-интеллектуал даражаси ва ижодкорлиги, ташкилотчилиги, илмий тадқиқотчилиги педагогик амалиётчи сифатидаги маҳоратига боғлиқлиги далилланди.

4. Тадқиқот натижалари “Шахс ва жамият” фани юзасидан ўқувчиларнинг фалсафий билимларни янада чуқурроқ эгаллаши, уларнинг жамият таракқиёти қонуниятларини теран ўрганишларига хизмат қилишини кўрсатди.

5. Тадқиқот жараёнида инновацион методлар орқали ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикр юритиш, ахборотлар тўплами ичидаги ўзини йўқотиб кўймаслик, ўзларига нисбатан танқидий муносабатда бўла олиш, мустақил қарор қабул қилиш, гурух бўлиб ишлаш, воқеа ва ҳодисаларга холисона муносабатда бўлиш, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш кўникмалари шаклланганлиги аникланди.

6. Илмий изланишлар доирасида интерфаол усуллардан фойдаланиш, жумладан, кичик гурухларда ишлаш, ролли ўйинлар, инсерт, пинборд ва синквейн каби технологияларни кўллаш машғулотларнинг самарали бўлишига сезиларли таъсир кўрсатди.

7. Тадқиқот ишлари давомида шахс, жамият, ижтимоий ҳаёт ва дунё миқёсида рўй берадиган мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари аниқ мушоҳада юритиш усуллари орқали аникланди.

8. Тадқиқот жараёнида тушунчалар билан ишлашнинг “ҳамкорликда излаш”, “мустақил ишлаш”, “таққослаш”, “синтез”, “этимологик”, “эркин танлаш”, “ягона нуқтаи назарга эга бўлиш”, “мазмунан бир-бирига кўшилиб кетган тушунчалар” ва “дедуктив” сингари усуллари аникланди.

ТАВСИЯЛАР

“Шахс ва жамият” таълими жараёнида фалсафий тушунчалар билан ишлаш юзасидан қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Ўқувчиларда фалсафий тушунчаларни шакллантиришга доир инсерт, пинборд, синквейн каби интерфаол усуллардан самарали ва мунтазам равишда фойдаланиш.

2. Ушбу фан доирасида илгор таълим технологияларини жорий этишга эътиборни кучайтириш ва улардан унумли фойдаланиш.

3. “Шахс ва жамият” фанига доир масалаларнинг ўқувчилар томонидан янада яхшироқ ўзлаштирилиши учун “Хрестоматия”, “Антология” ёки “Масалалар тўплами” типидаги ўқув-методик тўпламлар яратиш.

4. ЎМКХТМ да нафакат ушбу фан, балки ушбу тизимда ўқитиладиган бошқа фанлардан дарс беришнинг услубий таъминоти тизимини яратиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонуплари, меъёрий хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997. – 63 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асар ва маърузалари

3. Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. Т.2. – 380 б.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 4-т. – 349 б.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёsat, мағкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 1-т. – 364 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 686 б.

7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 7-т. – 410 б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 352 б.

9. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 8-т. – 528 б.

10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. 9-т. – 432 б.

11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 10-т. – 432 б.

12. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 96 б.

13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.

14. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 16-т. – 368 б.

15. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 17-т. – 280 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 17 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 56 б.

19. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъяят билан давом эттириш. Президент Ислом Каримовнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2013 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига багишланган маъжлисидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2013 йил 19 январь. № 13 (5687).

20. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 440 б.

III. Китоб ва туркум нашрлари

Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

а) бир муаллиф:

21. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлок. – Т.: «Шарқ», 1994.

22. Арипов М.К. Гуманизм Алишера Навои. – Т.: «Узбекистан», 1991. – 233 с.

23. Беспалко В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: ИРПО, 1989. – 190 с.

24. Василкова Ю.В. Лекции по социальной педагогике.: Теория и история. – М.: «Перспектива», 2006. – 736 с.

25. Вергеймер М. Продуктивное мышление. – М.: «Прогресс», 1987. – 335.

26. Виненко В.Т. Общие основы педагогики: учебное пособие. – М.: «Просвещение», 2008. – 300 с.

- 27.Гаффаров Я. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш усуллари. –Т.: «Университет», 1996. – 47 б.
- 28.Головкина Е.Ф. Вопросы преемственности при формировании понятий на уроках истории в IV-VII классах. – М.: «Просвещение», 1985. – 208 с.
- 29.Григорьев Б.В. Классическая логика: Учебное пособие. – М.: Гуманист изд. Центр «ВЛАДОС», 1996. – 192 с.
- 30.Дайри Н.Г. Современные требования к уроку истории. – М., 1978, с. 160.
- 31.Ивлев Ю.В. Логика: учебник. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: «Проспект», 2006. – 288 с.
32. Иванов Е.А. Логика: учебник. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство «БЕК», 2001. – 368 с.
- 33.Ивин А.А. Искусство правильно мыслить. – М.: «Просвещение», 1990. – 237 с.
- 34.Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгиланиш йўлида. – Т.: «Ўқитувчи», 2000. –208 б.
- 35.Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари: Кўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 2004.
- 36.Каменская В.И. Педагогика: Конспект лекций. 5-е. изд. – Ростов Н/Д: Феникс, 2008. – 215 с.
37. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. – М.: «Просвещение», 1987. – 190 с.
- 38.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989. –75 с.
- 39.Кирилов В.И., Старченко А.А. Логика: Учебник для юридических вузов. 5-е. изд. перераб. и доп. – М: «Юрист», 1998. – 256 с.
- 40.Лернер И.Я. Развитие мышления учащихся в процессе обучения истории. – М.: «Просвещение», 1982. –191 с.
- 41.Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е изд. пер с англ. – СПб.: 2009. – 352 с.
- 42.Матерна П. Понятие понятия: Логические исследования. Вып. 2. – М.: «Наука», 1993, с. 82-89.
- 43.Морева Н.А. Педагогика среднего профессионального образования: учебное пособие. – М.: «Академия», 2008. – 260 с.
- 44.Монахов В. М. Методология педагогической технологии академика В. А. Монахова. – М.: Михайловка. МЦОП, 1997.

45. Монахов В.М. Технологическая карта – паспорт проектируемого учебного процесса. – Новокузнецк: ИПК, 1996.
46. Основы педагогического мастерства. / Под. ред. И. Я. Зязюна. – Киев, 1996. – 301 с.
47. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Карши: «Насаф», 2000.
48. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии. Под ред. С.А.Смирнова. – М., 1998, с.104-105.
49. Педагогика: Учебное пособие /Под ред. П.И. Пидкастого. – М.: «Высшее образование», 1996. – 432 с.
50. Подласый И.П. Педагогика: Учебник. – М.: Изд. «Юрайт», 2009. – 540.
51. Ремеев Н.М. Ўзбекистон тарихидан мустақил ишлар дафтари. – Т.: «Ўқитувчи», 1982. – 103 б.
52. Сайдахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологииларни кўллаш намуналари. – Т.: РТМ, 2000. – 46 б.
53. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиилар (назария ва амалиёт). – Т.: «Молия», 2003. – 172 б.
54. Саъдиев А. Ўзбекистон тарихини ўқитиши методикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1993. – 199 б.
55. Светлов В.А. Практическая логика: Учебное пособие. / Изд. 2-е испр. и доп. Дизайн обл. А. С. Андреева. – СПБ. “МиМ”, 1997. – 576 с.: ил. (Учебная серия).
56. Светлов В. А. Практическая логика. – СПб. Изд. РХГИ, 1995. – 472 с.: ил.
57. Скаткин М.Н. Совершенствование процесса обучения. – М., 1986, с. 22-25, 124-125.
58. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умум-мехнат ва касбий кўнингма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиилари. – Т.: «Фан», 2004.
59. Усова А.В. Формирование у школьников научных понятий в процессе обучения. – М., 1986, с. 55-58.
60. Фарберман Б. Передовые педагогические технологии. – Т.: «Фан», 2000. – 130 с.
61. Хакимов Р. Международное гуманитарное право. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 216 с.
62. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: Учебное пособие. 2-е изд, – М.: «Академия», 2008. 160 с.
- б) бутун манбага ҳавола:

63. Баркамол авлод орзуси. / Тузувчилар: Ш. Курбонов, Р. Ахлидинов, Х. Сайдов. – Т.: «Шарқ», 1999. – 184 б.
64. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997. – 63 б.
- в) икки муаллиф:
65. Арнаутов В.В., Монахов В.М. Оптимизация учебного процесса. – М.: Михайловка, МЦОП, 1997.
66. Бордовская Н., Рean A. Педагогика: краткий курс. – СПб. Питер, 2009. – 256 с.
67. Вульфов Б.З., Иванов В.Д. Основы педагогики. – М.: УРАО, 1999.
68. Григорович Л.А., Маруянковская Т.Д. Педагогика и psychology. Гардарики, 2003.
69. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2001. – 80 б.
70. Лапина О.А., Пядушкина Н.Н. Введение в педагогическую деятельность: Учебное пособие. – М.: «Академия», 2008. – 260 с.
71. Лихтарников Л.М., Сукачева Т.Р. Математическая логика. Курс лекций. Задачник – практикум и решения. – М.: «Лань», 1999. – 288 с.
72. Лукашонок О.Н., Щуркова Н.Е. Конфликтологический этюд для учителя. – М., 1998.
73. Jo’rayev N, Azizov Sh. Shaxs va jamiyat: akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Т.: «Sharq», 2005. – 224 b.
74. Ходиев Б., Голиш Б. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш услуб ва воситалари. – Т.: «ТДИУ», 2010. – 87 б.
- г) уч муаллиф:
82. Вайндорф-Сысоева М.Е., Крившенко Л.П. Педагогика: Пособие для сдачи экзамена. – 2-е изд., пераб. и доп. – М.: Изд. «Юрайт», 2005. – 239 с.
83. Гаффаров Я., Тошпўлатов Т. Тарих ўқитиши методикаси (бакалавриат йўналиши талабалари учун ўқув-методик қўлланма). – Т.: «Университет», 2002. – 192 б.
84. Сластёгин В.А., Мишенко А.И. Целостный педагогический процесс как объект профессиональной деятельности учителя. – М.: УРАО, 1997.

85. Тошпўлатов Т., Гаффаров Я. Тарих ўқитиши методикаси. –Т.: «Университет», 1999. – 57 б.

е) муаллифлар жамоаси учун:

86. Актуальные вопросы методики обучения истории в средней школе. / Под редакцией А.Г. Колоскова. – М.: «Просвещение», 1984. – 272 с.

87. Буюк сиймолар, алломалар. 1-к. – Т.: «Мерос», 1995. – 104 б.

88. Буюк сиймолар, алломалар. 2-к. – Т.: «Мерос», 96. – 120 б.

89. Mamashokirov S. va boshqalar. Shaxs va jamiyat (nazariy masalalar va amaliy mashg'ulotlar). – Т.: «O'qituvchi», 2005. – 335 б.

90. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 80 б.

91. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: «Академия», 2007. – 252 б.

92. Хасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изохли луғат. – Т.: «Фан ва технология», 2009. – 671 б.

93. Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий кўлланма. – Т.: «ТДПУ», 2006. – 168 б.

94. Шахс ва жамият. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўкув дастури. – Т., 2010. – 9 б.

IV. Диссертация ва диссертация автореферати

95. Кудайберганова Т.К. Ўрта маҳсус ўкув юртларида хукукий таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2005. – 120 б.

96. Марасулова У.Н. Ўкувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. ном. дисс. автореф... – Т., 2007. – 22 б.

97. Маҳкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2005. – 139 б.

98. Мулладжанова Р.А. Туркистанда миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитишнинг методик асослари (XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида): Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2007. – 137 б.

99. Собиров Б.Б. Ўкувчиларда ижтимоий тушунчаларни шакллантиришда инновацион усуллардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2004. – 186 б.

100. Туленова К.Ж. Научное предвидение как философская проблема и ее методологическое значение для социальной

практики в условиях независимого Узбекистана: Дис... док. философ. наук. – Т., 2001. – 298 с.

101.Хайруллаева В.Х. Гибкость мышления и ее методологическое значение: Дис... канд. философ. наук. – Т.: 2000. – 191 с.

102.Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўкувчиларининг мустакил фикрларини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7 синф тарих дарслари мисолида): Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2009. – 149 б.

103.Шермухаммедова Н.А. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления и его методологическое значение: Дис... док. философ. наук. – Т., 2001. – 300 с.

104.Шоназаров К.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш : Пед. фан. ном. дисс. – Т., 2002. – 122 б.

V. Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар

105.Дунёвийлик фалсафаси. Мақолалар тўплами. – Т.: «Чўлпон», 2007. – 160 б.

106.Дунёвийлик ва ижтимоийлик. – Т.: «Чўлпон», 2008. – 160 б.

VI. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар

107.Олий педагогика ўкув юртларининг ўкув жараёнинг педагогик технологияларни татбиқ этишининг илмий асослари. // Республика илмий- методик конф. материаллари. – Т.: ТДПУ, 2000.

108.Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуклари ва истиқболлари // Республика илмий-амалий конф. мат. – Т.: ЎзПФИТИ, 2003.

109.Толипов У.К. Педагогическая технология в профессиональном образовании учителей. // Мат. I международной научно-методической конференции. Том II. – Тараз, 1988.

110.Толипов У. Педагогик технология ва уни лойиҳалаш босқичлари. // ДТСларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳамда касбий таълимда узвийликни таъминлаш муаммолари. // Республика илмий-амалий конф. – Т.: ЎзПФИТИ, 2000.

111."Шахс ва жамият" фанини ўқитишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДПУ, 2008. – 166 б.

112."Шахс ва жамият" фанини ўқитишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2009. – 184 б.

113."Шахс ва жамият" фанини ўқитишининг долзарб масалалари" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2010. –200 б.

114."Шахс ва жамият" фанини ўқитишининг долзарб масалалари" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2011. –228 б.

ИЛОВАЛАР

I. Таълим технологияси

I-илова

I-дарс	“ШАХС ВА ЖАМИЯТ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА БОШҚА ФАНЛАР ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ. ИНСОН-БИОИЖТИМОЙИ МАВЖУДОТ
--------	--

1. Дарснинг таълим технологияси модели

<i>Ўкувчилар сони: 24</i> <i>Ўкув машгулотининг шакли</i>	<i>Вакти: 2 соат</i> <i>Назарий-янги билимларни эгаллаш бўйича ўкув машгулот</i>
<i>Мавзу режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Дунёни илмий билиш масаласи. “Шахс ва жамият” фанининг мазмуни ва унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни. 2. Жамият тараққиётига формациявий ва цивилизациявий ёндашувлар. 3. Инсонда биофизик ва ижтимоий томонларнинг ўзаро нисбати. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида. 4. Шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатувчи омиллар. Жамият хаётида инсоннинг ўрни. 5. Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялаш масалалари
<i>Дарснинг мақсади:</i> Ўкув машгулотининг мақсади, “Шахс ва жамият” фани тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш	<i>Ўкув фаолиятининг натижалари:</i>
<i>Педагогик вазифалар</i> Инсон ва жамият тўғрисидаги билимлар тизимида ушбу фаннинг ўзига хос ўрни билан таништиради	<i>Жамиятшунослик билимлари соҳасида фанлар интеграцияси ва дифференциациясини изоҳлаб берадилар</i>
<i>Жамиятни тушунтиришга формациявий ва цивилизациявий ёндашувларнинг аҳамиятини тушунтиради</i>	<i>Ижтимоийлашув жаёнининг асосий босқичларини санаб берадилар</i>

Инсон биологияйий, ижтимоий ва маънавий бирлик эканлигини ёритиб беради	Инсон табиатнинг бир кисми эканлигини тасвиirlаб берадилар
Шахснинг таркиб топшигига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳакида гапириб беради	Инсоннинг тафаккури ва унинг маънавий оламини очиб берадилар
Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялашнинг аҳамиятини тушунтиради	Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялаш давр талаби эканлигини тушунтиради
Ўқитшии усууллари	Фикрлар хужуми, блиц-сўров, баҳс-мунозара.
Ўқитшии воситалари	Проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар
Ўқитшии шакллари	Жамоавий, жуфтликда ишлаш
Ўқитшии шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида

Дарснинг технологик харитаси

Босқич-лар, вақт	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
I босқич. Ўқув машғулот ига кириш (20 дақ.)	<p>Ташкилий бошланиш</p> <p>1.1. Ўқувчилар билан танишади, ўзи ҳақида маълумотлар беради.</p> <p>1.2. Ўқувчиларни ва аудиторияни машғулотга тайёрлигини текширади.</p> <p>1.3. Йўқлама қилади.</p> <p>Ўқув фанига кириш</p> <p>1.4. Ўқув фани билан таништиради ва ундаги мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қиска тавсиф беради,</p> <p>1.5. Фан миқёсида бажариладиган услугбий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради.</p> <p>1.6. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни (1-илова) мустақил ишлаш</p>	<p>Тинглайдилар, танишувда фаол катнашадилар</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар</p>


	<p>учун адабиётлар билан таништиради.</p> <p>Мақсад ва вазифани белгиланиши</p> <p>1.7. Биринчى үкүв машгулоти мавзуси, режаси, мақсад ва үкүв фаолият натижалари билан таништиради.</p>	
2-боскич. Ассоcий (60 дак.)	<p>Таянч билимларни фаоллаштириш</p> <p>2.1. Билимларни фаоллаштириш учун диккәтни жалб килувчи саволлар беради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. “Инсоннинг ўзлиги” деганда нимани тушунасиз? 2. Инсон, индивид, шахс ва жамият тушунчаларига таъриф беринг. <p>Үкувчиларнинг жавобларини тинглаб, умумлаштиради</p> <p>Янги үкүв материалига кириш</p> <p>2.2. Экранга визуал материалларни чиқаради (1-илова) ва ушбу фаннинг мақсади, вазифалари, фаннинг нимани ўргатиши ва бошқа фанлар билан қандай боғликлигини слайдлар ёрдамида күрсатади. “Шахс ва жамият” фанининг ўрни ва аҳамияти ҳакида маълумотлар беради</p> <p>2.3. Экранга “Фаннинг таркиби”ни изохловчи слайдни чиқаради, фаннинг мавзулари билан таништиради, уларни қисқача шархлади. Фан бўйича рейтинг мезонлари, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари билан таништиради. Ассоcий адабиётлар рўйхати, үкувчиларга кўйиладиган талаблар билан таништиради</p> <p>2.4. “Жамият тараққиётига формациявий ва цивилизациявий ёндашуввларни” “Фикрлар хужуми” технологиясидан фойдаланган ҳолда бошлайди. Үкувчиларга “Циви-</p>	Индивидуал равишда ишлайдилар, муҳокама қиладилар ва жавоб берадилар
		Слайдларни ўрганадилар, фикр биддирадилар. Саволларга жавоб берадилар
		Слайдларни ўрганадилар, шарҳ мобайнида схема, жадвал- ларни муҳокама қиладилар. Аниқлаштира- дилар, саволла р берадилар
		Саволларга жавоб берадилар, тинглайдилар, ёзib оладилар
		Ёзib оладилар
		Эркин фикр биддирадилар. Саволларга

	<p>лизация деганда нимани тушунасиз?", - деб савол билан мурожаат қиласи (2-илова). Фикрларни умумлаштириб, иккинчи масаланинг баёнини бошлайди</p> <p>2.5. Учинчи ва тўртинчи саволларни слайдлар ёрдамида ўқувчиларга тушунтиради. Мавзунинг асосий мазмунига эътибор қаратади, уларни ёзиб олишини таклиф этади</p> <p>2.7. Бешинчи саволни ёритишдан олдин ўқувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларга жонлантирувчи саволлар билан мурожаат қиласи:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ватанпарварлик деганда нимани тушунасиз? 2. Ўз миллатига садоқатли бўлиш деганда-чи? 3. Қандай инсон баркамол шахс бўла олади? <p>Фикрларни умумлаштириб, охирги саволни ёритиб беради ҳамда якуний хуоса чиқаради</p>	жавоб берадилар
III босқич. Якуний. (10 дақ.)	<p>Машғулотни яқунилаш</p> <p>3.1. Мавзу бўйича якуп чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блиц-сўров технологияси ёрдамида умумлаштиради (3-илова).</p> <p>3.2. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради Ўйга вазифа бериш</p> <p>3.3. Келгуси машғулоттага тайёргарлик кўриш бўйича топшириклар (4-илова) ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тавсия этади</p>	<p>Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар</p> <p>Ўзини кизиқтирган саволлар беради</p> <p>Эшитадилар Ёзиб оладилар</p>

1.1- илова
ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ
1-слайд
Баҳолаш мезонлари


Баҳолаш мезонлари:

Ўқувчиларнинг дарсларда ижтимоий масалалар, Ўзбекистоннинг мустакил тараккиёти, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли, инсоннинг ички дунёси ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида мустакил хуоса чикаришлари, ўсиг келаётган ёш авлодни умуминсоний кадрияллар, маданий-тарихий анъаналар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш вазифаларини очиш имконини беради




2-слайд







Жамият тушунчасининг мазмунни

Кенг маънода	Тор маънода
Моддий дунёнинг табиатдан ажralиб чиққан ҳамда одамлар ўртасида ҳаёт фаолияти жараёнида шаклланадиган муносабатларнинг тарихий ривожланувчи қисми	1. Инсоният тарихининг муайян бир боскичи. 2. Алоҳида олинган конкрет жамият





О. Тоффер жамият тараққиётининг бошланишидан то
ниҳоясигача уч боскични босиб ўтади деб хисоблайди

Анъанавий
жамият

Индустрӣал
жамият

Ахборотлашган
жамият

Ўзбекистоннинг баъзи олимлари фикрича, кишилик тарихи
ўз тараққиёт йўлида беш марта цивилизациявий юксалишларни
бошдан кечирган



Қадимги Шарқ цивилизацияси (мил. авв.) уч минг йиллик
охирларида Хурасонга-мил. авв. икки минг йил. бошларида
Мовароуннаҳрга ёйилди

Антик давр цивилизацияси (Македониялик Александрнинг
Қадимги Шарққа томон ҳарбий юришдан сўнг, Ўрта Осиёга
кириб келди

9-13 асрларда юз берган Мовароуннаҳр, Хурасон, Яқин
Шарқ, Андалусия (Испания) цивилизациялари.

14-15 асрлардаги Европа ва Осиё уйғониши
даври

Бутун жаҳонни қамраб олган 20-аср
цивилизацияси



Индивид - биоижтимоий мавжудот сифатида алоҳида бир инсонни ажратиб кўрсатади, яъни уни одам турининг алоҳида вакили сифатида акс эттиради.

Индивидуаллик - инсоннинг ўзига хос жиҳатларини, уни бошқалардан ажратиб турувчи, фақатгина ана шу инсонга хос бўлган хусусиятларни, ноёб хислатларни билдиради.

Шахс - ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлган индивид сифатида ижтимоий муносабатлар тизимиға кирган инсондаги эмоционал, иродавий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва шу каби хусусиятларнинг бир бутунлиги, яхлитлиги.

Ишонининг тарқиб топнинг атасир
худутчи омирлар

Ишонининг генетик хусусиятлари

Жисмоний курнов

Ижтимоий курнов

Инсоннинг шахсий тажрибаси

Маданиятнинг таъсири

Жамият –кишиларнинг турли
муносабатлари ва ўзаро таъсиirlари
тизимидан иборат

Ижтимоийлашув жараёни туфайли ўзининг жамиятдаги
муайян ижтимоий роли ёки ижтимоий мақомига эга бўлишни
ёхуд уларни ўзгартириш орқали шахс ўзини жамиятда намоён
қилади.

Кишининг ўз жинси, ёши, мутахассислиги, келиб чиқиши,
қариндошлик алоқалари, оиласвий аҳволи, оладиган даромадининг
даражасига кўра жамиятда тутган ўрнига унинг ижтимоий
мақоми дейилади.

1.2-илова

«Фикрлар ҳүзүсуми»техникиасининг асосий қондалари:

- олга сурйилган гоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, гоялар канча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган гояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга харакат қилинади;
- муаммо ечимидан узок гоялар ҳам кўллаб-кувватланади;
- барча гоялар ёки уларнинг асосий магзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзб олинади;
- «хужум»ни ўтказиш вақти аникланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга кисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

1.3-илова

**Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган
«Блиц-сўров»саволлари**

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Дунёга келган пайтда инсон жамиятда мавжуд бўлган муайян алоқадорликлар ва муносабатлар тизимига тушиши ва унга сингиб кетиши	Ижтимоийлашув деб аталади
2.	Локал маданиятлар ривожланишидаги муайян босқич	Цивилизация
3.	Ижтимоий таракқиётнинг маҳсули бўлган индивид сифатида ижтимоий муносабатлар тизимига кирган инсондаги эмоционал, иродавий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва шу каби хусусиятларнинг бир бутунлиги, яхлитлиги	Шахс деб аталади
4.	Кишиларнинг тури муносабатлари ва ўзаро тъсиirlари тизими	Жамиятдир

Такрорлаш учун саволлар

1. Оламни ўрганувчи фанлар қандай йўналишларга бўлинади?
2. Ижтимоий фанларда рўй берувчи дифференциацияга оид мисолларни айтиб бера оласизми? Ижтимоий фанлар интеграциясига оид мисолларни-чи?
3. "Шахс ва жамият" фани ривожига кучли таъсир кўрсатувчи қайси фанларни кўрсата оласиз?
4. Жамият тараққиётига формациявий ёндашув нимани англатади?
5. Ижтимоий тараққиёт цивилизациявий ёндашув ёрдамида қандай тушунтирилади?
6. Жамият ҳаётининг қандай соҳалари мавжуд?
7. Инсонни қандай фанлар ўрганади?
8. Инсон ва жоноворлар учун умумий бўлган қандай хусусиятлар мавжуд?
9. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи қандай хислатларни кўрсатиб бера оласиз?
10. Инсоннинг "ўзлиги"ни қандай таърифлаш мумкин?
- 11."Индивид" ва "индивидуаллик" тушунчалари нимани акс эттиради?

II. Тушуичалар аппарати билан ишлауда құлланиладын интерфаол усуллар

2.1-илова

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд техникасы

(инглизчадан: pin – маңкамлаш, board – доска)
муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш
ва гурухлашни амалға оширишга, коллектив тарзда
ягона ёки аксинге қарама-қарши
позицияни шакллантиришга имкон беради



Үкитувчи таклиф этилган муаммо бүйіча үз нұқтаи назарларини
басып қилишни сүрайди. Тұғридан-тұгри ёки оммавий фикрий
хужумнинг бошланишини ташкил килауды (рағбатлантирады)



Фикрларни таклиф қиласылар, мухокама қиласылар, бағолайдылар
ва әнг оптималь (самарали) фикрни танлайдылар. Уларни таянч
хуносавий фикр (2 та сүзден күп бўлмаган) сифатида алоҳида
қоғозларга ёзадылар ва доскага маңкамлайдылар



Гурух намояндалари доскага чиқадылар ва маслағатлашган ҳолда:
1) яқын хато бўлган ёки такорланаётган фикрларни олиб ташлайдылар;
2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадылар;
3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини
анниклайдылар;
4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва
ракларида) гурухларга ажратадылар;
5) уларнинг үзаро муносабатларини чизиклар ёки бошқа белгилар
ёрдамида кўрсатадылар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари
ишлаб чиқылади

“ИНСЕРТ” ТЕХНИКАСИ

Мустакил ўқиши вактида олган тушунчаларни, эшитган мәтірзуларни тизимлаштиришин таъминлайды. Олинган мәлімдемен тасдиқлап, аниклаш, четта чишиш, кузатиш. Аввал ўзлаштырган тушунчаларни боялаш көбилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

«Т - схема»техникаси

- бу технология мураккаб, күптармоқты, мұмсииң кадар мұаммодан жариялған; бунда уларнинг ҳар бири алоқыда нұкталардан мұхокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлары, афзаллик ва камчиліктери, бир гояннинг иккى томони, фойда ва зарарлари;
- танкитиди, таҳлилий, аниқ мантиский фикрлар мұваффакиятты ривожлантиришина ҳамда ўз гояллары, фикрларини өзма ва отзаки шақыда ихчам баён этиш, химоя килишина имкон яратади;
- мәрзуза якунида күлланилади

Т-схема конун-коңдалары билан танишиб чикали. Якка таркибда ёки жуфт-жуфт булып Т-схеманы түлдіради

Үз гояларини өзма равища да үнг ва чап тарафларыда өзіб чика-дилар. Гоялар карама-карши булиши мүмкін

Схемадаги гоялар таққосланиши ва якка тартыбда, жуфт-жуфт холда ёки кичик гурухларда түлдіриліши мүмкін

Хар бир тингловчи ўз фикрини әркін холда түлік баён этиши мүмкін

“СИНКВЕЙН” УСУЛИ

Синквейн (французча бешта) – бу ўзлаштирилган билимни мухтасар холосада (бешта ибора, жумлада) ифода этиши усули бўлиб, бунда тушунчани таърифлаш мантикий усули, тамойилларига асосланилади

Синквейн куйидаги коида асосида тузилади

Тушунча бир сўз билан ифодаланади (одатда от танланади)

Тушунча иккита сифат билан ифодаланади (иккита сифат ёзилади)

Тушунча учта сўз билан ифодаланади (учта феъл ёки равишдош ёзилади)

Тўртта сўздан ортиқ фикр ёзилади

Тушунчага оид синоним сўзлар ёзилади

III. Таълим технологияларини кўллаш жараёнида ўқитувчи-ўкувчи фаолияти

Методларнинг кисқача мазмуни, уларни амалга ошириш бўйича методик кўрсатмалар	Ўқитувчининг фаолияти	Ўкувчининг фаолияти
<i>Оғзаки метод.</i> Ушбу методнинг асосий мақсади – мантикий, ташкилий ва техник (ёзма ёки оғзаки) сўз орқали ўкув материалини етказиш. Оғзаки гапириб бериш методи ҳикоя, тушунириш, баҳс-мунозара, маъруза ва манбалар билан ишлашга бўлинади.	Ушбу метод ўқитувчига мавзунинг асосий кисмини ажратиб олиш, воқеа ва ҳодисалар ҳамда тарихий жараёниларни таҳлил қилиш, таккослаш, умумлаштириш ва хуносалар чиқаришга ёрдам беради.	Ўкувчи билимлар ва маълумотларни қабул қиласи, ўзлаштиради, маълумотларни ўзида мужассамлаштиради, дидактик материаллар билан танишиб чиқади, конспект қиласи ҳамда жадвалларни тўлдиради, берилган топширикларни ўз вактида бажара олади.

<p>Кўрсатмали метод. Ушбу методнинг асосий максади – турли кўргазмали воситалар орқали мълумотларни етказиш.</p> <p>Ушбу методнинг асосий методларига тақдимотлар, схемалар, таблицалар, муляж ва макетлар, хужжатли диафильмлар, кинофильм ва телекўрсатувлар киради. Кўргазмали методлар мантикий, ташкилий ва техник воситалар ёрдамида амалга оширилади.</p>	<p>Ушбу метод ўқитувчига мавзунинг асосий кисмини ажратиб олишга кўмак беради. Маълумотларга кўра мавзу бўйича турли кўргазмаларни тақдим этади. Ушбу фаолият турли методлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.</p>	<p>Ўкувчининг фаолияти тақдимотларни диккат билан кўришга, фикр юритишга, тахлил килишга, мушоҳада юритишга ёрдам беради. Керакли мълумотларни кўчириб олади, конспект килади хамда жадвалларни тўлдиради.</p>
<p>Амалий метод. Ушбу методнинг асосий максади – амалий ўкув жараённада кўлга киритилган маълумотларни тахлил килиш, муаммоларнинг счимини топиш, кузатиш ва мушоҳада килишга ёрдам беради. Ушбу методга ўкув вазифалари, кейс-стадилар ва ўкув лойихалар киради.</p>	<p>Ушбу метод ўқитувчига мавзунинг асосий кисмини ажратиб олишга кўмак беради. Ушбу фаолият турли методлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Ўкувчига мустақил ишлаш учун таҳсилатма ва йўрикномалар беради.</p>	<p>Ўкувчи ушбу метод орқали амалий ишлар мазмуни билан яқиндан танишиб чиқади. Муаммоларни аниклади, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва счимини топишга харакат килади. Керакли маълумотларни кўчириб олади, конспект килади хамда жадвалларни тўлдиради. Мустақил ўкув лойихалар ва кейс-стадилар устида ишлади.</p>

4-илова

IV. Ўкувчиларга йўриқнома

Иш боскичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
1.Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввалиоб кейс билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча хосил килиш учун бор бўлган бутун ахборотни диккат билан ўқиб чиқиши лозим. Ўкиш пайтида вазиятни тахлил килишга шошилманг
2.Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диккат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг.

		Бир жумладан иккинчи жумлага ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги мухим фикрларнинг остини чизиб кўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диккатингизни жалб килинг. Вазият тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва кайсиси аниклаштирилиши лозимлигини аникланг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил килиш		Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диккатингизни жалб килинг ва уларни аникланг. Асосий муаммо нимага қаратилганини аникланг. Муаммо остидаги муаммолар асосий муаммо билан қандай боғликлигига изоҳ беринг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил килиш: объектнинг ҳолатини аникланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил килинг.
4.Муаммоли вазиятни ечиш метод ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш		Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларини излаб топинг ва иш натижаларини ёзма тақдим этинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианtlардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг

ҚАЙДЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
II. БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Таълим жараёнида фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг педагогик аҳамияти.....	11
1.2. “Шахс ва жамият” дарсларида фанларо алоқа.....	23
1.3. Таълим жараёнида фалсафий тушунчаларни шакллантириш технологияси.....	36
1.4. Таълим жараёнида фалсафий тушунчаларни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар.....	47
II. БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- МЕТОДИК АСОСЛАРИ	
2.1. Фалсафий тушунчаларни шакллантиришнинг замонавий воситалари.....	55
2.2. Фалсафий тушунчаларни шакллантириш методлари.....	68
2.3. Фалсафий тушунчаларни шакллантириш амалиёти.....	88
Умумий хуносалар.....	105
Тавсиялар	106
Фойдаланилган адабиётлар	107
Иловалар	115

МУБОРАК ГАНИЕВА

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ (“Шахс ва жамият” фанини ўқитиши мисолида)

Муҳаррир:

Педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Матчонов

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Муҳаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Б.Насритдинов
Мусахҳиха: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Tel: 245-57-63, 245-61-61.
Нашрлиц. А1 №149, 14.08.09. Босишига рухсат этилди 29.10.2013 йил.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 8,0. Нашр босма табоги 8,5.
Тиражи 300. Буюртма №158.